


39
Б. 79

398

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ҲАЛИМБОЙ БОБОЕВ
СОЛИЖОН ҲАСАНОВ

“АВЕСТО” - МАЪНАВИЯТИМИЗ
САРЧАШМАСИ



Тошкент
“Адолат” - 2001

ББК 82.3 (5У)

Б79

Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” - маънавиятимиз сарчашмаси. - Т.: “Адолат”, 2001 - 160 б.

Сарлавҳада: УзР Адлия вазирлиги. Тошкент Давлат юридик институти.

1. Муаллифдош.

Марказий Осиё халқларининг энг қадимги зардуштийлик дини ва муқаддас китоби “Авесто”нинг ижод қилинган жойи ҳақида олимлар турлича фикрлар баён қилиб келдилар. Баъзи олимлар бу муқаддас китобнинг дастлабки нусхаси қадимги Бактрия ёки Мидия ҳудудида ёзилган, десалар, иккинчи гуруҳ олимлар, қадимги Хоразмда яратилган дейишади. Учинчи гуруҳ олимлар эса оташпарастлар пайгамбари Сипийтмон Зардушт қаерда туғилган бўлса, “Авесто” шу ерда дунёга келган, деб фикр билдирадилар.

Ушбу рисолада муаллифлар “Авесто”нинг инсоният тараққиётидаги ўрни, унинг бутун жаҳон аҳли муштарак маънавий мероси эканлиги ҳақида, ундаги маънавий-ҳуқуқий ва таълим-тарбия масалалари, унинг тарихий-маърифий, фалсафий ва адабий қиммати ҳамда “Авесто” тили туғрисида уз фикр-мулоҳазаларини баён этишган.

Масъул муҳаррир: **Н.Т.ШОДИЕВ**,
филология фанлари доктори,
профессор.

Тақризчилар: **О. МУСУРМОНОВА**,
педагогика фанлари доктори,
профессор.
Б.О. ҚОДИРОВ - Халқаро педагогика фанлари Академияси академиги, педагогика фанлари доктори, профессор.
Т. МИРЗАЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

Б $\frac{0504010000 - 003}{(04) - 2001}$ - 2001

© “АДОЛАТ” - 2001

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**№110
“29” март 2000 й.**

**“АВЕСТО” ЯРАТИЛИШИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАШ ТУҒРИСИДА**

Дунёнинг энг қадимги динларидан бири зардуштийликнинг муққаддас китоби “Авесто”нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда ЮНЕСКО бош конференциясининг 1999 йил ноябр ойида Парижда утган 30-сессиясининг “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг таклифига биноан ЮНЕСКО бош конференцияси 30-сессиясининг “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини ЮНЕСКО раҳнамолигида 2001 йилда дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарори тўла қўллаб-қувватлансин ва асос учун қабул қилинсин.

2. “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ташкилий қўмитаси “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш тadbирлари режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” кенгаши, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Дин

ишлари бўйича қумита, Хўразм вилояти ҳокимлиги ва Тошкент Ислон университетининг жаҳон динларини қиёсий урганиш ЮНЕСКО кафедраси билан биргаликда 2001 йилнинг октябрь ойида “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни мавзуида халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирларини утказсин.

4. Хўразм вилояти ҳокимлигига “Авесто” яратилганининг 2700 йиллиги байрами муносабати билан Урганч шаҳрида боғ барпо этиш ва шаҳарни кўкаламзорлаштириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

“Авесто”нинг хорижий давлатларда ва фуқароларда сақланаётган нусхаларини аниқлаш ҳамда уларнинг каталогини тузиш чора-тадбирларини белгиласин.

“Олтин мерос” халқаро жамғармаси, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни билан биргаликда “Авесто”нинг тула матнини ўзбек тилида нашрга тайёрлашни ва чоп этишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда “Авесто” ҳақида тайёрланган илмий ва бадиий асарларни чоп этишни режалаштирсин.

7. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигига бағишлаб почта маркалари, хатжилдлар чиқарсин ва уларнинг савдосини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Телерадио компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни утказиш билан боғлиқ тадбирларни телекурсатув ва радиоэшиттиришларда, газета ва журналларда кенг ёритсинлар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Телерадио компанияси “Авесто” яратилганининг 2700 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш, хорижий ахборот воситаларини зарур маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини курсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш харажатлари учун белгиланган тартибда республика бюджети, Хўразм вилояти

бюджети ҳамда вилоят ташкилотлари ва корхоналарининг ҳомийлик бадаллари ҳисобидан қопланишини ҳисобга олган ҳолда 2-иловага мувофиқ маблағ ажратсин, шу жумладан, 2000 йилдаги қисмини тасдиқланган бюджет доирасида, 2001 йилдаги қисмини шу йилнинг давлат бюджетида режалаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг уринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И.КАРИМОВ.

МУҚАДДИМА

Ҳар қандай цивилизация купдан-куп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир суз билан айтганда, кучманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Модомики, уз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз яна бир бор қуроллантиришимиз зарур.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ҳақиқатан, қайси бир халқнинг давлатчилик тараққиёти, маънавият ва маданият тарихи қанчалик қадимий бўлса, уша халқнинг давлатчилик асослари ва қонунчилик сарчашмалари, ахлоқи, урф-одатлари илдизи ҳам шунчалик чуқур бўлади. Чунки ҳар қандай давлатчилик асослари ва қонунчилик тизими, буюк маънавият ва маданият, ҳар қандай ахлоқ, урф-одатлар жамият тараққиёти ва катта инсоний фаолиятининг кечинмалари, синовлари, ҳаётий тажрибалари асосида юзага келади ва энг мақбуллари авлоддан-авлодга ибрат сифатида мерос қолдирилади, албатта.

Зеро, Узбекистон ҳудудида, умуман, Урта Осиё минтақасида вужудга келган илк давлатчилик ва қонунчилик тизимини энг кўҳна тизим деб, буюк маънавият ва маданиятни даставвал шу ҳудудда асос топган деб ҳисоблаш ҳақиқатга мос тушади. У ҳатто бугунги кунда Оврупода антик дунё деб аталиб келаётган юнон ва рим давлатчилик тарихи, қонунчилик тизими, маънавияти ва маданияти билан тенгқурдир. Сирасини олганда, Юнонистон ва қадимги Румода илк давлатчиликнинг асос топиши миллоддан аввалги VIII-VI асрларга тўғри келса, қадимги Узбекистон, умуман, Урта Осиё ҳудудида миллоддан аввал 6-5-нчи минг йилликларда шаҳар типигаги илк қишлоқлар (Олтинтепа) пайдо бўла бошлаган.

Милоддан аввалги 3-нчи минг йиллик охирида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қабилалар мисдан қуроллар ясашган. Бронза даври (милоддан аввалги 2-1-нчи минг йиллик бошлари) биринчи утроқ аҳоли қишлоқлари /Замонбобо маданияти, Далварзинтепа, Сополлитепа/ пайдо булди. Бу уринда ТАСС мухбири А. Масленниковнинг “Қишлоқ ҳақиқати” газетасининг 1980 йил 10 сентябр сониде эълон қилинган ахборотини эслаш беқиёс қимматлидир:

“Бундан бир неча йил аввал Ушда Сулаймонтоғ ёнбағрида бронза даврининг маскани топилганди. Археологлар қадимги террасаларни тозалаётиб, тоғларга уйилган унгир қолдиқларини, дон тукиладиган чуқурларни, содда туқув дастгоҳлари ашёларини, рузгор идиш-товоқларини топдилар. Мазкур ашёлар Уш, Чуст маданияти деб аталмиш замонларга тааллуқли бўлиб чиқди. Бинобарин, у Румодан ҳам кўҳналик қилади...”

Шунингдек, археологик қазилмаларда топилган антик дунё маданияти ва осори атиқаларига ҳамда тарихий маълумотларга асосланиб аниқ айтиш мумкинки, милоддан аввалги I минг йилликда қарор топган дастлабки қулдорлик давлати бўлиш Хоразмда утроқ ҳаёт, улкан суғориш иншоотлари, қалъа-шаҳарлар, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, узига хос маданият, давлатчилик тузуми мавжуд булган. Албатта, Хоразм маданияти ва давлатчилиги дунёга машҳур булган қадимий Юнонистон, Румо, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср цивилизацияси билан қарийб тенгқурдир. Чунончи, 1997 йил, Хива шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш куниде Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқиде таъкидлаганидек, “Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасиде қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир”.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, шўро даврида ёзилган тарихий асарларда ўзбек халқининг ўтмиши, миллий давлатчилик тузуми, уларнинг умуминсоний маданият ва маънавият ривожига қандай ҳисса қўшганлиги холисоне

ёритилмасдан, коммунистик мафкура талабларига усталик билан мослаштирилган. Шу боис совет тарихнавислари узбек халқини ҳатто, кучманчи халқ булган, деб тушунтиришга астойдил ҳаракат қилишган. Узларича бунинг “илмий асос”ларини ҳам яратишган. Бундан мақсад кучманчи халқнинг номи булади-ю, лекин тайинли тарихи булмайди. Тарихи тайинсиз халқнинг миллий гурури ҳам, ифтихори ҳам узига яраша булади. Шу маънода айрим тарихнавислар уз асарларида қадимги аждодларимизни кучманчига чиқариб, ҳатто юксак маънавиятли узбек халқини исломдан олдин оташпараст булган дейиш билан бирга, яна инсоният тарихида чуқур из қолдирган ва жаҳон халқлари маданияти тарихида зур маънавий омил булган зардуштийлик динини Эрон давлати дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”ни ҳам шу заминда яратилган¹, деб исботлашга ҳаракат қилиш замирида узбек халқининг давлатчилик тарихи ва буюк маънавиятини инкор этишни асосий мақсад қилиб қўйганларига гувоҳ бўламиз.

Афсусу надоматлар булсинким, қадимги тарихимизда, бобокалонларимиз яшаган юртда кечган ижтимоий-маданий ҳаёт одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашини, давлатчилик тузуми ва мафкурасини, маънавий жараён тамойиллари ҳақида Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар жуда кўп тахминий, сохта ва ғайриилмий гаплар айтиларди, фақат археологлар топган оз булса-да инкор этиб булмас даражадаги хотирамизга янгилик киритувчи антик дунё маданияти билан боғлиқ тарихий осори атиқаларгина кўнгилга таскин бериб, улар узбек миллий давлатчилигини, халқимизнинг буюк маданияти ва маънавиятини, ўтмиш даврларнинг қоронғи саҳифаларини ёрита бошлаган эди.

Президентимиз Ислом Каримов зардуштийлик дини, хусусан, унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг яратилиши масаласига тўхталиб, бу узбек халқининг бетакрор давлатчилик тарихи ва маданий-маънавий меросини ёритишда бебаҳо манба

1. Е.А. Дорошенко. Зороастрийцы в Иране. М., 1982; Е.Е. Кузьмина. В стране Кавата и Афрасияба. М., 1977; В.А. Лившиц. Иранские языки народов Средней Азии. Народы Средней Азии и Казахстана. Т. I. М., 1962; Ричард Фрай. Наследие Ирана. М., 1972; Авесто. Избранные гимны. “Предисловие” В.А.Лившица. Душанбе, 1990.

эканлигини алоҳида таъкидлайди: “Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз куҳна Хоразм заминида “Авесто” пайдо бўлган замонлардан буён уз ҳаёти, уз маданияти, уз тарихи билан яшаб келади”.

Дарҳақиқат, Президентимиз “Тарихий хотирасиз келажак йуқ” асарида “Авесто”ни зуҳур топтирган замин Хоразм деб, миллий давлатчилигимиз тарихи айнан шу мозий санасидан бошланган деб айтганлиги бежиз эмас. Зардуштийлик гоёлари Яқин Шарқ, Олд Осиё, Ҳиндистон, Юнонистонга айнан Туронзаминдан, яъни Хоразмдан ёйилгани, ҳатто унинг насронийлик ақидаларини шаклланишида кўрсатган катта таъсири жаҳонга маълум ва тарихий ҳақиқат ҳисобланади. Зардуштийликнинг маънавий-руҳий тарихимиздаги бош моҳияти аҳамияти шундаки, аждодларимиз оташпарастлик ақидалари туфайли мажусийлик, яъни кўп худоликдан қутулиб, ёлғиз Худонинг узига сизинишдек буюк маданий юксалиш даражасига эришганлар.

“Оташпарастликнинг мумтоз илоҳий гоёлари тарихий хотирамизга шу қадар муқаддас муҳрини босганки, - деб ёзади таниқли ва истеъдодли олим Нарзулла Шодиев, - то ҳануз, яъни 3000 йиллик миллий давлатчилигимиз мозийидан бошлаб уларни тавоф қилиб келяпмиз. Фикримизча, башарият тарихида саноклиликкина халқ-миллатга бундай илоҳий неъмат насиб этган. Бу ҳам бизнинг равнақимиз, цивилизациямиз маҳсули. Ҳозирги авлоднинг аксарияти унинг тарихий-руҳий моҳиятини билмайди.

Миллий нонимизнинг муқаддаслиги нимада? Нега бошқа таомлар эмас, айнан нонимизни бу даражада эъзозлаймиз? Сабаби - унинг қуёш рамзи эканлигида. Нонимиз юзидаги ҳар бир нуқта - бу моҳиятан қуёшнинг ҳаётбахш илоҳий нури тимсолидир.

Оташпарастлик маънавий-руҳий хотирамизга, ҳаётимизга ана шундай муқаддаслик билан урнашиб қолган. Келин-куёвни олов атрофида айлантириш, қизнинг уйига куёвнинг машғала билан келиши, чимилдикда шамларнинг ёниб туриши сингари ҳанузгача маънавиятимизда сақланиб келаётган маданий-руҳоний қадриятлар сири ҳам зардуштийликда. “Авесто” гоёлари қадим осори атиқаларимизнинг рамзий моҳиятлари

ифодаси бўлган тарихий обидаларимиз шакл ва мазмунида ҳозиргача бизнинг буюк маданий ўтмишимиздан сабоқлар бериб келмоқда”.

Куришиб турганидек, ана шундай буюк маънавий-ҳуқуқий меросимиз бўла туриб, шу кунгача “Авесто”нинг узбек тилида алоҳида китоб ҳолида чоп этилмаганлиги, чуқур илмий урганилмаганлиги ажабланарли ҳол, албатта. “Авесто” китоби аллақачон хорижий мамлакатларнинг халқлари тилларига таржима қилинган. Ҳиндистондан Англия ва Америкагача кенг ҳудудларда жойлашган турли мамлакатларда “Авесто”га бағишлаб мингдан ортиқ куп жилдли қомусий китоблар, луғатномалар, илмий рисоалар, турли маъруза ва мақолалар тўпламлари, махсус нашр ва ахборотномалар чоп этилди. Шу қаторда “Авесто” масалалари буйича Торонто ва Чикагода бир неча маротаба утказилган Шимолий Америка симпозиуми натижалари ҳам нашр қилинди.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли маънавий ҳаётимиздаги бу кемтикликни бартараф этиш ниятида узбек халқининг исътедодли шоири Асқар Маҳкам 1991 йилдан буён “Авесто”ни шарҳу истилоҳлар билан узбек тилига утириб, “Гулистон” журналида босиб ва йигилган материалларни алоҳида китоб тарзида халқимизга етказишдек савобли ва хайрли ишни амалга оширмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Авесто”нинг узбек тилига таржимаси туфайли Ўзбекистоннинг қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, диний ва дунёвий мафкураси, ижтимоий-сиёсий ва ҳудудий иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш имконияти вужудга келди. Зеро, “Авесто”ни чуқур ўрганиш бугунги кунда энг долзарб илмий-амалий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода дунёнинг энг қадимги динларидан бири зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябр ойида Парижда утган 30-сессиясининг “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 мартдаги “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини нишондаш туғрисида”ги

қарори қанчалар тарихий-амалий аҳамият касб этишини англаб этиш қийин эмас, албатта. Хукмингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб қарийб ун йиллик фаолиятимиз улароқ амалга оширилган тадқиқотлардан бири сифатида дунёга келди. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, китобда “Авесто”даги муаммолар муфассал ёритилган деган даъводан йироқмиз. Чунки “Авесто”даги муаммоларнинг очилмаган қирралари кўп. Бу келажакда кўплаб илмий изланишлар юз беришини тақозо этади. Шу боис ушбу китобимиз бизга номаълум манбалар ёки келажакда аниқланажак маълумотлар билан тулдириб ва бойитиб борилса нур устига нур буларди. Шунинг учун барча ҳолисона фикрлар, танқидий мулоҳазалар, албатта, инобатга олинади.

СИПИЙТМОН ЗАРДУШТ ЁХУД “АВЕСТО”НИНГ ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Зардушт бизга ҳар бир ҳижоси андишалар билан тўлиб тошган сузларни ёзиб қолдирди. Бу сузлар қисқа ва лунда айтилганлиги жиҳатидан дунёда тенги йуқдир. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни куриб, узимизни кўрмасликка солсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси булур эди.

Агар кишилиқ тафаккури бир дoston булса ва унинг қадр-қиммати борасида суз юритилса, у ҳолда “Авесто”ни бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. “Авесто” маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир.

“Авесто”нинг яҳудий ва масиҳий илоҳиётига курсатган бениҳоя улкан таъсирини назарга олсак, у ҳолда унинг дин яратишда ва инсонлар тақдирини белгилашда уткир ва эътиборли нуфузга эга булганлигини кураимиз. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда “Авесто”дан бизгача етиб келган парчаларнинг (“Гоҳлар”нинг) ҳайратда қолдирадиган даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор этмаган. Одамзод тафаккурида бунчалар юксаклик ва шукуҳни ким, қаердан топа олади?!”

ЛОУРЕНЦ МИЛЛЗ.
инглиз авестошунос олими.

Аллоҳга шукрки, у истиқлол туфайли биз ўйлаган ва истагандан кўпроқ маънавий қадриятларни ато қилди. Шундай маънавий қадриятлардан бири зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”дир. Натихада, Сипийтмон Зардушт

ва “Авесто” туғрисида тупланган илмий ахбор бир андозага солиниб, шаклланиб қолган тушунчаларимизни ағдар-тунтар қилиб ташлади. Йўқотилган тенгсиз бисотимизни топиб олгандек қувондик...

Маълумки, зардуштийлик дини ижтимоий тараққиёт тарихида якка ҳокимликка асосланган биринчи таълимот булибгина қолмай, балки дунёвий динлар орасида энг қадимгиси булиб, инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир курсатган. “Зардуштийлик- деб ёзади академик С.Ф. Ольденбург, - уз даврида инсоннинг ер юзида фаровон яшашига катта аҳамият берган энг олижаноб диндир”¹. Шунинг учун уни урганиш, зардуштийлик ғояларини тадбиқ этиш инсоният маънавий дунёси шаклланиши ва равнақи ҳақидаги тасаввурларни бойитади ва кенгайтиради.

Тарихий маълумотлар шундан далелат берадики, зардуштийлик дини уз даврида жуда кенг тарқалган ва будда, яҳудо, насроний, ислом динларининг шаклланиши ва такомилга сезиларли таъсир курсатган. Шунга кура, Ю.А. Рапопортнинг “Зардуштийлик утмиш динларнинг энг кучиларидандир. Унинг будда, яҳудо, насроний ва исломга таъсири кучли бўлган”², - деган фикрига тулиқ қушилиш мумкин. В.В. Бартольднинг айтишига қараганда, “Исломдаги ҳар кунги беш вақт намоз ўқиш зардуштийликдан олинган, Муҳаммаднинг вафотидан кейин суннага киритилган”³. Қадимги Хоразм тарихининг чуқур билимдони фундаментал тадқиқотлар муаллифи таниқли файласуф - элшунос олим Исо Жабборовнинг ёзишича, жаҳон динларига ўтган охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг булиши ғоялари уша даврда Марказий Осиё ва бутун Урта Шарқни ларзага келтирган, бой-зодагонлар ва руҳонийларга қарши қаратилган маздакийлик номли халқ ҳаракатида ўз ифодасини топган. Маниҳой қоҳини Маздак бошчилигида диний ниқобда бошланган бу ҳаракатнинг ғояси Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида жўшқин куйланади:

1. С.Ф. Ольденбург. “Предсловие к книге Арнольд”. Свет Азии, СПб, 1906, с. XX.

2. Ю.А. Рапопорт. Из истории религии древнего Хорезма. М., изд-во “Наука”, 1971, с.5.

3. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.Ш.М., “Наука”. 1960, с.544

Маздак оддий халққа фикр этиб баён,
 Дерди: “Бою гадо - баробар ҳар он”
 Кам-у ортиқ бўлмасин ҳеч кимнинг моли,
 Бўлсин ҳамма уриш ила арқоқ мисоли.
 Бойлик, бечоралик бўлмасин, токим,
 Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким.
 Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой,
 Қашшоқда ҳам бўлсин оила, уй-жой.
 Ушбу эътиқодим менинг динимдир,
 Ёвузликка қарши йулим инимдир.
 Бу диндан юзини угирса ҳар ким,
 Уни жазолагай албатта, тангрим...”

Маълумки, ғарб тарихида буюк ислоҳатчилар ва маърифатчилар даври энг зур ва ажойиб Уйғойиш даври деб ном олган (яъни ҳозирги замон маданиятининг бешиги ҳисобланган Рим ва Юнонистон маданияти равнақи даврига) қиёс қилиниб таърифланади. Асли дастлабки инсонпарварлик (гуманистик) ғояларни ислоҳ қилиш ҳаракати -Урта Осиёнинг буюқ фанзани Зардушддан бошланган десак ҳақиқатга тўғри келади. Чунки унинг таълимоти инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштирган, дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган, унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари христианлик ва исломнинг ақидавий ва ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган¹.

Бинобарин, зардуштийлик дини пайдо бўлган замин ва унинг муқаллас китоби “Авесто” ҳақидаги баҳс узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Ғарб олимларидан А. Мейе ва П. Тедесколар зардуштийликни илк ватани Парфия (ҳозирги Туркманистон), Даристерер, Жексонлар зардуштийлик Атропатенада, Харпфельд эса Мидияда, И. Маркварт, Б.А. Тўраев, Х. Нюберг, Э. Бенвенист, Е.Э. Бертельс, Гайгер, В.В. Бартольд, Шпигелларнинг фикрига қараганда - Бақтрияда; Э. Герцфельд, В.В. Струве, К.В. Тревер, Ю.А. Рапопорт, С.Ф. Ольденбург, Н. Прохоров, М. Бойс, И.М.Дьяконов, М.Е. Массон, В.В. Бартольд, Г.А. Пугаченкова, И.О. Брагинский, Б.Г. Гофуров, С.П. Толстов, В.М. Луконин,

¹ И. Исо Жабборов. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Т., “Ўзбекистон”, 1999. 62-63 бетлар.

Э.В. Ртвеладзе, Б.И. Авдиев, Я. Фуломов, А. Қаюмов, В.И. Зоҳидов, И. Жумабосов, Ф. Сулаймонова, М. Исҳоқов, Н. Маллаев, Ҳ.Ҳомидов, А.Абдуллаев, А. Асқаров, А. Ирисов, Т. Саъдуллаев, Б. Эшов, Е. Березиков, Ф. Бойназаров, Ж. Йулдошев, О. Мусурмонова, И. Жабборов, Н. Норқулов, А. Саъдуллаев, Р. Раҳимов, Т. Қиличов, А. Саидов, Ҳ.Бобоев, З. Муқимов, С. Ҳасанов Т.Каримов ва бошқа олимларнинг фикрича, зардуштийлик Хоразмда пайдо булиб, сунгра Бақтрия, Сугдиёна, Паркана, Хуросон, Форс, Ироқ, Муғул, Балхдан тортиб, Сурия, Хитой, Рум, Турфон, Ҳабашистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар худудида кенг тарқалган.

Тарихий манбалар, археологик қазилмалар ва лингвистик маълумотларга биноан немис шарқшунос олими В. Альтхайм “Зардушт бешиги Оксус соҳилларида булган, унинг номи билан аталган зардуштийлик дини ҳам уша ерда пайдо булган”¹, деб таъкидлайди. Зардуштийлик дини ҳақида 4 жилдлик фундаментал асар яратган инглиз олимаси Мэри Бойс ҳам зардуштийлик дини ва муқаддас китоб “Авесто” Қадимги Хоразмда пайдо булганини қайд этади.

“Авесто” ҳам бошқа кўплаб муқаддас китоблар сингари мураккаб ва қатламлидир, - деб ёзади С.П.Толстов, - бироқ унда, шубҳасиз, Урта Осиё (энг қадимги бобида эса худди Хоразм) тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг қулимизда бор материалларга асосланиб, бу даврни милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин”². Е.Э. Бертельс, муқаддас “Авесто”нинг Хоразмда ёзилиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд эди. Бу муқаддас китобнинг илк саҳифалари “Гоҳлар” пайгамбар Зардушт томонидан Хоразмда ёзилган, деган қатъий хулосага келади³. Академик Б.Ғ. Гафуровнинг фикрича ҳам “Авесто”нинг энг кўҳна қисми “Гоҳлар” (“Гоҳ” сўзини олимлар “Госа”, “Гота”, европоликлар уни “Гимн” тарзида атайдилар - *муаллифлар*) Амударёнинг урта ва қуйи оқимида жойлашган Хоразмда яратилган. “Авесто”да тасвирланган Айрйана - Вайжа (Ийрон

1. В.В. Бартольд. Сочинения. Т., Ш.М., “Наука”, 1965, с.554.

2. Тилаб Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. “Гулистон”, 1999, 4-сон, 26-бет


3. Е.Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. М., 1960, с.49.

Виж) улкаси бу Хоразм давлатидир”¹. Б.И. Абдиев зардуштийликнинг Хоразм билан боғлиқлигини қуйидагича изоҳлайди: зардуштийликнинг биринчи муқаддас олови Хоразмда ёқилган. “Авесто”да тасвирланган “Айрйана-Вайжа /Ийрон Виж/ деган мамлакат Хоразмдир, Ахура-Мазда шу мамлакатда Зардуштга куриниш берган². Ҳақиқатан ҳам, “Айрйана-Вайжа” номли мамлакатнинг “Авесто”даги тасвири Хоразмнинг жугрофий шароитига туғри келади ва юқоридаги фикрларни тасдиқлайди:

“Ахура-Мазда Сипийтмон Зардуштдан ҳол сурайди-да, шундай дейди:

- Мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш булмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун халқлар Ийрон Вижга томон юз бурардилар... Шундан сунг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Ахриман келди-да Доитиё дарёси қаърида Аждаҳони яратди. Ва бу зимистон девларини борлиқ - олам устидан голиб қилди...”³.

(“Вандидод”, 1-фаргард, 1, 3-бандлар.)



Зардуштийларнинг биринчи муқаддас олови Хоразмда ёқилган.

1 Б.Г. Гафуров. Таджики. Книга первая. Душанбе, изд-во “Ирфон”, 1989, с. 62

2 “Гулистон”. 1999 йил, 4-сон, 26-бет.


3 “Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил, 1-сон, 8-бет

Шунингдек, авестошунос забардаст олимлардан И. Жабборов, Г.Дресвялянская. В.Н. Ягодин, Б. Дусчонов, К.Нуржонов, З.Дусимов, М.Урмонов, Р.Ёқубов Т.Каримов ва бошқа купчилик олимлар ҳам археологик, тарихий-этнографик ва лингвистик тадқиқотларида шубҳасиз зардуштийлик дини ва муқаддас китоб “Авесто”нинг яратилган ватани Хоразм эканлигини ҳеч ҳам инкор қилиб бўлмайдиган қимматли далиллар билан исботлайдилар. “Жуда куп исботлар билан аниқланган бу ҳақиқатни, - деб ёзади овруполик авестошунос олим Э. Бенвенист, - бошқа ҳар қандай фикр-мулоҳазалар билан йуқ қилиб бўлмайди”¹. Юртбошимиз И. Каримов 1999 йил 5 ноябрда Урганчда сузлаган нутқида “Авесто”дек улмас асар яратилган тупроқ - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳурдир”, деб масалага узил-кесил равшанлик киритди ва буни илмий-назарий жиҳатдан яна-да мустаҳкамлади.

Юқорида зикр этилган барча мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Кангақалъа, Жонбасқалъа, Бозорқалъа, Қирққизқалъа, Қурғошинқалъа, Аёзқалъа, Тупроққалъа харобалари, Олов Сарой ва “Чилпиқ” эҳром-ибодатхонадан топилган осори атиқалар, ҳайкалчалар, сопол идишлардаги рамзлар, доимо муқаддас олов ёниб турувчи оташкадалар эрамиздан аввалги V-I асрларда қадимги Хоразмда зардуштийлик дини шаклланиб минтақага кенг тарқалганлигидан, бу ҳудудда яшаган халқларнинг юксак моддий ва маънавий маданиятга эга эканлигидан далолат беради². Айниқса, Нукуста етмай 40 чақирим жойда, Амударё билан бош магистрал йул уртасидаги кенг майдонда аҳамонийлар сулоласи замонининг илк даврларига хос уттиз беш метрдан баланд тепалик устига олов худосига сифиниш учун тикланган “Чилпиқ” эҳром-ибодатхонасининг инсон қули билан бунёд этилганига дафъатан ақл бовар қилмайди. Оловгоҳ деворларига зардуштийлик динининг турли хил рамзий белгилари уйилган бўлиб, одамлар бу белгилар сеҳрли кучга эга деб ишонганлар. Зардуштийларнинг қонунларига кура, жасадни ерга кумиш, сувга ташлаш, гулҳанда куйдириш қатъий

1. И. Жабборов. Антик маданият ва маънавий хазинаси. “Ўзбекистон”, 1999, 67-бет.

2. “Жаҳон адабиёти”, 1997 йил, 4-сон, 201-бет.



ман қилинган. Шунинг учун ҳам уликни зардуштийлар уйдан, қишлоқ ва шаҳардан, муқаддас оловдан, сувдан узоқлаштириб уни тошли ва қумли тепаликлардаги махсус жойларга олиб бориб саргахталарда қолдирганлар. Жасадларнинг гүштларини улаксахур қушлар, ҳайвонлар ва бошқа жонзотлар ғажиб тозалагач, қуёш ва шамолда қуриб қолган оппоқ суякларни махсус қути (астадон)ларга жойлаб эҳромдаги алоҳида ажратилган чоҳларга дафн этганлар. Демак, одам улгандан кейин унинг жасади билан ерни ифлос қилмаслик учун Зардушт уйлаб топган дафн маросимини “Чилпиқ” эҳромидаги тобутчалар тасдиқлаши мумкин. Бу таҳлит дафн этиш расм-русумлари Сипийтмон Зардушт пайгамбарнинг руҳ кучиш гояларига ҳам жуда мос келади: унинг таълимотига кўра мурда очиқ майдонга қуйилганда мархумнинг руҳи жасаддан осонгина ажралиб чиқади ва Олий Тангри Аҳура-Мазданинг қошига учиб утади, ана шундан кейингина бу руҳ бошқа бир вужудга қўнмоқ учун тайёрлана бошлайди.



Зардуштийлик ибодатхонаси
(милоддан аввалги VI-III асрлар).

“Чилпиқ” эҳром-ибодатхонасидагига ухшаган астадон ва куза тобутдарда дафн этилган қабрлар ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистоннинг ҳудудларида қўлаб топилганлиги зардуштийлик динининг Хоразмдан кейин Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ҳудудларда ҳам кенг тарқалганлигидан далолат беради. Худди шундай дафн қилиш маросимлари бошқа диндаги халқлар орасида ҳам учрайди. Масалан, муғулларда XIX аср охири XX аср бошларида ҳам дафн маросимлари зардуштийлар одатига ўхшаш ҳолда ўтказиларди. Шунингдек, тупроқни “ифлос қилмасдан” марҳумни ўтда ёндириб дафн этишнинг кўринишларини ҳозир Ҳиндистонда ва бошқа Шарқ мамлакатларида кўришимиз мумкин. Дафннинг бу кўринишида ўлган одам жасадининг ўтдан чиққан кули тупроққа топширилади. Албатта, бундай дафн маросимларида ҳам зардуштийлик динининг таъсири бор, айти пайтда дафн қилишнинг бу шакли халқ донолигидан дарак ҳамдир. Гап шундаки, Ҳиндистонда аҳоли кўп, халқ зич яшайди, ёмғир кўп ёғади. Бинобарин, ўлган одамларнинг жасади ерга кўмилгудай бўлса, юқумли касалликлар тарқалиб кетиш хавфи бор. Жасадни ёндиришнинг Ҳиндистон мамлакати халқлари учун мақбул жиҳатларини фақат шу мулоҳаза билангина тасдиқлаш нотўғри, албатта. Мазкур дафн шаклининг асосий моҳияти шундаки, инсондаги улуг ва сеҳрли қудрат - руҳ шу тариқа худо даргоҳига тезроқ ноил бўлур эмиш. Мотам тутаётган қариндош-уруғлар ҳам марҳумнинг руҳи энг олий маънавий хилқатга - коинот эгасига қўшилиб-туташиб бораётганига шўҳид бўлиб турадилар¹.

Шунингдек, йирик давлат арбоблари Жавоҳарлал Неру, Индира Ганди, Лал Баҳодир Шастри ва бошқа ҳинд халқининг асл фарзандларининг вафотию қай таҳлитда жасади ёндирилиб, кули Ҳинд океани ва Ганга дарёсига сочилгани ҳақида тўлиқ маълумотларга эгамиз. Бу эса Зардушт пайгамбарнинг таълимоти Ҳиндистон ва бошқа минтақаларда яшаётган халқларга неча асрлар мобайнида маънавий имдод, руҳ бўлиб хизмат қилаётганлигининг тасдиғидир.

1. Е. Березиков. Зардушт тугилган диёр. “Ёшлик”, 1991 йил, 8-сон, 32-бет.

Энди зардуштийлик таълимоти асосчиси, Сипийтмон Зардушт¹ афсонавий сиймоми, ё тарихий шахсми, деган масалага тухталадиган булсак, “Авесто”нинг махсус бобларида “Сипийтмон Зардушт”, пайгамбарлик даражасига кутарилган Заотар ва Отарбон унвонлари соҳиби, Спитамонлар сулоласига мансуб тарихий шахс сифатида баён этилади. Сипийтмон Зардуштнинг қачон ва қаерда туғилгани ҳамда уз зардуштийлик таълимотини қандай тарғиб қилганлиги ҳақида турлитуман қарашлар мавжуд бўлиб, кўп тарихий шахслар қатори муқаддас “Авесто”нинг биринчи қисмида унга 70 дан ортиқ ҳикоят, афсона ва ривоятлар бағишланган. Бу ривоятлардан бирида нақл этилишича, фарвардин ойининг хурдод (олтинчи) куни илоҳий юлдузлар воситаси билан Фароҳим деган кишининг учоғига Тангри Фарраси нозил бўлади (“Фарра” сўзи саодат, шуқуҳ, иқбол маъноларини билдиради ва бу фаррага мушарраф булган ҳар бир киши улуглик, фармондорлик ва шоҳлик мартабасига эришади). Бу фарра Фароҳимнинг Порушасп исми йигитга турмушга чиққан қизи Дағдуга насиб этади. Ана шу фарра шарофати билан Сипийтмон Зардушт дунёга келади.

Одатда, ҳар бир чақалоқ туғилиши билан қичқириб йиғлайди. Аммо “Авесто”даги ривоятларда Сипийтмон Зардуштнинг туғилган чоғи кулганига ишоралар бор. Маълумки, маздапарастлар динида очик чеҳра билан табассум қилиб юриш муқаддас ҳислат ҳисобланади, чунки кулги ва шодликни инсонлар учун Аҳура-Мазда яратган, йиги ва нолаю фиғон эса Аҳриман ижодидир. “Авесто”нинг “Яштлар”ининг “Фарвардин-яшт” фаслида ёзилишича, “Зардушт туғилганда ва димоғи кутарилганда барча наботот ва сув (Фаришталари) хурсанд ва мағрур бўлишди: Сипанд - Майнйулар (осмоний Эзгулик зотлар) нажот топганлик хусусида хушхабар тарқатдилар:

“Давраимизга марҳабо! Демак, бир отарбон (оташ посбони) дунёга келди: Сипийтмон Зардушт у!.. Бундан сўнг Мазданинг Эзгулик дини етти улкада жорий булғусидир. Бундан сўнг кенг яйловлар соҳиби Меҳр мамлакат султонларига куч-қувват

1. “Сипийтмон” сўзи - Спитома уругидан; “Заратауштра” - “зора” тилларанг ёки сариқ “уштра” - туя, яъни тилларангли ёки сариқ туя соҳиби, туячилар авлодидан, деган маъноларни ифодалайди (муаллифлар)

багишлаб, исёнларни бостиради. Бундан сунг қудратли Апам-Напот (сув фариштаси) мамлакат ҳокимларига куч-қувват багишлаб, ҳақиқат курашчиси, адолат ва тартиб тарафдори ва фравашси (асрагувчи) Мадюмох, ашавани Орости ўгли ҳақида тасанно айтади: у биринчи булиб Зардушт сузларини эшитди!"¹

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сипийтмон Зардуштнинг туғилган санаси ва жойи хусусида, у азбаройи машҳур булганидан купгина халқлар уни узиники, деб билишга ҳаракат қилмоқда ва ҳануз мунозарали баҳслар давом этмоқда. Жумладан, Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва Табарийнинг "Тарихи Табарий" асарларида кўрсатилишича, Сипийтмон Зардушт озарбайжонлик Сафид Тумон деган кишининг фарзандидир. Бу ўринда уша даврда Озарбайжоннинг купгина ҳудудлари Буюк Хоразм давлати таркибида булганлигига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Ибронийлар, Зардушт - Илёс пайғамбарнинг шогирдларидан эди, деб даъво қиладилар. Абу Райҳон Берунийнинг маълум қилишича, ҳақиқатдан ҳам, Зардушт уз битигида болалик вақтида Хафронда ҳикматшунос Илёсдан илм урганган.

Румликлар даъвосига қараганда, Зардушт Мувсулдан булган. Юнонларнинг айтишига кура, Файлақус деган бир киши Болига борган. У билан Порушаспнинг ўгли Зардушт учрашиб, ундан таълим олган. Файлақус вафот этгач, Зардушт Саблон тогининг горида бир неча йил яшаган. Ниҳоят, муқаддас "Авесто" китобининг энг қадимги "Тоҳлар" ини битиб, у яккахудоликни юзага чиқарган. Шу тарихий маълумотларга асосланиб, бир гуруҳ олимлар Зардушт Озарбайжон ҳудудида, яна бир гуруҳ олимлар у Бақтрияда туғилган (ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳаси, Тожикистоннинг жануби, Шимоли-ғарбий Афғонистон ёки Шимоли-шарқий Эрон) ёки купчилик олимлар Зардуштнинг ватани Хоразм деб ҳисоблайдилар. Жумладан, академик Б.Ғ.Ғафуров, авестошунос И. Жабборов, Т.Каримов, Т.Маҳмудов, М. Умарзода, Т. Саъдуллаев, Б. Эшонов, Г. Дресвянская, Б. Абаев, И. Дьяконов. Н. Норқулов, И.


1. Мухсин Умарзода. Овисто сирлари. "Жаҳон адабиёти", 1997 йил, 4-сон, 198-бет.

Хужамуродов, С.Касанов, К.Норматов, Р.Ёқубовларнинг “Авесто”даги ривоятлар ва тарихий-этнографик маълумотларни қиёслаб, адолатли ёзишларича, зардуштийлик дини ва унинг пайгамбари Сипийтмон Зардушт асли туркий миллатга мансуб булиб, Хоразмга қарашли ҳудуд Амударё соҳилида чорвачилик билан шугулланувчи Спитома уругидан бўлган Порушасп ва Дагдуга оиласида таваллуд топган. Бошқача бўлмағи мумкин эмас-да: улуг инсонлар ҳаминша муқаддас заминда - ҳаёт ибтидоси яралган, табиатнинг руҳи мужассамлашган, қудрати барқарорлашган жойларда куз очадилар! Қизиғи шундаки, улуг динларга асос солган барча пайгамбарлар Шарқ заминидида туғилиб усганлар. Жумладан, Будда Ҳиндистонда таваллуд топди. Мусо пайгамбар Мисрда, Исо пайгамбар Қуддуси Шариф яқинидаги Вифлеемда дунёга келдилар. Муҳаммад алайҳиссалом Шарқдаги энг машҳур шаҳарлардан бири - Маккада таваллуд топди. Зардуштнинг ҳаёти ҳам бу муқаддас қонуниятдан истисно эмас: у ҳам Шарқнинг Қуёшга сажда қилувчилар диёри - қадимий Хоразмда туғилган.

“Авесто”да ривоят қилинадиган воқеалар силсиласи шундан далолат берадики, ёш болалигидаёқ от ва туяларни боқиш билан шугулланган Сипийтмон Зардушт Амударё соҳилидаги чорвадор қавмлар орасида кезиб юриб, зийраклик билан уларнинг урф-одатлари ва диний удумларини ўрганган, ҳар хил диний эътиқоддаги кишилар ва доно дин пешволари - коҳинлар, муътабар мўсафидлар гурунгида бўлган. Зардушт қабилаларни парокандаликка элтаётган ва қабилалар ўртасидаги тез-тез содир буладиган диний низолар, босқинчилик, зуравонлик, бекорга қон туқишлар, фақир кишиларга нисбатан адолатсизлик, кишиларнинг мол-мулкани ва чорвасини уғирлаш, сурув-сурув қўйлар, пода-пода қорамол, уюр-уюр йилқиларнинг айниқса, болалар, гузал қизларни ва ҳаттоки катта ёшли йигитларнинг Қуёш худоси Молох шарафига қурбонликка сўйилиши, одамларнинг турли маъбудаларга сиғиниши каби ёвуз урф-одатлар негизи кўпхудолик жараёнида юзага келишига гувоҳ булиб азият чекади ва шундай дамларда у узини улуг бир мақсад учун туғилганлигини қалбан ҳис этиб, юқоридаги вайроналик ва ҳалокатларнинг олдини олиш, одамларни ҳалол меҳнат билан тинч-тотув яшашга ўргатиш туғрисида уй-хаёлларга чўмадиган булади.

Ҳақиқатда, кўпхудолик билан боғлиқ ёвуз одатларнинг Эронда, Бақтрияда ҳукм сурганлиги ҳақида қадимги юнон тарихчиси Ҳеродот ҳам хабар беради: “Мен эшитдимки, подшоҳ Артаксеркс I нинг хотини Аместрица, узининг узоқ яшаётганига шукрона сифатида икки бора етти нафар олий насаб форс успиринларини тупроққа кўмдириб, ер ости худоси шарафига қурбонлик қилибди. Унинг эри, Форс подшоҳи Артаксеркс I эса Стримондан муваффақиятли кесиб утгач, бу ерларнинг “туққиз йил” деб номланишини эшитиб, маҳаллий аҳоли ичидан туққиз қизни ерга кумишни буюрган. Одамларни тириклай кумиш-форсларда одат экан”.

Туғриси айтганда, бу хил шафқатсиз диний маросимларни тасвирлаб утиришга қалам ҳам, одам ҳам чидаши қийин. Айниқса, тирик одамларни Молохга қурбонлик келтириш маросими ниҳоятда даҳшатлидир. Катта ёшдаги қурбонлар, эҳтимолки бу азобларга аввалдан тайёрланган, кўниктирилгандир, аммо, болалар мисдан қуйилган, бениҳоя улкан Молох ҳайкалининг қонли, қип-қизил кафтларига тириклайинча ётқизилганлар. Ҳайкалнинг қўллари елка оша яширин ишланган занжирлар орқали ҳаракатга келиб,



Аҳмоний шоҳ Артаксеркс I нинг даҳмаси.

кутарилган, теп-текис кафтда устма-уст ётган қурбонлар бир-бирининг устидан умбалоқ ошганларича хайкалнинг оғзига, ундан туппа-туғри хайкал ичида ёниб турган оловга учиб тушганлар. Оловли зиндонга ташланган одамлар бир неча даҳшатли дақиқа ичида кулга айланган ва ҳайкал пойига тукилган. Ажалкаш узун қул яна олдга чузилган, унинг кафтига янги-янги қурбонлар ётқизилган... Бу томоша соат сайин, кун оша йиллар мобайнида давом этиб келаверган.

Молохга қурбон келтириш маросимида иштирок қилаётган қариндошларга, ота-оналарга йиғлаш, изтироб чекиш ва ҳатто қайғусини ошкор қилиш, мотам тутиш мутлақо ман қилинган. Бу ёвуз маросимга тайёрланаётган болалар даҳшатдан додлаганларида уларни овутиш учун ширинликлар бериб эркалатганлар. Қанчалик гайриинсоний булмасин, боласи қурбон қилинаётган муштипар она ҳам бу маросимда, ҳамма қатори қатнашмоғи, қурбонларни кузатиб қолмоғи шарт булган, акс ҳолда, деб тушунтиради коҳинлар, Молох баттар газабланиб, одамлар бошига бундан-да даҳшатлироқ офатларни ёғдиргусидир! Мабодо бахтиқаро онанинг сабр-бардоши етмай, жигарпораси билан йиғлаб видолаша бошласа, фарёд чекса - бу аёл шармандаларча сазойи қилиб жазоланган. Она ва қурбон қилинаётган боланинг нола фарёдлари эшитилмаслиги учун, Молохга қурбонлик маросими бажо келтириляётган пайтда коҳинлар ноғораларни уриб, сур чалганлар, шовқин-сурон кутарганлар...

Хуллас, худо Молохга сиғиниш ва унга қурбонлик келтириш тинч-осойишта ва фаровон кунларда ҳам, уруш бошланганда ҳам, қурғоқчилик, очлик пайтида ҳам, вабо тарқалганда ҳам адо этилаверган; коҳинлар бу расм-русумларни жазавага тушиб бажарганлар. Одамлар учун энг қийин булган мана шундай пайтларда Молох мул-кул “ҳосил”га: дарё-дарё қон, ҳисобсиз қурбонликларга “мушарраф” булган. Кишиларнинг аҳволи баттарлашган сайин, Молохнинг қаҳри авжга минган, коҳинлар худонинг бу қаҳру газабини сундириш учун янги-янги қурбонларни бугизлаганлар, утга қалаганлар...¹

Тарихнинг гувоҳлик беришича, бобилликлар, ассирияликлар, эронийлар, сўғдлар, массагетлар, хоразмийлар,

1. Е. Березиков. Зардушт туғилган дийр. “Ёшлик”, 1991 йил, 8-сон, 29-бет.

бақтрияликларда худо Молохга қурбонлик келтириб ва маъбудларга сиғиниш одатлари энг авжига чиққан бир пайтда дунёга келган ва тарих саҳнасига чиққан Сипийтмон Зардушт инсоният тараққиёти учун зарарли булган купхудолик эътиқодининг гайриинсоний моҳиятини шу тариқа чуқур англаб етди ва уз билимларини Олий Тангри Аҳура-Маздадан келган ваҳий ила бойитиб, башарият тараққиётининг уша давргача амалга оширган, бошидан кечирган барча фаолиятию, ҳикматларини узида мукамал жамлади, шулар асосида ҳаётни янги талқин қилди, инсониятнинг бундан кейинги маънавий тараққиётини янги йўналишга солди.

“Авесто”нинг энг қадимги “Гоҳлар”ида нақл этилишича, уттиз ёшга тулганда донишмандликда камолотга етган Зардушт тонг пайти муқаддас илоҳий ичимлик “хаума” тайёрлаш ниятида Амударёга бориб, оқим уртасидан сув олади. У шу лаҳзаларда ажиб бир руҳий ва жисмоний поклик ҳолатида эканлигини сезади. У соҳилга қайтганида қаршисида ёрқин нур сочиб турган зот -Воҳуманани кўради. У Зардуштни Аҳура-Мазда ва яна беш нафар ёғду сочаётган раббоний зотлар олдига бошлаб боради. Уша пайт Аҳура-Мазда келганлар шоҳидлигида Сипийтмон Зардуштга динни ваҳий (хабар) қилади ва унга пайғамбарлик рисолатини беради. Шундан сунг Зардушт кишиларни азоблантирувчи мураккаб, чигил купхудоликка асосланган диний расм-русумлар, қонунлар ва урф-одатлардан халос этиш мақсадида хотини (Ҳаво)ни, уч угли (Иставатра, Урвататнара, Хваречитра) ва уч қизи (Френи, Трити, Поурчиста)ларнинг ҳаётини хавф остида қолдириб булса-да, сариқ нортуюга минади ва: “кучим ва имкониятим етганча, ҳақиқат ва адолатга интиламан, одамзод яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея даъват кетидан даъват қилиб, зардуштийлик гоёларини кенг тарғиб қила бошлайди. Инсоният тарихида биринчи булиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал булажаклиги ҳақидаги таълимотни юзага келтиради. Зардушт таълимотига кўра, ҳар бир инсоннинг улганидан сунг уз қилмишига яраша ё яхшилик, яъни марҳамат ёки жазо топиши гоёси ётади. Зардушт таълимотига кўра, яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида - ички дунёсида яшайди.

Унинг уқтиришича, инсон Анҳра-Ману (Аҳриман) ёки Аҳура-Мазда (Ҳурмузд) тарафида булиши мумкин, чунки Эзгулик фариштаси инсонни яхшилик қилишга, лекин ёвуз Анҳра-Ману (Аҳриман) уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув киши ҳаётининг охириги дамларигача давом этади ва улим билан тугайди.

Инсон вафотидан сунг унинг руҳи уч кун жасад атрофида парвона булади, ундан кейин эсган шабадалар билан самовий оламга парвоз этади. У оламда Чинвот ("Жудо этувчи кўприк") деб аталган кўприк бор. Руҳ (жон) бу хатарли кўприқдан утиши керак. Уч нафар адолат тарозисини ушлаб турувчи яздонлар (фаришталар): Мехр (Митра), Суруш (Сраоша) ва Рашна (Рашну) бу кўприк ёнида хушёр туриб, ҳар бир руҳ (жон)нинг яхши амаллари, эзгу сўзлари ва фикрларини тарозининг бир палласига, гуноҳ ишларини бошқа палласига қўядилар. Агар кишининг виждони пок булса ва гуноҳи булмаса руҳни соҳибжамол ва гузал қиз - Даэна кутиб олади. Руҳ ундан ҳайратланиб сурайди: "Эй гузал қиз, сендан чиройлироқ кизни ҳеч кўрмагандим... Кимсан, бу ерда нима қилмоқдасан?" Соҳибжамол қиз (яъни руҳнинг виждони) жавоб беради: "Мен сенинг Эзгу андишанг, Эзгу каломинг, Эзгу амалларинг тажассумидурман".

Киши руҳи Чинвот кўпригига яқинлашганда (фаришталар уни тўхтатиб, унинг хайрли ва гуноҳ ишларини текширадилар, сунг кўприқдан утишига ижозат берадилар. Агар кишининг яхшиликлари кўп булса, руҳ жаннатга лойиқ. Бундай руҳни гузал қиз етаклаб Чинвот кўпригидан жаннат узра кутарилади. Шу пайт кишининг руҳи қиз сиймосида "Мулойим эдим, янада мулойимроқ қилдинг, чиройли эдим, янада гузалроқ қилдинг, баландда эдим, эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амаллар билан мени янада баландроқ кўтардинг",- дейди. Лекин гуноҳлари кўп булса, Чинвот кўприги торайиб тигдек уткирлашади ва бу гуноҳкорнинг руҳини хунук, бадбашара бир қиз ниҳоятда мудҳиш ва зулмат жаҳаннамга бошлайди. "Эй, қора юрак, тили заҳар, мунофиқ гуноҳкор, - дейди у, - мен қиз эмас, балки сен ҳаётингда қилган ёмон амалларингман. Чунки сен ҳаётда худога эътиқод қилганларни кўрган булсанг ҳам, девларга сиғингансан. Яхши одамлар яқин-узоқдан келган мусофирларга бошпана берганда,

меҳнат билан кун кечирганда, ғарибу ғураболарга хайр-садақа улашганда, сен уларни камситиб, ҳақорат қилгансан, эшигингни ёпиб олгансан.

Мен сен уйлаган, айтган ва қилган ёмон фикр, ёмон калом ва ёмон амалларингман. Номуссиз эдим, сен туфайли баттар оримни йўқотдим, жирканч эдим, янада нафратли бўлдим, шарманда эдим, баттар расво бўлдим”.

Зардуштнинг уқтиришича, минг йилликлардан сўнг ҳамма руҳлар қайта тирилади ва сўнгги суд, яъни суров бериш бўлади. Олов худоси Атар тоғларидаги темирларни эритиб, оловсимон суюқликни яъни алангали дарёни ер юзига оқизади. Ҳар бир инсон руҳи ана шу дарёдан утиши лозим бўлади, ҳақиқатгўйлар ва эзгу ишлар қилган одамларнинг руҳлари учун бу олов дарёси мисоли янги соғилган сут дарёсига ухшаб қолади ва лекин ҳамма гуноҳкорлар ичлари эритилган темир билан тўлдирилиб ёвузлик худоси Анҳра-Ману (Аҳриман) билан биргаликда дузахга итқитиладилар. Шундан кейин ер юзида бахт-саодат, адолат ва яхшилик устунлик қилиб, инсоният мангу фаровонликка эришади. Бу Зардушт таълимотининг инсоният тараққиётидаги энг муҳим ва диққатга сазовор жиҳатларидан биридир: агар масиҳийлик динида “ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик”



Ёвуз кучларни даф қилишга чоғланаётган зардуштий қоҳин маросим пайтида наввос каллали бу тумоқни қулида тутиб туради.

гояси тарғиб қилинган булса, зардуштийлик дини ёвузлик кучи билан муроса қилишни эмас, ёвузликка қарши бор куч билан кескин курашмоқни буюради.

Куришиб турибдики, Зардушт дин тарихида илк бор жаннатнинг фақат аслзодалар ва руҳонийларга насиб этиши мумкинлиги туғрисидаги қадимги диний талқинларни бутунлай рад этади. Унинг нариги дунё ҳақидаги, камбағаллар, ҳатто бойлар ҳам қилган яхши ва ёмон амаллари, суз ва фикрларига қараб, охиратда суроқ қилиниши, жаннат ё дузахга тушиши ҳақидаги таълимоти аввал яҳудийлар, сунгра насроний ва ислом динига ўтади ҳамда мазкур динлар таълимотига биноан қайта-қайта ишланади. “Ҳар бир зардушт, - деб ёзади забардаст авестошунос ўзбек олимаси Фозила Сулаймонова, - кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшни олқишлаб сифиниши шарт булган. Бу анъана ҳам беш вақт намоз шаклида исломга зардуштийликдан утган. Зардуштийларда бошланг намоз ўқиш ман этилар экан, ҳақиқатан, дўппи ва салла фақат Марказий Осиёда, Эронда яъни аввал зардуштликка мансуб булган мусулмонларда одат тусига кирган. Зардуштийлик таълимотига кура, бутун табиатни: ер, сув, дарахт, усимлик, жониворларни эъзозлаш, ерни ишлаб, суғориб, боғ-роғ, экинзор қилиш, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиш, сув ва оловни муқаддас тутиш шарт булган. Бу таълимотга Урта Осиё, айниқса ўзбек ва тожик халқлари ҳалигача амал қилиб келишади”¹. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳам бир ҳовуч тупроқнинг, бир қултум сувнинг, бир нафаслик ҳавонинг, нон урвогининг муқаддаслиги, келин-куёвни олов атрофида айлантиргандан кейин гушангага олиб кириш, қабр устига шам ёқиш, мўътабар зотлар ўтган ерларда муқаддас дафниялар ёнида ўсиб турган дарахтлар шохига турли тусдаги латталарни ниёт қилиб боғлаш, исириқ тутатиш, “Наврўз”ни шоду хуррамлик билан кутиб олиш, қурбонлик ёки “худойи” учун сўйилган қўйни пиширилган калласини катталар олдига қўйиш, сўйилган тана гуштини “хомталаш” қилиб, қўни-қўшнилар ва қариндошларга тарқатиш расм-русумларининг мазмун-моҳияти ҳам зардуштийлик замонларидан буён бизга мерос бўлиб келаётганлигини тан олишимиз лозим.

¹ Ф Сулаймонова. Шарқ ва ғарб. Т., “Ўзбекистон” 1997, 26-бет.

Юқоридаги фикрларнинг узиёқ ислом динига зардуштийликнинг катта таъсир утказганлигидан ва бу дин анъаналари ҳозиргача халқларимиз томонидан эъзозланиб келинаётганлигидан далолат беради.

Зардушт таълимотида инсоният тараққиёти учун энг муҳим жиҳатлар яна шу эдики, у доимо оддий чорвадорлар ва деҳқонларга мурожаат қилиб таълим берарди. Инсон чорванинг купайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва сугориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина Аҳура-Мазданинг иноятига ноил булгай. Бу билан Зардушт оддий меҳнаткаш инсоннинг ҳуқуқини улуғлаб, уларни ҳукмдор ҳокимлар, зодагонлар, оқсоқоллар, коҳинлар, саркардалар табақасига тенглаштиради ва ҳатто “Авесто”да уларга атаб махсус боб ҳам ажратади. Бу бобда шундай дейилади:

“Эй, дунёни яратган Зот!

Мазда динини қандай таом туйғизади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

- Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бугдой эқмоқ ва яна бугдой эқмоқ”.

Руҳонийлар бу варжованд мансарасини¹ одамларга ургатсинлар:

“Ҳеч ким ҳураксиз Оша қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтирмоқ қудратига эга эмас.

Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудот емак билан тирикдир, емаксиз улиқдир”.

- Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Заминни ҳаммадан қура купроқ бахтиёр қилган бешинчи шахс ким?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

- Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган Зот!

- Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни шудгор қилиб уни меҳрибонлик, парҳезкорлик билан бир Ашаванга топширса, Спандармаз уни замин қаърида, ҳасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шурбахтлик сарзаминида девлар макони - дузах тубига улоқтириб ташламайди².

¹ Варжованд Мажараси - илоҳий каломлар.

² “Авесто” А.Маҳкам таржимаси “Гулистон”, 1999 й. №2

Сипийтмон Зардуштнинг туғридан-туғри оддий фуқароларга шундай сузлар билан мурожаат қилиши уни халққа яқинлаштирар, маҳаллий ҳокимлар ва коҳинларнинг газабини авжига миндирарди, негаки, купхудолик тарафдори булган коҳинлар бу ҳукмдорларни маъбудларга тенглаштирар, фуқароларни подшоҳ, ҳоким ва оқсоқолларга буйсунишга мажбур қилар, чорвадорлар ва деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни подшоҳ, ҳоким, оқсоқол ва зодагонларга тақдим қилишга куниктирар эдилар. Устига устак, худолар шарафига қурбонлик келтириш одати - оддий халқ, учун чидаб булмайдиган жабру зулм эди. Уз фарзандларидан тириклай айрилган ота-оналарнинг, от ва қорамоллари қурбонликка тортиб олинган чорвадорларнинг бу машъум одатга нафрати чексиз эди. Бу нафрат - девлар иродасини ифода қилувчи, мудҳиш расм-русумларга бошчилиқ қилувчи коҳинларга ҳам, коҳинларга ҳомийлик қилувчи, уюр-уюр йилқиларни, пода-пода қорамолларни қурбонликка суйишга, бегуноҳ инсон фарзандларини улдиришга фармон берувчи “кави”га, яъни подшоҳга ҳам қаратилган эди. Шу боис оддий халқнинг уз ҳукмдорларини аждаҳолар шоҳи булмиш Заҳҳок сифатида тасаввур қилиши ҳам бежиз эмас эди.

Халқ орасида тарқалган Заҳҳок ҳақидаги афсонанинг қисқача мазмуни куйидагича:

“Заҳҳок шоҳ булиб тахтга минган заҳоти ёвуз руҳларнинг найрангларига учди. Бу руҳлар Заҳҳокнинг елкаларидан упич олдилар. Упич урнида, шоҳнинг ҳар иккала елкасидан илонлар усиб чиқди, шоҳ ниманики ейиш учун оғзига олиб бормасин, илонлар овқатини тортиб олиб еб қуяверди. Бу ҳолдан жаҳли чиққан шоҳ хизматкорларга илонларнинг бошини чопишни буюрди. Аммо бу ишдан натижа чиқмади: боши чопилган илоннинг урнидан шу заҳоти бошқа илон бош кутариб чиқар, аҳвол аввалгидай давом этаверар, қайтанга, илонлар баттар ҳуруж қила бошлардилар. Заҳҳокнинг бесаранжомлигини курган ёвуз руҳ илонларни одам мияси билан боқишни, улар шундагина тинчланишини айтиб, маслаҳат беради. Ана шу пайтдан бошлаб шоҳ уз қабиладошларини ёвуз руҳлар шарафига қурбонликка келтирадиган булди”...

Сипийтмон Зардушт бу хил шафқатсиз маросимлар, мудҳиш одатларни қатъиян рад қилди. У энг аввало, халқнинг

ҳаётини оддий, инсоний қонун-қоидалар асосида ташкил этиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, янги зардуштийлик дини моҳиятини уз ваъзларида тарғиб қилиш билан бирга, қадимдан Хоразм, Бақтрия, Эрон ва унга қушни халқларнинг муқаддас бўлиб келган утга сизгиниш одатини ва бошқа диний маросимлар, байрам-ларни уша давр эҳтиёжларига, янги зардуштийлик дини қонун-қоидаларига мослаштирди. Маълумки, қадимги Эронда уч марта намоз ўқиш одати бўлиб, улар куннинг саҳар, пешин, кунботар вақтларида амалга оширилар эди.

Зардушт узига эътиқод қўйган ва унинг таълимотини эшитиб ургангани келган кишиларга мурожаат этиб, бир кунда беш марта намоз ўқишга даъват қилди. Кунни шундай қисмларга бўлдики, ҳар бир қисмда намоз ўқилар, диний талаблар адо этилар эди. Намоз ўқишдан олдин юз, қул, оёқлардаги чанглар сувда ювилиб, покланар эди.

Зардуштийлик динида еттита байрам нишонланиб, улар Ахура-Маздага ва у яратган олтита қўйи тангрига бағишланган. Шундай байрамлар ичида энг каттаси Наврўз булган. Зардуштийларга хос беш вақт намоз ва етти байрам, қолаверса, умуман оташпарастилик таълимоти, тариқати, маърифати, ақидалари катта куч бўлиб, зардуштийлик эътиқодини оддий халқ зур умидлар билан кутиб олган, улар пайгамбар Сишийтмон Зардуштга ишониб дил берганлар, натижада, у яратган зардуштийлик таълимоти маданиятли яшаш ва одамларга илоҳий таъсир ўтказиш воситасига айланган.

Хуллас, Зардушт бойлар учун ҳам, камбағаллар учун ҳам баробар булган ахлоқий тамойил ва ақидаларни яратиб, уз олдига тинчликпарвар ва адолатли қонунлар, тартиб-қоидалар қарор топган, барчага бирдай муносиб булган фаровон ҳаёт беришни олий мақсад қилиб қўяди. У



Заҳҳок тасвири.

зардуштийлик динига эътиқод қилган ўз издошларига дунё ҳаловатларидан, лаззат ва кайфу сафоларидан воз кечишни, риёзат чекиб яшашни тавсия этмайди, аксинча, шоду-ҳуррамлик билан, уйнаб-кулиб, кунгил очиб яшаш лозимлигини уқтиради. “Авесто”нинг “Яшт”ларида Зардушт Аҳура-Мазда қизи Ошага ҳамду сано уқийди ва уни эзгулик ва яхшилик, бахт ва шодлик, бойлик ва ҳаловат, фаровонлик, тинчлик ва осойишталик Олийҳаси сифатида олқишлайди:

Сулув Оша,
Нурафшон Оша,
Фароғ нурин таратадур
Одамларга у,
Шону шуқуҳ берур кимнинг
Жонибига келар булса у,
Осудалик топар кулба:
Дадил қадам қуймиш Оша
Остонасига,
Асрагай у замон-замонлар
Авлодларин, наслу насабин.
Эрларига берадирсан сен
Бадавлат мулк
Ва тушовли урин-жойлар ҳам.
Бойли - бисот берарсан кўплаб
Келар булсанг кимнинг ортидан.
Сен эргашган кимсага, Оша,
Олқиш булсин.
Мақтовлар булсин.
О қудратли, фаровон Оша,
Келгил, ҳамроҳ булгил менга ҳам.
Уйлари-да қулай, кўрклидир,
Ҳайвонлари сонсиз, саноксиз.
Гузалдир у, умрбоқийдир,-
Кимга ёндош келар булсанг сен,
Беғубор Оша.
Сен эргашган кимсага, Оша,
Олқиш булсин,
Мақтовлар булсин.
О қудратли, фаровон Оша,

Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.
 Олтин оёк ётоқларида
 Кунгиллидир ҳаёт, тартибди,
 Ёстиқлари купдир жуда ҳам
 Сен ёндашган бахтли зотларнинг...
 ... О қудратли, фаровон Оша,
 Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам,
 Ва суюмли хотинлари ҳам
 Ултирадир ётоққа хушрўй,
 Тартиб билан терилган сўлим
 Ёстиқлари, ёстиқчалари...
 Олтинлари порлар уларнинг,
 Порлар зебу зийнатлари ҳам.
 Билакузук, шода мунчоқлар,
 Турт қиррали сирғалар тақиб,
 Бир-бири-ла сирлашадилар:
 “Қачон келур уз соҳибимиз,
 Қачон роҳатланурмиз, суюб,
 Суюмли тан лаззатларидан?”
 ... О қудратли, фаровон Оша,
 Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам.
 Ултиришар нозанин, гўзал,
 Уларнинг сарв қомат қизлари.
 Билакузуқлари ярақлар.
 Қадду баст ва хипча беллари,
 Вужудлари сўлимдир шундай,
 Чиройлидир қўлларидаги
 Узун даста.
 Яшнатадур хушбахт кузларин
 Сен ёндашган бахтли зотларнинг...
 ... О қудратли, фаровон Оша,
 Келгил, ҳамроҳ бўлгил менга ҳам!¹

“Авесто” да талқин этилишича, зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир зардушт зулмат ичида қолиб, саргардон бўлмаслиги учун ростлик ва ҳақиқат чирогини қалбида ёқмоғи керак, ушандагина киши комил инсон бўлиб етишиши мумкин. Шунинг учун бўлса керакки, Зардушт уз

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси) “Гулистон”, 1991,10-сон, 20-бет.

издошларини ростгуйлик ва ҳақиқатпарастликка даъват этади. Зардуштнинг яхши ниятлар билан йўғрилган панд-насихатлари ва ваъзлари жамиятда мавқега эга булган купхудолик тарафдорлари учун қалтис фикр булиб туюлиши табиий ҳол эди. Зардуштнинг даъватлари мамлакат аёнларига оғир ботиб, унинг Ахура-Мазда вакил қилган “Ҳақиқат”ни халқ орасида ёйишига турли йўллар билан тўсқинлик қилиб, уни таъқиб эта бошлайдилар. Ҳатто уни улдиришга махфий буйруқ берадилар. Шундан сўнг Зардушт куп йиллар мудом бир жойдан иккинчи жойга қочиб, яшириниб юришга мажбур булади. “Авесто”нинг “Гоҳлар”ида битилган Зардуштнинг нажот илтижоларида пайғамбарнинг қудсий ва машаққатли йўли уз тажассумини топганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас:

“Эй Мазда! Қайси ерларга, қайси юртларга юз тутайин? Мени қариндош-уруғларимдан, дўстларимдан ажратдилар.

Мендан узоқлашган ҳамкорларим (деҳқонлар) ҳам, мамлакатнинг аён-ашрофлари ҳам мени ранжитмоқдалар.

Эй Ахура-Мазда! Мен сени қандай хушнуд этайин?

Эй, Мазда! Нечун нотавон (камбағал) эканлигим узимга аён. Бунинг сабаби шуки, мол-мулким ниҳоятда оз ва кишиларим ҳам кам.

Эй Ахура! Мен толеим пастлиги учун кўнглимдаги хафаликни изҳор этаман. Сен узинг ишларимга бир назар сол. Мен сендан мадад беришидигни ва қўллаб-қувватлашинигни сурайман, фақат шу кўнглимга далда берур.

Эй, Мазда! Қачон тонг отиб, шундай бир кун бошланадики, унда Ошани (ҳав ва одил низомни) ҳалос этишни истаганлар ҳикмат ва ақл-идрок билан Эзгулик дунёсини яратиш йўлида уз мақсадларига етадилар? Эй Мазда! Мен фақат сенинг таълимotingни танладим.

Ёмон ишлар билан бадном булиб юрган бузғунчи Другванд (алдоқчи, каззоб) кишлоқ ва улка эли ҳаётини яхшилик томонга узгартирмоқчи булган Оша дастёрларини йўлдан оздирмоқда.

Другвандга қарши бутун дилу жони ва бутун кучи билан олишган кишигина жаҳон аҳлини Эзгулик йўлига бошлай олур”¹.

1. “Жаҳон адабиёти”, 1997 йил, 4-сон, 199-бет.

Туғилиб усган юртида қадр-қиммат топмаган Зардушт уз мухлислари ва тарафдорлари билан таъқиблардан Шимолий Эронга қочиб утади ва зардуштийлик таълимотини узил-кесил шакллантиради. Беруний ва Фирдавсийларнинг тасвирича, унг ва сул томонлари кесилган оқ куйлак кийган ва сарв дарахти новдасидан йунилган салтанат ҳассасини ушлаб, “Авесто”нинг кукрагига маҳкам босган Зардушт пайғамбар кундуз куни подшоҳ Виштапс саройига кириб боради. Шунда Виштапс кундузги уйқудан уйғониб кетади. Зардушт подшоҳ Виштапс ҳузурида Олий Тангри Ахур-Маздага илтижо қилиб: “Агар шу муқаддас “Авесто” китобини ҳақиқатан ҳам сен нозил қилган булсанг, шу азиз китоб билан мени подшоҳ ҳузурига юборган булсанг, мени миснинг зараридан сақлагин”, дейди, сунгра Зардушт подшоҳ олдида пайғамбарлигини ва эътиқодини далиллаш учун қиздириб эритилган мис келтиришни илтимос қилади, мисни унинг кукраги ва қорни устига қуядилар. Мис Зардуштнинг танаси устидан гуё сувдек



Бу оташгоҳ ибодатхонани Зардуштнинг каъбаси дейишган
(эраמידан аввалги V аср).

оқиб тукларига томчи-томчи булиб ёпишади, лекин ҳеч қаерини куйдирмайди. Шу маҳалдан эътиборан подшоҳ Виштапс ва малика Хутаоса пайгамбар Сипийтмон Зардуштнинг оташпарастлик динини қабул қиладилар. Бундан норози булган Аму соҳилидаги қушни юртнинг ҳокими Аржасп акаси Виштаспни аждодлари динидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Тенгсиз муҳорабада Аржасп улдирилади. Натижада Эрону Туронда оташпарастлик дини тўла жорий этилади. Виштаспнинг фармонида биноан унга тобё барча улкаларда оташпарастлик расмий давлат дини деб эълон қилинади ва оташкадалар - ибодатхоналар қурилади.

Зардушт 1200 бобдан иборат пандномани олтин тахтачаларга ёзиб шоҳ Виштапс оташкадасига топширади. Кейинчалик, “Авесто” китоби ун икки минг ҳукиз терисига зарҳал харфлар билан битилган. Айни чоғда Зардуштнинг мухлислари ва тарафдорлари борган сари купаяверади. Пайгамбар Зардушт уларга ваъз ва қушиқлари билан мурожаат қилади, муқаддас “Авесто”нинг саҳифалари, шу тариқа илоҳ ва илоҳалар ҳам Зардуштга ҳамкор ва мададкор булишиб, унинг улуг шон-шухратини оламга ёядилар.

Балх шаҳрида қад қутарган олтин суви билан зарҳалланган энг катта оташкадада булаётган ибодат пайтида 77 ёшга кирган пайгамбар Сипийтмон Зардушт купхудолик тарафдорларидан булган Братарвахш томонидан заҳарли ханжар билан чавақлаб улдирилади. Аммо Сипийтмон



Муқадас олов меҳроблари (эрамиздан аввалги VII-VI асрлар)

Зардуштнинг зардуштийлик таълимоти ва сиймоси инсонларга маънавий мадад, руҳ булиб хизмат қилди, бунинг таъсири Ҳиндистонга, Эронга, Урта Осиёга, Кавказга, шунингдек, қатор Олд Осиё, Шимолий Америка ва бошқа мамлакатларга ёйилди.

VII асрнинг 70-80 йилларида Эрон, Урта Осиё ва Кавказ араблар томонидан босиб олингач, зардуштийларнинг бир қисми жанубий Ҳиндистонга кучиб утади. Зардуштийларнинг Эронда қолган асосий қисми давлат тепасига келган мусулмон ҳукмдорлари томонидан кириб ташланади. Лекин бундай таъқиб ва қатагонларга қарамасдан зардуштийлик дини изсиз кетмайди. Чунончи 1900 йилларда Яздда 10 мингга яқин оташпараст булиб, улар Бомбай оташпарастлари билан алоқа боғлаб турганлар.

Зардуштийлар таълимоти тарафдорларидан бир гуруҳининг Ҳиндистондан Англия, Канада ва АҚШга кучиб кетганлиги ҳам маълум.

1976 йилги статистик маълумотларга қараганда дунёда зардуштийлик дини ва таълимотига эътиқод қўйган 129 минг кишидан 82 минги Ҳиндистонда, 5 минги Покистонда, 500 киши Цейлонда, 3 минг киши - Англия, Канада, АҚШда, 200 киши Австралияда яшаркан. Санокли зардуштлар Ҳонконг ва Сингапурда, Аден, Шанхай, Кантон ва бошқа жойларда истиқомат қилмоқдалар.



Язд шаҳри яқинидаги Чом қишлоғида зардуштийларнинг қабристони.



Язд шаҳридаги зардуштийларнинг заманавий олов ибодатхонаси.

“70-йиллари, - деб ёзади Мэри Бойс, - Ҳиндистонда зардуштийлар федерацияси тузилди. 1975 йили Торонтода зардуштийларнинг I Шимолий Америка симпозиуми чақирилди. 1960 йили Техронда зардуштийларнинг I жаҳон конгресси, навбатдагилари 1964 ва 1978 йиллари Бомбайда утказилди. Зардуштийларнинг II Шимолий Америка симпозиуми 1977 йили Чикагода чақирилди.

Бу конгрессларда оташпараст диндорларнинг сони, жамоа фаолиятида диний урф-одатларнинг аҳамияти, ибодат қилиш йул-йуриқлари, болалар тарбияси, гайридин билан бўладиган аҳвол, кўмиш маросимлари ва ҳоказолар муҳокама қилинди. Зардуштийлар тобора камайиб ва йуқ бўлиб бораётган булсалар ҳам уз эътиқодларига қаттиқ ишонган одамлардир”¹.

Дарҳақиқат, Сипийтмон Зардушт яратган зардуштийлик таълимоти билан боглик “Авесто”нинг илк саҳифаларидаги энг қадимги “Гоҳлар”и (яъни алқов қушиқлар) башарият томонидан узоқ йиллар мобайнида қироат билан айтилиб келинган ва одамларда келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик,

1. “Авесто” ҳақида. “Гулистон”, 1999 йил, 4-сон, 31-бет.

покизалик, ростгуйлик туйгуларини тарбиялаган. Сипийтмон Зардушт улимидан бир неча аср кейин “Гохлар” (“Гот”лар) жамламаси коҳинлар томонидан тартибга солиниб, у бунёд этган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”¹ га киритилади. “Авесто”ни илк Сосонийлар (милоднинг III-IV асрлари) даврига боғласаларда, шунга қарамай, унинг биринчи матнлари таҳрири милоддан олдинги I асрларга мансуб деб ҳисобланади. М. Имомназаровнинг фикрича, “Авесто”нинг китоб ҳолида шаклланишининг охириги босқичлари милоддан аввалги XII—VIII асрларга тўғри келиши ҳақиқатга яқин. Аммо Зардушт бу даврдан анча илгари, балки бир неча минг йил илгари утган бўлиши ҳам мумкин, ҳар ҳолда қадим юнонларнинг гувоҳлиги шундан далолат беради². Куплаб забардаст авестошуносларнинг таъкидлашича, “Авесто”нинг яратилиши ва шаклланишини муайян тарихий даврда бир кишининг номи ва ижоди билан боғлаб бўлмайди. Уни узоқ даврларнинг маҳсули, Зардуштийлик динига эътиқод қилган куп халқларнинг қайта-қайта ишланган ижод маҳсули, дейиш мумкин. Қолаверса, “Авесто”нинг айрим қисмларидаги матнларнинг нафақат сана, балки жутрофий жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилишидан равшанки, “Авесто” матни узоқ асрлар давомида зардуштийлик динига эътиқод қилган турли мамлакатларда мажусийлар ва коҳинлар томонидан оғиздан-оғизга утиб, хотирада сақланиб, кейинчалик бу коҳинларнинг яшаш жойи ва тилига қараб эрамиздан аввал III асрларда ёзма тус олганлиги ва янги қисмлар билан тулдириб борилганлиги ҳақиқатга яқин. Ҳар қалай, нима бўлганда ҳам “Авесто” воқеалари ва коҳинлар фаолияти Яқин ва Урта Шарқ оралигида кечгани, Хоразм эса бу масканнинг маркази бўлгани тарихан маълумдир³ ва ҳақиқатдир.

Демак, “Авесто” аввал бошда 1000 фаслдан иборат бўлиб, 21 наск (китоб)ни уз ичига олган, лекин Ҳахоманишлар замонида 815 фасл, Сосонийлар даврига келиб, фақат 317 фасл қолган. Чунончи, “Табиат тарихи” муаллифи Плиний (милоддан аввалги 247-222 йиллар) Гермипп сузларига

1. “Авесто” - “Асосий матн” ёки “урнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар”, деган маънони билдиради - муаллифлар.

2. М. Имомназаров. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., 1996, 21-бет.

3. Т. Махмудов, “Авесто” ҳақида. “Гулистон”, 1999 йил, 4-сон, 32-бет.

асосланиб, муглар китоби “Авесто”да икки миллион мисра шеър борлиги ва Гермиппнинг бу шеърлар мазмунини баён этганлиги ҳақида маълумот беради¹. Е.Бертельснинг ёзишича, “Авесто”нинг илк қулёзмаси 8300000 суздан иборат булган. Авестошунос Э.Вест эса “Авесто”ни қайта ишланган нашри 348 бобдан ташкил топиб, 345700 сузни уз ичига олган², дейди. Бу боблар Олий Тангри Ахура-Маздани мадҳ этиш, яхшилик ва нажот топишга бағишланган муножот тарзидаги нолалар, ҳамду санолардан иборат. Абу Райҳон Беруний эса шундай ёзади: “Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Абистонинг ўн икки минг ҳукиз терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан уч (яъни ўн саккиз наски) қисми йўқолиб кетди. Абисто утгиз наск эди: мажусийлар қулида ун икки наск чамаси қолди. Биз Қуръон булакларини ҳафтияклар деганимиздек наск ҳар бир булакнинг номидир².”

Ҳақиқатда, бир қатор паҳлавий манбаларда, жумладан, “Шаҳриҳон Эрон”, “Дикард” (III ва IV жилдларида); “Бундаҳиши”, “Арда Вирофномак” ва бошқа китобларда ун икки минг ошланган ҳукиз терисига олтин ҳарфлар билан битилган “Авесто” китобини Искандар Мақдуний Эронни босиб олгач, ёқиб юборганлиги ҳақида маълумотлар берилган. “Авесто”нинг йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни бошқа урта аср манбалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Масъудий (вафоти 955) узининг “Муруж-аз-зиҳаб” (“Олтин водий”) китобида ёзишича, Искандар Истаҳр шаҳрини уз тасарруфига киритгач, “Авесто” китобидаги тиббиёт, фалсафа, риёзиёт ва нужум илмига доир матнларни юнон тилига таржима қилдириб, аслини оловда ёқиб юборишни буюрган. Лекин тарихий манбаларда ёзилишича, орадан 200-300 йил утмаёқ Парфия мамлакати подшоҳи Вологес I (милодий 51-76 йиллар) даврида “Авесто”нинг оғзаки ва ёзма қолган-қутган қисмлари тупланган. Шунингдек, эрамизнинг 226-242

1. Овисто сирлари. “Жаҳон адабиёти, 1997 йил, 4-сон, 195-бет.

2. А.Ирисов. Авесто китоби. “Санъат”, 1991 йил, 3-сон, 12-бет.

3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-том, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1968, 238-бет.

йилларида ҳукмронлик қилган Сосонийлар сулоласи: Ардашер I (милодий 226-242 йиллар), Ардашернинг угли Шопур I (милодий 242-272 йиллар) ва Шопур II (милодий 303-379 йиллар) ҳукмронлиги даврида зардуштийлик расмий дин деб эълон қилинган ва “Авесто”ни астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, тартибга келтирилган, кейинчалик бу асосий матн тулдирилиб нухасининг парфия ёзувидаги икки тулиқ қулёзмаси Ҳиндистонда сақланмоқда: бири Бомбайда зардуштийликнинг маданий маркази булмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси - Калькуттадаги Давлат кутубхонасида¹.

Хисрав I (милодий 531-579 йиллар) подшолик қилган даврда “Авесто” матни паҳлавий тилига таржима этилиб, бу изоҳли таржима “Занд”² деб ном олган. Шу сабабдан “Авесто”ни қайта тикланган бу нухаси “асосий матн”дан фарқли улароқ “Занд-Авесто” деб аталган³.



Сосоний шоҳ Ардашер I (чапда)


Аҳура -Маздадан (Ҳурмузд) салтанат тожини олмоқда. Унинг оти туёқлари остида Парфия шоҳи Ардалан Ахурамазда (Ҳурмузд)нинг оти эса Анхура-Ману (Аҳриман)ни тепкиламоқда.

1. Ф.Сулаймонова. Шарҳ ва ғарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 25-бет.
2. “Занд” - шарҳ, яъни “Авесто”нинг шарҳи маъносида - муаллифлар.

3. Мэрк Бойс. Зороострийцы. Верования и обычаи. М., 1988. с.165-166; Б.Г.Гафуров. Таджики. Книга первая. Душанбе, 1989, с.58.

Ҳозир бизгача етиб келган “Авесто”нинг энг қадимги, 1324 йили кучирилган нусхаси Копенгаген шаҳрида сақланади.

Шунингдек, Эроннинг забардаст авестошунос олими Пури Довуднинг истеъдодли шогирди, таржимон ва тадқиқотчи, Исфохон университетининг профессори доктор Жалил Дустгоҳ томонидан шарҳу изоҳлари билан нашрга тайёрланган ва 1995 йилда Техронда “Марварид” нашриётида чоп этилган икки жилдли “Авесто” китоби ҳам анча мукаммал нашр ҳисобланади.



“Авесто” китобининг 1324 йилда кучирилган Копенгаген нусхаси саҳифаси.

Биз юқорида таъкидлаб утганимиздек, дунёда ҳеч бир муқаддас китоб душманларнинг шиддатли қаршиликларига “Авесто”чалик қўп учраган эмас. У асрлар давомида сон-саноксиз зарбаларга дуч келди: Искандар Мақдуний ва араблар истилоси вақтларида ман этилди, унинг қўлғамалари ёқиб йўқ қилинди. Абу Райҳон Беруний, арабларнинг Хоразмда ҳам Хоразм тилида битилган китоб ва дафтарларни куйдириб йўқ қилганликлари, Хоразм ёзувини яхши биладиган ва билимини бошқаларга ургата оладиган кишиларнинг барчасини ҳалок этганликлари туғрисида маълумот беради. Лекин “Авесто”нинг муқаддаслиги, букюклиги ва азимлиги шунда эдики, у ҳар сафар тақдирнинг хайбати ва қудрати билан фалокатларни енгиб чиқарди. “Авесто”ни ёддан билган халқ подшоҳ ва қоҳинлар наслдан-наслга утказиб, қайтадан китоб шаклида кучиришган ва тарқатишган. Шундай қилиб, муқаддас китоб “Авесто”нинг куйидаги туртта “Ясна”, “Яшт”, “Виспарад”, “Вандидот” қисмлари тўла ҳолда бизгача етиб келган:

1. “Ясна” 72 бобдан иборат бўлиб, унда ҳамду сано, муножот, қурбонлик қилиш ва бошқа зардуштийлик маросимларини бажариш пайтида ёддан уқиладиган дуоларни қироат билан уқиб, куйга солиб, маълум бир оҳангда куйлаш ва эзгулик маъбудларига мурожаат қилиш ҳамда оташпарастлик байрамлари расм-русумлари ўз ифодасини топган.

Дарвоқе, “Ясна” матнларини диққат билан мутолаа қилсақ, Навруз байрами ҳар йили Хоразмда янги йил байрами сифатида утказилгани, ёмонлик худоси Аҳриман билан яхшилик худоси Аҳура-Мазда уртасида кураш рақси уйналганлиги ва уйин яхшиликнинг ёмонлик устидан галабаси билан ниҳояланганлиги бизга маълум бўлади. Раққослар давра тузиб, инс-жинсларни “жахув”, “жахув” деб ҳайдаганлар. “Кишт-кишт-кишт” деб ёмонликни суриб қувганлар. Ёмонлик яхшиликдан зарба еганда “оҳ, оҳ, воҳ-воҳ” деб қичқира бошлаган. Уйин охирида яхшиликни зафарга ундаб, давра иштирокчилари баланд овозда “овва, овва”, “овва, овва”, яъни “уравер-уравер” дея баралла қичқиришган. Раққослар ҳолдан тойгунча рақсга тушганлар ва енгил тортиб, руҳан покланганлар.

Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида баён этишича, Хоразм худудида яшовчи халқлар оташпарастлик маросим байрамларида кечаси гулхан

ёқиб, унинг атрофида айланиб тонг отгунча рақс тушиб, қушиқ айтишган. С.П.Толстов узининг “Қадимги Хоразм” асарида урта асрларга келиб, эркаклар меҳмонхона ва чойхоналарга йиғилиб, олов атрофида ҳолдан тойгунларича рақс тушганларини ёзади. Ҳ.Вамбери XIX асрда давра айланиб, огзига иссиқ темирни қистириб, қулида олов билан рақс тушган эркаклар ҳақида маълумот беради. Хоразмлик тарихнавис, адабиётшунос олим, драматург Айёмий (Юнус Юсупов)нинг 20-йилларгача Хоразмда “кокилли қаландарлар” деб аталувчи уюшма булгани, улар уз диний маросимларида ўртага олов ёқиб, қўлларига чўғ солинган идиш ушлаганча, жазавага тушиб, рақс тушганлари туғрисида ҳикоя қилиб берганлигининг гувоҳи булганмиз.

Хулас, ҳозирги Хоразмда ихро этиладиган “Қайроқ”, “Буломон”, “Лазги”, “Норим-норим”, “Чипрадали” ва бошқа куй-рақслар, қаландарлар ва фолбинлик уйинларида қўлланиладиган “жахху”, “овва”, “ҳей, овва”, “киштак-киштак”, “оҳ, ҳай, оҳайе” каби сўзлар оташпарастликдан мерос эканлигини кўрсатади.

“Ясна”нинг 17 боби аслида “Авесто”нинг энг қадимги илк саҳифалари “Тоҳлар” (гимнлар) бўлиб, унинг асосий гоёси “Эзгу ният, эзгу калом, эзгу амал”ларнинг мужассамлиги ва ҳаётийлигини мадҳ этишдир. Лекин унинг Зардушт шеърлари булганлиги, тил, мазмун ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини назарга олиб, уни кўпчинча “Ясна”дан ажратиб нашр этадилар. Оқибатда, айрим авестошунослар Зардуштнинг бу шеърларида ва умуман “Ясна”да берилган тарихий маълумотлар, ижтимоий тузум, турли қавму қабилаларнинг у даврларда яшаган жойлари, машғулотлари, диний эътиқодлари, “Тоҳлар”нинг Веда тилига яқинлиги ва бошқа кўпгина далилларга асосланиб, “Авесто”ни миллоддан илгариги икки минг йиллик охирларида вужудга келганлиги ҳақида хулоса чиқарганлар. Авестошунос олимлардан А.Мейэ ва К.Гелднернинг айтишларига кура, Зардушт шеърлари наср билан битилган парчалар орасида берилган ва бу насрий парчалар едлашга осон булмаганлиги учун аста-секин унутилган. Шунинг учун ҳам “тоҳлар”нинг бандлари орасида баъзан узилиш пайдо бўлади. Маълум бир оҳанг билан куйланадиган, вазнли, баравар бугинли сатрлар

ва содда булса ҳам мисраларда келадиган қофия узоқ аждодларимизга ажиб бир таъсир курсатган ва хотираларига сингиб қолган¹.

2. “Яшт” - зардуштийларнинг алоҳида худоларини мадҳ этувчи ва ёвуз кучларга қарши курашда эзгулик маъбудларига мададкор булган кучларни улугловчи муножот ва 22 қушиқ - оятлардир.

3. “Виспарад” (олимлар “Виспират” ёки “Висперад” тарзида ҳам талаффуз этадилар) - услуб ва мазмун нуқтаи назаридан “Яснага” ухшайди, у 24 бобдан иборат булиб, поклик, тўғрилиқ йулини тутган зотлар, порсолар, Олий Тангри Ахура-Мазда яратган барча яхши хислат ва фазилатларга бағишланган. “Виспарад” бизга фақат урта форс тилида етиб келган ва фарангий, олмон, инглиз, санскрит ҳамда гужарат тилларига таржима қилинган.

4. “Вандидод” - “Видаэй ва дота”, яъни “девларга қарши қонун” сўзларидан таркиб топган иборанинг нотўғри ва узгариб кетган шакли. “Вандидод”нинг қисмлари 22 фаргард (фасл), яъни 22 бобдан ташкил топган булиб, уларда Ахура-Мазда (Хурмузд) яратган ун олти мамлакат ва Анҳра-Ману (Аҳриман)нинг уларга етказган зарарлари (кучманчи қавмларнинг босқинчиликлари ва талон-торожлари) ҳақида сўз юритилади, Жамшид ҳақида ривоятлар, Веда қушиқлари, Маҳабхарата қушиқлари нақл этилган. Ун туққизинчи бобда ҳикоя қилинган Зардушт билан Анҳура Ману (Аҳриман) зиддиятларини авестошунос олим Дармстетер Эдип ҳақидаги қиссага ухшатади. Йигирманчи бобда дунёнинг биринчи табиби Срита ҳамда унинг халқ табobati ва турли дори-дармонлар тайёрлаш сирларидан хабардорлиги ҳақида маълумот берилади.

“Вандидод”нинг кейинги бобларида қадимги зардуштийлар чиқарган қонунлар кишиларнинг фардий (индивидуал) ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, одамларнинг жамиятдаги бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ахлоқ ва одоб, жиноят ва жазо, баданни ва руҳни чиниқтириш, кишининг узини ҳар хил нопокликлардан асраши, табиблиқ ва табиб ҳақи, уликни ерга кўмиб ерни

1. М.Умарзода. Овисто сирлари. “Жаҳон адабиети”, 1997 йил, 4-сон, 197-бет.

ҳаром қилган ёки ёлгон ваъда берган одамни жазолаш, уликларни қўядиган даҳмалар қуриш, қўмиш маросими ва уликдан ёмон жинларни қувиш учун ёнига ит олиб бориш, ит боқиш ва уларни эҳтиёт қилиш, аёлларга ойнанинг қайси кунларида яқинлашиш, соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш, уз қичқириви билан ёмон нарсаларни даф қилувчи ва одамларни гафлатдан уйғотувчи хуроз ҳақида, сувнинг шифобахшлиги, чақалоқни парваришлаш, Аҳура-Мазданинг одамларни турли бало-қазолардан асраши ва шунга ушаш кўп масалалар муфассал баён этилади.

“Вандидод”да талқин этилишича. Қуёш худоси Митра ёвузлик ва эзгулик уртасида курашнинг интиҳосида ҳақамлик вазифасини бажарадиган зотдир. Боболаримиз ҳар куни кўриб, ундан баҳра олиб турган Қуёшга сизгиниш билан соддадил-ликларини эмас, балки зардуштийликка эътиқодини курсатишган. Чунки Қуёш - тириклик, поклик ва яратувчилик манбаидир. Шу боисдан ҳам ҳар бир зардуштнинг Қуёшга сажда қилиб покланишида, чорвани кўпайтириш ва уни асраб-авайлаш учун хонаки ит асраш ва уни уй ҳайвонларига озор бермасликка ургатиш қонун-қоидаларида теран мазмун мавжуд.

“... кимки қаттиқ суякни ёхуд бениҳоя иссиқ хуракни ит галаси ёки хонаки итга берса;

агар ўша суяк ит тишлари ёхуд томоғига тиқилиб қолса ёки қайноқ хурак унинг тил ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи пишавтану, яъни арзон улимдир...” (“Вандидод”, 15-фаргард, 3-банд).

Ҳалқимизнинг соч толалари ва тирноқларини дарҳол оёқ остидан супуриб олиш, дуч келган жойга ташлаб юбормасдан, йигиб бир жойга қўмиш, боланинг тиши тушса уни тозароқ жойга ёки “суяк тишингни ол, темир тишимни бер” деб томга отиб юбориш одатлари ҳам зардуштийликка бориб тақалади.

“Зардушт Аҳура-Маздадан суради:

-Эй, Аҳура-Мазда! Эй, коинот нури. Эй оламларни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Одамларнинг девларни хушнуд ва сарафроз қиладиган энг қабиҳ ва азим гуноҳлари нималардан иборат?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

- Кимки соч тараса, ёхуд уни олса, ёхуд тирноғини олгач, уни ҳеч қандай расм-русумсиз бирор чуқурга ё қавакка тукиб юборса, бу қабиҳ амал девларни дуо билан олқишлаб, кучлантирган, уларга нусрат бахш этган билан баробардир”. (“Вандидод”, 17-фаргард, 1-2-бандлар.)

Умуман, маънавиятимиз сарчашмаларидан бири булмиш зардуштийлик таълимоти ва муқаддас “Авесто” китоби уз ихлосмандларида жасорату мардоналик, эртанги кунга умид боғлашу некбинлик, эзгуликка мойиллик ва унга ҳамиша шай туриш туйғуларини тарбиялашга, ёвузликка нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилади. Уша узоқ замонларда яшаган қавмларнинг турмуш тарзи, тили, маданияти, адабиёти, давлатни идора қилиш усуллари ва қонунларидаги бу нарсалар бизни бутун ҳам тонг қолдиради ва биз уларга таҳсину офаринлар айтамыз.

Хуллас, Сипийтмон Зардушт яратган зардуштийлик таълимоти ва “АВЕСТО” дунёдаги муқаддас китоблар орасида энг нодир, бемисл ва ягона китоб булиб, у бир неча минг йиллик давр давомида инсониятнинг орзу-умидларини, ғоятда олижаноб, ижобий ҳис ва туйғуларини бедор этиб, бепоён ҳудудларда порлоқ илоҳий маънавият машғали булиб, инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритиб турди. Зеро, “Авесто”ни мутолаа этганимизда, унинг ҳар бир боби ва сатрида пайгамбар Сипийтмон Зардушт сиймоси, заковати ва даҳоси намоён булиб туради. Биз уни кўргандек, у билан суҳбатлашгандек буламиз. Пайгамбар одам - табиатдаги барча билим, барча олий ҳиссиётларни узида мужассам қила олгани учун халқлар олдига янги, олижаноб ғоялар билан чиққани, келажакни башорат қила олгани, узи тарғиб қилаётган ғояларга одамларни ишонтиролгани учун ҳам олий инсондир.

“АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР

Энг муътабар, қадимги қулёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил буляпти. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждоддаримизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто”айни замонда бу қадим улкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият булганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

Ислом КАРИМОВ

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби- “Авесто” ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан олдинги II минг йиллик урталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафқураси, илк давлатчилик ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумотларни беради. Жумладан, буюк мутафаккир, шоир ва файласуф, давлат арбоби ва қонуншунос, дин илоҳиётчиси сифатида Заотар ва Отарбон унвонлари соҳиби булган, уз даврининг пайгамбари (эзгулик ҳақида дарак берувчи) сифатида шуҳрат қозонган Сипийтмон Зардушт яшаган (тахминан милоддан аввалги 630-553 ёки 618-541 йилларда) пайтда Марказий Осиё ҳудудида кучманчиликка асосланган турмуш тарзи инқирозга учрай бошлаган Турон заминидан азалдан эл булиб яшаб келаётган туркийлар, форсийлар, амюргия саклари, дербиклар, осийлар, тохарлар, дахлар, массагетлар, бақтрияликлар, парканаликлар, хоразмликлар, чочликлар ва бошқа халқларнинг аксарияти кучманчиликдан утроқ ҳаётга, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ута бошлаган эди. Бу эса қадимги Хоразм, Сугд, Марв, Балх, Нисоя, Ҳирот, Парфия ва бошқа улкаларда марказлашган давлат тизими асосларининг яратилишига шароит тугдирганди. Жумладан, “Авесто” нинг “Вандидод” китобида Олий тангри яратган ун олти давлат (улка)га оид маълумотлар учрайди.

“Мен ҳар бир сарзаминни, гарчи улар роҳатбахш булмасалар-да, халқлари наздида хуш қилиб яратдим.

Агар ҳар бир сарзаминни, гарчи улар роҳатбахш булмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун эллар “Ийрон Виж”¹ га томон юз бурган булурдилар.

Мен Аҳура-Мазда яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу - “Доитиё”² дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди.

Мен Аҳура-Мазда - яратган иккинчи сарзамин ва гузал юрт Суғд диёри эди.

Мен Аҳура-Мазда яратган учинчи сарзамин ва гузал юрт қудратли ва пок Марв диёри булди.

Мен Аҳура-Мазда яратган тўртинчи сарзамин ва гузал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди.

Мен Аҳура-Мазда яратган бешинчи сарзамин ва гузал юрт Балх ва Марв оралигидаги Нисоядир.

Мен Аҳура-Мазда яратган олтинчи сарзамин ва гузал юрт Ҳирот ва унинг дарёчасидир³.

Мен-Аҳура-Мазда яратган еттинчи сарзамин ва гузал юрт бадсояли Ваиҳа Гирта⁴ эди.

Мен- Аҳура-Мазда-яратган саккизинчи сарзамин ва гузал юрт кенг яйловли Авравадир⁵.

Мен-Аҳура-Мазда яратган туққизинчи сарзамин ва гузал юрт Гургондаги Хнинтадир⁶.

Мен-Аҳура-Мазда яратган унинчи сарзамин ва гузал юрт дилкаш Хараваятадир⁷.

¹Ийрон-Виж куплаб авестошуносларнинг якдиллик билан қилган эътирофига кура, ҳозирги (Хоразмнинг Хива шаҳри урнида булган). “Вандидод” китобининг I-фарғард 3-бандига кура, “Ийрон Виж” Аҳура-Мазда яратган ун олтинчи сарзаминнинг бирламчиси ва энг гузалидир.

²“Доите ёки Доитий” - баъзи авестошунослар уни Амударё (Арс) ёхуд Зарафшон дарёларига нисбат берганлар.

³Бу уринда сўз ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот ва униинг Ҳирируд дарёси ҳақида бораётир.

⁴“Ваиҳа Гирта-бу авестойи истилоҳ қадимий паҳлавий тилига “бадсояли Қобули” тарзида таржима қилинган. Бу Аҳура-Мазда яратган гузал юртнинг номи. Бошқа манбаларда бу истилоҳ “Қобул”га нисбат берилиши “Авесто”нинг паҳлавий матнларида қўзга ташланади.

⁵“Ванидод”да Аврава “булиг яйловлар юрти” сифатида қулланади. Айрим авестошунослар Авравани Тус вилоятида дейдилар.

⁶“Занд Вандидод”да (“Вандидод шарҳи”)келишича “Гургонда дарелардан иборат Хнинта номли макон бор”

⁷Айрим тадқиқотчилар “Ҳарут” ёхуд “Ҳирот” деб талқин қилганлар.

Мен-Аҳура-Мазда яратган ун биринчи сарзамин ва гузал юрт серҳосил Ҳийрманддир¹.

Мен-Аҳура-Мазда-яратган ун иккинчи сарзамин ва гузал юрт уч баҳодир ҳукмрон булган Райдир.

Мен-Аҳура-Мазда-яратган ун учинчи сарзамин ва гузал юрт қудратли ва пок Чапрадир².

Мен-Аҳура-Мазда-яратган ун туртинчи сарзамин ва гузал юрт Аждаҳони мағлуб этган Фаридун³ дунёга келган турт гушали Варинадир⁴.

Мен-Аҳура-Мазда-яратган ун бешинчи сарзамин ва гузал юрт “Ҳафтруд” дир⁵.

Мен-Аҳура-Мазда — бунёд этган ун олтинчи сарзамин ва гузал юрт, Рангҳа дарёси сарчашмаси атрофидаги бесар халқлар яшовчи макондир⁶.

Дарҳақиқат, “Авесто”да баён этилишича, бу қадимги 16 мамлакатнинг ҳудудий - маъмурий ва сиёсий-ҳуқуқий бошқарув тизими қуйидагича ташкил этилган:

- давлатни шоҳ — “кави” идора қилган. “Кави” муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларни узида мужассамлаштирган. Миллий маънавиятимизнинг жонкуяр тадқиқотчиси профессор Муҳаммаджон Имомназаровнинг ёзишича, “кави”нинг ҳукмдорлик ҳуқуқи белгиланишида “Фарр” (“Авесто” тилида “хварно”) принципи қонуний асос сифатида қабул қилинган. Унинг маъноси шуки, олий дунёвий ҳокимият сулоланинг бир вакилидан иккинчисига утишида муайян илоҳий белги содир булади, яъни муайян бир жонивор, қуш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танланган кишини ажратиб қурсатади. Халқимиз орасида тарқалган “фалончи-

¹Ҳийрманд-Сийстондаги Ҳийрманд дарёси соҳилидаги серҳосил ва гузал Ҳийрманд.

²Баъзи тадқиқотчилар Хуросон ҳудудида шундай юрт мавжуд булганини қайд этадилар.

³Фаридун “Авесто” ва бошқа диний манбалардаги энг қадимги асотирий сиймолардан бири.

⁴Варина-Фаридун дунёга келган афсонавий юрт.

⁵Инду с дарёси. Ҳозирги Панжоб, балки яна туғрироги Еттисувдир.

⁶Ушбу ишни ёзиш жараёнида узбек халқининг истеъдодли шоири Асқар Маҳкам томонидан узбек тилига таржима қилиниб, “Гулистон” журналида чоп этилган “Авесто” матнлари ҳамда истилоҳларидан фойдаланганимиз учун самимий минатдорчилик билдирамиз - муаллифлар.

нинг бошига бахт қуши қунибди” ибораси ушбу қадимий анъананинг изларига ишора этади¹.

Оилаларнинг бирлашмаси - “нмана”, уй, оила жамоаси - “дмана”, катта оила жамоаси оқсоқоли - “нма” - “напати”, уруг жамоаси бошлиги - “вис”, катта қишлоқ оқсоқоли - “виспати”, қабила бошлиги - “зантупати”, вилоят ҳокими - “дахиюпати”, бир неча вилоятларнинг ҳукмдори ва қабилаларнинг харбий бошлиги - “дахию састар”лардан ташкил топган қонун чиқаруви Олий орган - Оқсоқоллар Кенгаши (Қабилалар Иттифоқи) - “варзанапти” ёки “ханжамона” ва “Халқ Мажлиси” - “въяха” деб юритилган. Давлат бошқаруви сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар асосида амалга оширилган, Оқсоқоллар Кенгашининг муътабар уламози - коҳин эса Олий судья вазифасини бажарган, уни “Заратуштроэма” деб аташган, унинг ҳукми мутлақ бўлган ва унга ҳеч кимнинг эътироз билдиришига ҳақи бўлмаган.



Оқсоқоллар Кенгашининг муътабар уламози - Олий коҳин,
Олий судья вазифасини ҳам бажарган

Оқсоқоллар кенгаши - “варзанапати” қулида диний мафкура ва ҳокимият бирлашган. Улар жамоа фаолиятидаги ижтимоий-ҳуқуқий ва хужалик масалаларини ҳал этганлар. Катта оила жамоаси оқсоқоли - “нманапати” оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ ҳисобланган. Уруг жамоаси бошлиги “вис” муҳим ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий

¹Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.
Т., 1998, 123-124 -бетлар.

вазифаларни бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллари-“нмапати”лар ичидан сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи, қози, диний қоҳин, раҳнамо ҳисобланган. “Даҳию састар”лар бир неча қабилалар яшайдиган маъмурий ҳудудни, вилоятлар ва йирик улкани ҳамда ҳарбий қумондонлик бошқаруви вазифасини бажарган. Улар томонидан чиқарилган ҳар қандай низомлар ва буйруқлар жамоа аъзолари учун муқаддас қонун вазифасини бажарган.

Шунингдек, “Авесто”да тасвирланган жамият аҳли турт тоифага: қоҳинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва ҳунармандларга бўлинган (“Ясна”, 19-боб). Шу билан биргаликда қуллар - “вайса”, катта оила хизматкорлари-“виранмажа”, инсоний ҳуқуқлари чекланган чўпон - “пайшаутар”лар ҳам бўлган. Асосий бойликлар жамоа бошлиқлари-оқсоқоллар, ҳарбий саркардалар ва муътабар шахслар қулида тупланиб қолган. “Авесто”да тилга олинган “гайта” атамаси бойлик ва хусусий мулк маъносини англатган. Эркин жамоа аъзоларининг асосий бойлиги чорва ҳисобланган. Шу боисдан бойлик ҳақида гап кетганда биринчи навбатда чорва, сўнгра шахсий мулк-уй, ҳовли-жой, қалъа-қўрғонлар, яйлов, экинзорлар, каналлар ва бошқа бойликлар назарда тутилган.

Сипийтмон Зардуштнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида Марказий Осиё ҳудудида давлатнинг шаклланиши уч даврга бўлинади (“Тоҳлар”45):

Биринчи давр энг қадимги давр бўлиб, бунда адолат ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган (“Ясна”,32).

Иккинчи даврда эзулик руҳлари билан ёвузлик руҳлари уртасида адолат учун кураш давом этади.

Учинчи даврда ақл-идрок ва адолат тантана қилади ва бу даврда деҳқонларнинг бадавлат, давлат тизимининг мустақкам бўлиши учун, “Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб...яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар, адолатли қонунларни амалга оширсинлар ... (“Ясна”,48), дейилади.

Демак, зардуштийлик таълимотига кўра, ёлғон гапириб гувоҳлик бериш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланади. Сипийтмон Зардушт ўз таълимотидан сабоқ олгани йигилган кишиларга буни тушинтиришга ҳаракат

қилади: “Забардаст ва тушунарли булиш учун ҳамиша ҳақиқат ва ростликка амал қилсанг, забардаст ва қудратли булгайсан.

Ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида ўйлама, ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида сўхбатлашма, ҳаққоний амалдан ўзга ҳеч нарса билан шугулланма.

...Дунёни тараққийет ва камолат сари йуналтиргувчи кишилар булмоғи лозим.

Эй Аҳура-Мазда, ҳар кимки эзгу андиша, Эзгу сўз, Эзгу амал билан ноҳақлик ва унинг тарафдорларига қарши курашса ва одамларни ростлик ва ҳаққоният йулига ҳидоят этса, узининг пок муҳаббатидан сенга энг яхши туҳфа келтирган булади.

Ҳақгўйлик ва ростгўйлик тангри ойинаси ва порсолик қонунидир.

Ёлғон гапириб тирик қолгандан кура, рост гапириб ўлган яхши.

Ўз нафсини енгиб, жиловлаб ола олмаган киши, ҳеч нарса устидан ғолиб чиқолмайди”¹.

Юқоридагилардан куринадики, зардуштийлик таълимотида ростлик ва ҳақиқат учта маънавий-ҳуқуқий ғояга асосланади: эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш). Сипийтмон Зардушт, бу учликка амал қилган киши ёлғон ва ҳақсизлик (жаҳолат ва адолатсизлик) лашкарининг пешвоси Аҳримоннинг оқибат-натижада мағлуб булишига имон келтириб, қалби беҳад покиза бўлгай, деб уқтиради: “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этамен. Мен яхшилик манбаи-Аҳура-Мазда қонунига шон-шавкат бахш этамен” (“Ясна”, 14).

Авестошунос олим А.О.Маковельский, инсон фикри, сўзлари ва ишларини намоён қилиш учун унинг қалбида ростлик ва ҳақиқат чирогини ёқишга икки қарама-қарши



Учта зардуштий -
Эзгу фикр, Эзгу
калом ва эзгу амал
рамзини куриб
турибсиз.

¹Муҳсин Умарзода. Овисто сирлари. “Жаҳон адабиёти”, 1997, 4-сон, 199-200-бетлар.

куч: Воху Мана (“Эзгу фикр”) ва Ако Мана (“Ёвуз фикр”) таъсир курсатади¹, дейди.”Бу фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида, аслида Эзгулик ва Ёвузлик ётади (“Ясна”, 30). “Яхши фикр” деганда илохий қонун руҳидаги-яқин кишисига меҳрибон булиш, муҳтожларга кумақлалашуш ва ёвузликка қарши курашишга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Инсон хаёлан бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда инсон яхши ниятини йуқотади, бурч ва адолатни унугади ва ножўя ҳаракатлар қилади².

“Авесто”да қайд этилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий гоёлардан бири - ёвузликка қарши ва адолат учун кураш масалаларидир. Масалан, унда Адолат ва сулҳу ният тангриси Хварна шундай таърифланади: “Эй осмон каби бехато Хварна. Сен жаҳонда тенглик, давлату амният (тинчлик) ҳосиласан, сен туфайли, адолат тирилди, нозу неъмат кўпайди, одаму паррандалар сони ошди... Кимда-ким ёмонликни ёд этса, хирад топмагай ва камолга етмагай, Сен бор экансан, замона бадбинлари омонлик топмагай. Сен мағрур туриб, дили нопоку тили бадгўйлардан қуролингни аямайсан” (“Ясна”, 19). Бу ерда тавсифланган Қаюмарс (Гавамата), Жамшид (Йима) подшоҳлик қилган даврда шаҳару қишлоқларни обод қилиш, боғу роғларни, яйловларни кўпайтириш, кишиларнинг турмуш даражасини кўтариш, оила-ниҳоқ муносабатларини мустаҳкамлаш ва барча жонзотларни осойишталикда сақлаш учун кураш олиб борилганидан далолат беради:

“Қудратли ҳукмдор Йима замонларида қаттиқ совуқ ҳам, жазирама иссиғу офат ҳам бўлмасди, у даврларда улим ҳам, қарилик ҳам бўлмасди. Дев яратган ёмонлик, рашқу ҳасад ҳам бўлмасди”.

“Вандидод”нинг биринчи бобида ёвузлик ва адолат улкаларига тасниф берилар экан, Ахура-Мазда тинчлик ва адолат улкаларининг асосчиси, Адолат ва Эзгулик тимсоли,

² Маковельский А.О. Авесто. Баку, АН Азерб. 1960, 126-бет.

³ Уша жойда, 18-бет

Анхро Манё (Ахримон Майнйу) жаҳолат, ёвузлик ва ёмонликлар уругини сочувчи каззоб сифатида талқин этилади. Бу ёвуз руҳларга Другванд (Ёлгончилик руҳи) бошчилик қилади. Унга ёвуз фикр (Ако Мана), Талончилик руҳи (Эшма) мадад беради.

Ахура-Мазда ёвуз кучларга кумаклашганлар билан аёвсиз курашади, чорвачиликнинг ривожланишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ҳалал бериш учун газандалик, хиёнаткорлик, бузуқчилик, тажовузкорлик ва ёлгончилик билан шугулланувчиларга нисбатан жуда ҳам шафқатсиз булади, кимки бизга содиқ булмаса, унга энг ёмон жазо насиб этур, дейди ("Ясна", 46).

Агар кишилар Ахура-Мазда яратган қонунларга қатъий амал қилсалар, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади, дейилади, Бунинг учун ёвузликни даф қилишга чоғланаётганда ҳар кимда покланиш, имон ва эътиқодни сақлаб қолиш учун муқаддас қонунларга астойдил риоя этиш талаб этилади:

Биз Митрага топинамиз,
У сузида собитларни,
Лафзи ҳалол кимсаларни
Фалокатдан сақлағайдир..
Гар кимда-ким ёлгончидир,
Субутсиздир, тангри Митра
Шафқат қилмас ундайларга¹

Демак, Куеш тангриси Митра мамлакат хавфсизлигини сақлаш учун, Ахура-Мазда қонунларига садоқатли, адолатли, эзгу калом соҳиби булган покдомонларга, хушхулқ ростгуйларга ҳомийлик қилиб, ёвузлик, уғрилик, ҳасадгуйлик каби гайриинсоний хатти-ҳаракатлари билан кишилар дилига озор берувчиларни турли фалокатларга ва Олий Тангри қаҳрига гирифтор булишдан огоҳлантиради: "Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен Маздаясна (Олий билим эгасига сизгиниш) қонунларига асосланган тартиботларни улуғлайман. Менинг номим

¹"Авесто" (Асқар Маҳкам таржимаси). "Гулистон", 1991 йил, 5-сон, 20-24 -бетлар.

Ҳақгуйлик эрур. Менинг номим Асрагувчидир. Менинг номим Қақшатгич эрур. Остин-устун қилгувчи ҳам мен. Яна бир номимдир Эзгу фароғат...” (Ард-Яшт”, 17-боб).

“Авесто”да таъкидланганидек, Сипийтмон Зардушт бутун ҳаёти давомида Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амал каби ахлоқий-ҳуқуқий гоёларга риоя қилади. Улимдан сунг марҳум устида утказиладиган ҳисоб-китобда Ҳақиқат тангриси (илоҳи) Рошну эзгулик ва ёвузлик ишларини адолат тарозисида салмоқлаб кўради.

Тарозининг бир палласига Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амаллар, яхшилик ва эзгулик ишлари иккинчи палласига ёвуз иллатлар қўйилади. Эзгулик оғирлик қилса, марҳумнинг руҳи юқорига, жаннатга тушади, ёвузлик палласи оғирлик қилса, у тубанликка-жаҳаннамга тушади, Шу жиҳатдан бу гоёлар “Яшт”нинг учинчи бобидаги Аҳура-Мазда қонунларида ҳам аниқ баён этилганлиги аён бўлади:

“Тангри Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлгон гапиролмайди: на уйда-оила бошлиғи, на уруғ оқсоқоли, на қабила йулбошчиси ва на мамлакат сардори. Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлгончи бўлса, газабланган Митра оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини тамоман йуқ қилади”.

“Авесто”да кишиларнинг узаро муомала ва муносабатларида лафздан қайтмаслик, берилган суз (ваъда)нинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамга содиқ бўлиш, савдосотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби имонлилик ва диёнатлиликни англатувчи эзгу ҳислатларни кўрамиз. Ичган қасамини бузган одамнинг бу жинояти, яъни гуноҳи учун албатта жазога гирифтор бўлишидан ҳам огоҳ бўламиз:

“Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали уша омонатни уғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қул урса ва узиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта уғирлаган билан баробардир.

- Эй, дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Қасамларнинг саногии неча?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Менинг қасамларим олтита:¹

биринчиси - сўз қасамидир;

иккинчиси - қул қасамидир;

учинчиси - қўй қасамидир;

тўртинчиси - сигир қасами;

бешинчиси - одам қасами;

олтинчиси - экин қасами; бу - энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин.

Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг узи деб тасвир этса, уни қул қасами билан тузатиши ва қул қасамининг товонини тулаши керак.

Қул қасамини қўй қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва унинг ўрнига одам қасамини бериши керак.

Одам қасамини экин қасами билан ислоҳ қилиши ва экин қасамини унинг ўрнига бериши керак.

- Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Кимда-ким ўз қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юзтасига тенгдир.

- Эй, дунёни яраган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қул қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

¹Ушбу вандидодий қасамларни 4-нчи фаргардда уқиймиз. Одатда қасам келтирган томон ўз сўзининг товони сифатида кейинги қасамни келтиради. Чунончи, қўй қасамининг баҳоси бир қўй қийматига баробар. “Буюк ривоят” китобида “қул-қасам” ҳақида қуйидагиларни уқиймиз: “Бу ҳолда ҳар икки томон қул сиқиш йули билан шартлашадилар” - муаллифлар.

- унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг олти юзтасига тенгдир.

- Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қуй қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг етти юзтасига тенгдир.

- Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг саккиз юзтасига тенгдир:

- Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одам қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг тўққиз юзтасига тенгдир.

- Эй дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор буладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони уша қасам баҳосининг мингтасига тенгдир.

- Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким, сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Уч юз қамчин аспаҳиҳ-ҳашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана¹ билан саваланади.

¹Саравушу - чарана - муайян гуноҳлар содир булганда қўлланиладиган жазо қуроли.

- Эй оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қўл қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Олти юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра¹ билан, олти юз қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

-Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қўй қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Етти юз қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан, етти юз қамчин саравушу- чарана билан саваланади.

-Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда, жавоб беради:

- Саккиз юз қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан, саккиз юз қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

-Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук!

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади"².

Ана шуларга асосланиб, професоор З. Муқимов берилган сўз, олинган мажбурият ва қасамни қаятий туриб бажариш зардуштийлик эътиқодлари буйича ниҳоятда қадрланганлигини жуда ҳам тўғри кўрсатган: "Қонун яратувчилар ва қоҳинлар аҳамият берган нарса, бу берилган сўзнинг муқаддаслиги эди. Сўз, "Аша" - Ҳақиқатнинг ҳаётий сифатида ҳурматга сазовордир, Икки хил мажбурият олинади. Биринчиси - тантанали равишда қасам ичиш (варуна, бирон

¹ Аспаҳиҳ - ашатра - гуноҳкорни жазоловчи асбоб.

² Авесто. (Асқар Маҳкам таржимаси), "Гулистон", 1999 йил, 2-3-сонлари, 28, 48 - бетлар (бундан кейингилари ҳам шу манбадан олинди).

ҳаракатни содир этиш ёки шартнома ҳисобланиб, у Митра деб аталган, бунга кура, томонлар узаро бирон нарса тугрисида келишишган. Иккинчи ҳолда ҳам куч ичилган қасамда яширинган булиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. Бу куч одамга ҳамкорлик қилади, ўз сузида қатъий булган кишини қўллаб-қувватлайди. Сузида турмаган кишини жазолайди”¹.

“Авесто”да баён этилишича, қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақиқатни исботлаш учун процессуал нормалардан Ордалия (синаб куриш, ёки жазо бериш) қўлланилган. Инглиз олимаси Мэри Бойс ва А.Г. Шереханян ҳамда З.Муқимовнинг таъкидлашича, Сипийтмон Зардушт таълимотида адолатли суд қилиш учун Ордалиянинг 33 усули мавжуд булган². Агар суз қасам тугрисида борса, одатда, сув билан синаш, агар шартномага оид булса, ўт билан синаш ўтказилиб, айбдор ёки гумондорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган. М.Бойснинг таърифлашича, дарё сувига улоқтириб Ордалия ўтказишнинг турларидан бири Яжина валкаяга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шунгиган. Шунгиш вақтида: “Варуна, ҳақиқатан мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган ва чопқир киши ўқ кетидан югурган, агар ўқни айбдор сув тагида улиб қолмасидан келтирса, бу амал-қасам худоси Варуна айбдорни авф этди ва оқлади, деб ҳисобланган³.

Шунингдек, ўт билан синаш усулларидан бирида айбдор ёнаётган икки чалаён(ўтли чамбарак) орасидаги тор йулақдан югуриб утиши лозим булиб, агар тирик қолса, шартнома тангриси Митра уни айбсиз деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, ўт билан синашда айбдорни яланғоч кўкрагига эритилган мис қуйиш усули ҳам қўлланилган. Мэри Бойснинг ёзишича,

¹З. Муқимов. “Авесто”нинг ҳуқуқий қарашлари. “Қонун ҳимоясида”, 1997 йил, 3-сон, 32-бет.

²Бойс Мэри. Зароастрийцы. Верование и обычаи. 2-е издание. (Пер. с англ. И.М.Стеблин - Коменского). М., Наука, 1988, с.16; Переханян А.Г. Общество и право Ирана в Парфянский и Сасанидские периоды. - М., Наука, 1983, с.175; З. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи (Энг қадимги даврдан XX асргача). “Зарафшон” нашриёти, Самарканд, 1998, 39-бет.

³ Бойс Мэри. Зароастрийцы. Верование и обычаи. М., 1988, с.153.

Олов тангриси Атар тоғларидаги темирларни эритиб, оловсимон суюқликни ёки алангали дарёни ер юзига оқизади. Ҳар бир киши бу дарёдан кечиб утиши лозим бўлади, ҳақиқатгуй (пок)лар учун олов янги соғилган сут дарёсига ухшаб қолади, гуноҳкорларнинг ичи эритилган темир билан тулдирилиб ёнгинга айланади. Гуноҳкорлар ва жаҳолат ер юзидан тамоман йуқ бўлади. Бундан кейин жамият (ер)да фаровонлик, бахт-саодат, адолат ва яхшилик устунлик қилиб, одамларнинг узаро муомала ва муносабатлари, сузлари, ишлари тинчлик ва осойишталик муносабатлари билан боғланади¹.

Ордалиянинг қайнаб турган суюқлик (ёғ ёки қайноқ сув) билан синаш, муз билан синаш, диний маросимларда қўлда тутиб туриладиган металл ёки дарахт новдаларидан ясалган хивичлар боғлами билан ва Барсман билан уриб синаш, мудом яшил бугасимон ўсимлик - эфедра ширасига сут аралаштириб тайёрланган инсонни руҳлантирадиган, яъни бардам тутадиган Хаома ичимлиги ичириб (маст қиладиган даражада эмас) синаш ва бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, “Авесто”нинг Митра мадҳиясида қуйидагиларни ўқиймиз:

“Ҳаома ичгандан кейин
Ҳақиқат изма-из келур”.

- Мамлакатни ўз сузида турмайдиган бадкирдорлар бузади. Улар эзгуликка мойил кишиларни ҳалок этадиган сотқинлардир. Сипийтмонга берилган сузга содиқ бул, шартнома сузлари иккала томон учун ҳам бирдир², дейилади.

¹ Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верование и обычаи. М., 1988, с.153.

² З. Муқимов Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи (энг қадимги даврдан XX асргача). Самарқанд, 1998, 40-бет.



Амударё хазинаси (Жонбасқалъа)дан топишган лаптак.

Унда сиз узун чивиклардан иборат барсманни тутиб турган Зардуштий Олий коҳинини кўриб турибсиз.

Ордалия суд жараёнлари ниҳоясида Митра ҳам, Варуна ҳам узлари қатл этадиган ёки авф этадиган кишилар устидан ҳақиқатан оқилона ҳукм чиқарганлар. Шу боис ҳам барча одамлар, Митра ут тангрисига, Варуна эса сув тангрисига айланиб, аҳдномага содиқ булганларни ҳам, уни бузганларни ҳам кузатиб борурлар ва жазога тортурлар, деб ҳисоблашган. Одамлар назарида Митра ва Варуна аста-секинлик билан ҳақиқат ва адолат тангриси тимсолига айланиб борган. Бу илоҳлар номи билан ўтказиладиган Ордалияларда олий коҳинлар ёки уруғ ё жамоа бошлиқлари қатнашиб, қонунларни биладиган донишманд коҳин суд жараёнини олиб борган. Адолатли ҳукм чиқаришда донишмандлик тангриси Аҳура-Мазда (Аҳура-Олий тангри, Мазда - донишмандлик хожаси, подшоси маъноларини билдиради) мададкор деган тасаввур мавжуд булганлигини кўрсатади.

“Авесто”да баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан туғри баҳолашда уларнинг объектив, яъни ҳаққоний томонини аниқлашга катта аҳамият берилган. Жумладан, қасддан одам аъзоларига тан жароҳати етказилганда айбдор (гуноҳкор)ларга қуйидаги жазолар қўлланилган:

Кимда-ким бировни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи “оширипта”дир¹.

Кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бос-тириб кирса, унинг гуноҳи “авауйрайшга”дир².

Кимда-ким гараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи “аридуш”дир³.

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса у “пишавтану”⁴ бўлади.

- Эй оламини яратган Зот!

¹ Оширипта - олмоқ маъносида. “Вандидод” таъбирича, бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурол олган шахс гуноҳи шундай деб юритилади (“Вандидод”, 4 - фаргард, 17 - банд).

² Авауйрайшта - “айлантирмоқ” маъносида. Қўлга қурол олиб бировни урмоққа жад қилиб уни айлантирган кимса гуноҳи шундай юритилади (“Вандидод”, 4 - фаргард, 17 - банд).

³ Аридуш - қўлига қурол тутиб бировни урмоққа қасдланган киши гуноҳининг номи. Бунда қасд қилган золим урмайди, бордию урган тақдирда ҳам унинг асорати уч кун ичида тузалиши керак.

⁴ Пишавтану - “ўз гуноҳи учун танасини багишлаган одам” маъносини англатади. Унинг бошқа бир номи “арзон улим”, яъни гуноҳлари эвазига улим жазосини топган шахс.

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким “оширипта” гуноҳи билан булганса, гуноҳининг жазоси не бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва беш қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ун қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва ун қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Учинчи марта ун беш қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва ун беш марта саравушу - чарана билан саваланади.

Туртинчи марта ўттиз қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва ўттиз қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Бешинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва эллик қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Олтинчи марта олтмиш қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Еттинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ - ашатра билан ва туқсон қамчин саравушу - чарана билан саваланади.

Кимда - ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагач, саккизинчи марта “оширипта” ёзуғи билан булганган бўлса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- унинг кирдикори “дишавтану” дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким “оширипта” гуноҳи билан булганса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори “пишавтану” дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ- ашатра билан ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот?

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким “аваруйрайшта” гуноҳи билан булганган бўлса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Ун қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ун қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта ун беш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Олтинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Эй оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат?

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулагандан кейин ҳам еттинчи марта “аваруйрайшта” гуноҳи билан булганса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану”дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким “аваруйрайшта” гуноҳи билан булганган булса ва товон тулашдан бош тортса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану”дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Эй оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким “аридуш” гуноҳи билан булганган булса, унинг жазоси нечук!

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Ун беш қамчин аспаҳиҳ ашатра билан ва ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва ун беш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бешинчи марта тўқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва тўқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулаганидан кейин ҳам олтинчи марта “аридуш” гуноҳи билан булганса, унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради;

- Унинг амали “пишавтану” дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва олтмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

— Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким “аридуш” гуноҳи билан булганса ва товон тулашдан бош тортса унинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану” дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бировни уриб, унга қаттиқ тан шикасти етказилганда шахсга нисбатан қилмиши учун қуйидаги жазо чоралари қўлланилган:

“-Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Уттиз қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва уттиз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Туртинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан ва туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тулаганидан кейин ҳам бешинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси нима?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану” дир. Гуноҳининг жазоси йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким гуноҳ билан булганса ва товон тўлашдан бош тортса, унинг гуноҳи нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Унинг амали “пишавтану”дир. Гуноҳининг жазоси йиғирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Бировни уриб, унинг қонини оқизган шахсга нисбатан қилмиш (жиноят)нинг оғир-енгиллигига қараб жазо белгиланган:

“Эй, оламни яратган Зот!

Эй” Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг қонини оқизган кимса ёзуғининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Эллик қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва эллик қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи марта етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Учинчи марта туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Кимда-ким олдинги гуноҳларининг товонини тўлагани ҳолда туртинчи марта ушбу гуноҳ билан булганса, унинг жазоси қандай?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану”дир. Гуноҳининг жазоси йиғирма қамчин саравушу-чарана ва йиғирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировга шикаст етказиб, унинг қонини оқизган ҳолда товон тўлашдан бош тортган кимсанинг жазоси қандай?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг амали “пишавтану”дир. Гуноҳининг мукофоти йиғирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йиғирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини синдирса гуноҳкор (жиноятчи)га нисбатан, қуйидаги жазо қўлланилган:

- Эй, оламни яратган Зот!

- Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, суягини синдирган кимса ёзуғининг жазоси нечукдир?

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Етмиш қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва етмиш қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Иккинчи дафъа туқсон қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва туқсон қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Бурунги ёзуғлари учун товон тўлаган ҳолда учинчи марта ҳам мазкур гуноҳ билан булганган кимсанинг жазоси қандай?

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Унинг қилмиши “пишавтану” дейилади. Гуноҳининг сийлови йигирма қамчин аспаҳиҳ-ашатра ва йигирма қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот!

- Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг суягини синдирган ҳолда товон тулашдан саркашлик қилган кимса гуноҳининг жазоси нечукдир?

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори “пишавтану” дейилади ва аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу-чарана қамчинлари билан йигирма марта саваланади”.

Агар бир шахс бировни калтаклаб, уни ҳушидан кеткизса ёки ушбу жиноятни қайта содир этса, жиноятлар жами буйича куйидаги жазо тайинлаш қондаси мавжуд булганлигини кўраимиз:

“- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни калтаклаб, уни ҳушидан кеткизган кимсанинг жазоси нима булади?

Ахура-Мазда жавоб беради:

“Аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан туқсон марта ва саравушу-чарана қамчини билан олтмиш марта саваланади.

- Дастлабки гуноҳининг товонини тўлаб туриб ҳам қайта ушбу гуноҳни содир этган кимсанинг жазоси ҳақида хабар бер!

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Унинг қилмиши “пишавтану” деб юритилади ва бу гуноҳи учун аспаҳиҳ-ашатра қамчини билан йигирма марта ва саравушу-чарана қамчини билан йигирма марта калтакланади.

-Эй, оламини яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

Бир кимсани уриб, хушидан айиргани оқибатида товон туламоқдан саркашлик қилган зуравоннинг топқуси жазосидан мени огоҳ эт!

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Унинг кирдикори “пишавтану” деб юритилади ва топқуси оқибатида аспаҳиҳ-ашатра ҳамда саравушу - чарана қамчилари билан йигирма мартадан калтакланади!¹

Шуни таъкидлаш керакки, зинокорлик ҳамма давру замонларда жамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб булган. Бу қабих одат бундан уч минг йил бурун дунёга келган “Авесто”нинг 17-боби, “Ард-Яшт” булимидаги саховатли тақдир ва бахт маъбудаси Ошага бағишланган қасидасида чиркин ҳодиса сифатида қораланганлигини кураамиз:

Аввал шиква қилди уртаниб,
Меҳрибон ва раҳмдил Оша,
Енгилоеқ, пуштсиз хотиндан.
“Унга ёвуқ келмагил асло,
Бир уринда ётма ул билан.
Нима қилай улар дастидан:
Осмонларга кетайми бадар,
Ерга қайтиб тушайми ёхуд?
Кейин шиква қилди уртаниб,
Уйнашидан бола орттириб,
Йулдошига элтувчи бузуқ,
Енгилоеқ хотин зотидан:
Нима қилай улар дастидан,
Осмонларга кетайми бадар,
Ерга қайтиб тушайми ёхуд?”
Сунгра шиква қилди уртаниб,
Меҳрибон ва раҳмдил Оша,
Ёш қизларни йулдан ургувчи
Ва уларни элтиб бемаҳал
Қайтаргувчи боласиз танҳо
Тубан каслар қилмишларидан

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил, 3-сон, 48-50 бетлар.

Ҳасрат қилди, покиза Оша!
“Нима қилай улар дастидан,
Осмонларга кетайми бадар,
Ерга қайтиб тушайми, ёхуд?”
Деди унга: Аҳура-Мазда:
“Худо берган Оша меҳрибон,
Осмонларга бош олиб кетма,
Қайтиб тушма сен заминга ҳам,
Менга ҳамроҳ бўлгил, эй Оша,
Менинг сулим маконим ичра
Манзил бордир сендай ҳокимга¹.

Умуман, зинокорлик ва баччавозликдек қабих (жиноят)га йул қуйган одам зардуштийлик қонун-қоидаларига мувофиқ ҳеч қандай далил-исботсиз ва гувоҳсиз ҳамда Олий коҳиннинг ҳукмисиз улим жазосига буюрилганлиги айна ҳақиқатдир. Бундай гуноҳқорни улдирган кимсанинг гарданида энг катта гуноҳи бўлса-да, у авф этилган. Жумладан, зинокор ва баччавоз одамга қуйидаги жазо турлари қўлланилган:

“Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан зўрлик асосида баччавозлик қилса, жазоси қайдай бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчилари билан саккиз юз мартадан саваланади.

- Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан келишган ҳолда баччавозлик қилса, жазоси нечук, товони қандай ва бу булгангач гуноҳдан у пок бўла оладими?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йук...

Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дев ким?

Девпараст ким?

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1991 йил, 11-сон, 21-22 бетлар.

Девларнинг эркак ҳамхонаси ким?

Мода дев ким?

Уз ботинида девни асраган ким у?

Ким у улимидан бурун девсиёҳдир, улимидан кейин
эса девнинг узи каби?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Бир эр бошқа бир эр билан баччавозлик қилса ёхуд
бир эр бошқа эрнинг узи билан баччавозлик қилишига изн
берса, у девдир.

У девпарастдир.

У девларнинг эркак ҳамхонасидир.

У девларниг ургочи ҳамхонасидир.

У ургочи девдир.

Уз ботинида дев асраган удир.

Уша бутун ҳаёти давомида девдек яшаган.

Уша улимидан бурун дев каби, улимидан сўнг девга
айланган зот.

Шудир бир эр билан баччавозлик қилган эрнинг ёхуд
узи билан эрнинг баччавозлик қилишига изн берган эрнинг
қисмати¹.

Босқинчилик, уруш, ёвузликлар, талончилик, нопок-
ликка нисбатан норозилик, тинч меҳнат ва одамларнинг
осойишта ҳаётига хайрихоҳлик зардуштийлик таълимотида
уз ифодасини топганлигини кўрамиз:

“О, Мазда, қачон бизга яхши ҳаёт ва яйловлар ҳадя
этувучи Ҳақиқат ва Куч-қудрат билан биргаликда Тинчлик
келади? Ким бизни ёлгончилар, қонхурларнинг панжасидан
қутқаради?”²

“Авесто”да Ҳақиқат, Тинчлик, Давлат ва Эркин ҳаёт,
яъни инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ва
ҳуқуқий ғоялар уз ифодасини топган. Қандай қилиб Ҳақиқат,
Тинчлик ва Давлатга эришиш мумкин? “Авесто”нинг
“Вандидод”, 3-фарғард, 31-32-бандлардан бунга тулиқ жавоб
топамиз:

“Кимда-ким бугдой экса, у Ошани (Ҳақиқат) экади. У
Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб
қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил,
5-сон., 51-бетлар.

²Уша жойда 42-бет.

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар уринларидан қупадилар.

Қачонки бугдой гуркираб кукарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки бугдой ун берса, девлар нола чекадилар.

Қачонки бугдой хирмонга уюлса, девлар нобуд буладилар.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда бугдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда бугдой омбори булса, гуё қиздирилган томир девлар буйнини чирмаб ташлайди...”

Бу сўзлар тинч меҳнат - инсоннинг яратувчилик кудратига, унинг фаолияти - жисми ва жонидаги барча нопок кучларни қувишга ишонч билдиради, фақат меҳнат ва олижаноб амаллари орқали инсон ҳар қандай ёвузликлардан қутила олиши мумкин.

Шунингдек, “Авесто”да жамоа ҳаётининг турли томонлари уз ифодасини топиши билан баробар, жамоа меҳнати ва уларнинг инсоний ҳуқуқлари масалалари ҳам назардан четда қолмаганлигини кўрамиз. Жумладан, “Вандидод”да баён этилишича, ерни худди қизни севгандек севмоқ, унга яхши уруғ сепмоқ, уни мул-кул ҳосил берувчи онага айлантирмоқ керак. Аҳура-Мазданинг кўрсатмасига биноан “ерга яхши кучли уруғ сепмоқ” дунёдаги энг зарур Қонун ҳисобланади:

“Эй, олаимни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кура купроқ бахтиёр қилган туртинчи шахс ким?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

- Эй, Сипийтмон Зардушт!

У ҳаммадан куп бугдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

Узоқ замон экин экилмай, омоч тиши тегмай ётган куриқ ер бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балогат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд қуришга ва яхши ёстиқдошга интиқдир.

- Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унг қул билан, унг қул ва чап қул билан шудгор килса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гузал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстиқдошига фарзандлар туғиб беради. Худди шундай, Замин ҳам заҳматкаш деҳқонга мул-қул меваларини инъом этади”¹

Куриниб турибдики, Олий Тангри Аҳура-Мазда дунени яратиб, ерларни, молларни одамларни тақсимлаб, бошпана берар экан, инсонга тинч меҳнатидан роҳатланишни, боғ яратишни, мол боқишни деҳқончилик қилиб, покиза ва осойишта ҳаёт кечиришни ато этади. Бундан ташқари, зардуштийлик таълимотида меҳнат қилишга майли йўқ, босқинчилик ва ўғрилиқ билан шугулланувчи ёмон ва разил одамлар қалбидаги қат-қат ёмонлик, зулмат ва зolimликни иложи борича йўқотишга доир ўғит ва курсатмалар ҳам беради:

-Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни чап ва унг қул билан унг ва чап қул билан шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

- Эй, мард! Эй, мени чап ва унг қул билан, унг ва чап қул билан шудгор қилмаган зот!

Сен бегоналар эшиги остонасида нон тиловчилар билан бирга булурсан, кўзларинг йўл кўради. Улар сени остонасидан ҳайдаб юборурлар”².

Зардуштийлик таълимотида одамни маст қилувчи ичимлик ичиш тақиқланмаган. Сипийтмон Зардушт ўз издошларига дунё ҳаловатларидан, лаззат ва кайфу сафолардан воз кечишни, риёзат чекиб яшашни тавсия этмайди, аксинча, муқаддас илоҳий ичимлик “ҳаома” ичиб эзгулик, шоду хуррамлик билан, кулиб, кўнгил очиб яшаш лозимлигини ўқтиради:

Ҳаомага шарафлар булсин,
Калом-сўзга шарафлар булсин,
Ва шарафлар булсин тақводор
Зардуштга.
Ҳаомага шарафлар булсин,-

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил, 2-сон, 26-бетлар.

²Уша жойда.

Ҳар қандайин мастликдан кейин,
Қонхур Ғазаб келадир ғолиб,
Ҳаоманинг шарбатидан сунг,
Келадир Ҳақ,
Келар Ҳақиқат¹

Демак, зардуштийлик таълимотига кўра, ҳаома ичиб ҳаётда шоду хуррамлик билан яшаш одамлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстона муносабатларнинг қарор топишига кўмаклашса, баъзида одамни маст қилувчи ҳаома ичимлиги ёмон ишлар билан бадном бўлиб юрган бузғунчи, алдоқчи ва каззоб кишиларни манфур афт-ангорини шундоққина ажратиб, уларнинг дилидаги ёлғон ва ҳақсизлик ниқобларини фош этиши ҳам мумкин экан.

“О, Мазда! Қачон бу жоҳиллар жазоланади? Қачон сенинг подшоҳлигингда ёлғон кетиб, ҳақиқат қарор топади?”

Ана шунда Айёр руҳнинг куни битади.

Барча фозил руҳ - Мазда ва Ҳаққониятнинг гузал масканига тупланиб, дориламон яшашга муяссар булади” (“Ясна”, 30). “Авесто”да экология масалаларига, яъни атроф-муҳитни, ер, сув, дарахт, усимлик, жониворларни эъзозлашга, ерга ишлов бериб, боғ-роғлар ва экинзорларга айлантиришга, чорвани, айниқса, йилқичиликни кўпайтиришга, олов ва сувни муқаддас тутишга алоҳида эътибор берилганлигини кўрамыз. Оловга тутамайдиган, тоза, қуруқ ўтин ташлаш буюрилиб, ахлатларни ва дарахтларнинг баргларини ёқиш қатъий ман этилган. Йложи борича чиқиндилар чиқармаслик ва нарсаларни бузилиб, ёмон ҳид таратишидан аввал алоҳида ажратилган жойларда ёқиб юбориш буюрилган.

Шундай қилиб, қадимги бобокалонларимиз олов ва сувни жуда эъзозлашган. Унга сиймаганлар, тупурмаганлар ва қўлни тикиб туриб юлмаганлар. “Авесто”да қуйидагиларни ўқиймиз:
- Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатдан тониб, ёлғон сўзламасин.

¹“Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1991 йил, 10-сон, 20-бетлар.

...Сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг ёзуғи авф этилмасдир. У иккинчи дафъа тавбага куз тутолмагай.

Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг топғуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишроқдир”. (Вандидод”, 4-фаргард, 46, 49, 54-бандлар).

“Авесто”да таъкидланишича, атроф-муҳит муҳофазаси ва муҳит тозалигини сақлаш, турли касалликларнинг тарқалиши олдини олиш мақсадида санитария-гигиена қонун-қоидалари қуйидагича амалга оширилган:

1. Аҳлатни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, кул билан кумиб ташлаш. Шу йул билан микроблар ўлдирилган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуқлик йули билан йуқотиш. Бу восита билан ҳатто кийим-кечаклар ҳам зарарсиз-лангирилган.

3. Кимёвий йул: кул, сирка, шароблар, турли гиёҳлар (исфанд, мехак, садай, пиёз, алоэ, сандал) тутатиш йули билан. Буларнинг купи ҳозир халқ табобатида микробкуш восита сифатида ишлатилади.

Демакки “...агар мурдани хона ичига жойлашгириш уни даҳмага олиб бормоқдан осонроқ булса, маздапарастлар мурдани хонада қолдириб, уни тарк этмоқлари лозим. Хона урувасний, вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий, ҳазанаината каби хушбўй гиёҳлар билан ислантирилади” (Вандидод”, 8-фаргард, 3-банд).

Қадимги она-момоларимиз, озодалик ва тозалик турли-туман ифлослик ва ёмонликлардан кишини асрайди, деб кечқурун ишлатилган қозон ва идиш-товоқларни ювиб-тозалаб, саранжом-саришта қилишга алоҳида эътибор берганлар. Идиш-товоқларни эрталабгача ювуқсиз қолдиришни ниҳоятда хосиятсиз нарса деб тушунганлар. Шу боис “Авесто”да шундай таълим берилади:

“Эй, оламни яратган Зот! Эй Ҳақиқат!

Одамлар овқатланадиган идишлар итлар ё инсонлар мурдорига тегиб кетса, уларни поклаб буладими?

Аҳура-Мазда жавоб беради:

-Поклаб булади.

-Қандай йул билан поклаш мумкин?

-Агар идиш олтиндан булса, бир марта қумиз (новвос пешоби) билан ювилади, бир марта тупроққа беланади, бир марта сувга чайилади. Шунда пок булади..." ("Вандидод" 7-фаргард, 72-73-бандлар).

Тоза сув билан боғлиқ масала. Ҳовуз, қудуқ, ариқ сувларини ифлос қилишга қарши махсус кураш олиб борилган: анҳор, қул ва ариқ буйларида мол боқишга, отларни боғлашга рухсат этилмаган: қул, қудуқ ва ҳовуз сувларини ифлос қилганларга катта жарима солинган ёки қаттиқ жазо қўлланилган.

Экология қонунларида 4 та нарса: ЕР, ОЛОВ, СУВ ва ҲАВО шундай эъзозланганки, ҳавони булгаш, ифлослантириш, ҳайвонлар улиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга қумиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш гуноҳи азим ҳисобланган. Уликка фақат белтилган одамларгина яқинлашганлар, алоҳида улик ювадиганлар (ғассоллар) булган, иложи боришча улган кунининг узидаёқ майитни махсус жойга олиб боришга рухсат этилган. Майит алоҳида ажратилган даҳма-минораларга, қадим-қадим замонларда эса, очиқ тоғ ён багирларига, чулу тошлоқ жойларга қўйилиб, қуш-қумурсқалар, ёввойи ҳайвонларга емиш қилинган. Бундан мақсад - улик ерни ифлос қилмаслиги, сувни булғамаслиги, утларни захарламаслиги керак. Жасад гуштдан тозалангач, суяклар тупланиб лойдан ясалган ва хумдонларда пиширилган махсус тобут - остадон (устудон)ларга солиб қумилган. Одатда, "мурда қушлар парвозга шайлангунча, гиёҳлар буй чузгунча, селоблар равон булгунча ва баҳорий насимлар ер юзини қуритгунга қадар бир тун ё уч кеча ёхуд бир ой ерда сақланмоғи лозим.

Қачонки қушлар парвозга кириб, гиёҳлар бош кутарса, селоблар равон булиб, баҳорий бодлар ер сатҳини қурита бошласа, маздапарастлар улик жисмини дахмининг кунгай ерига қўйсинлар..." ("Вандидод", 5-фаргард, 12-13-бандлар).

Демак, Зардуштийлик дини қонун-қоидаларида ЕР, ОЛОВ, СУВ ва ҲАВОни ифлослантириш гуноҳ (жиноят) деб ҳисобланган, бундай гуноҳкор (жиноятчи) 400 қамчи уриб жазоланган ёки қилган жинояти оғирроқ булса, улим жазосига маҳкум этилган, бундай жиноят қилганларни катта жарима эвазига авф этиш ёки қул сифатида улардан жамоа

ишларида фойдаланиш масалаларини Олий қоҳин судья Заратуштроэма-Оқсоқоллар Кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлар асосида ҳал қилганлар.

“Авесто”нинг “Вандидод” қисми 5-бобида табиат ва атроф-муҳитни булғайдиган, турли касалликлар тарқатадиган ҳайвон ва ҳашаротларни йўқотишга даъват этилиб, хусусан уй ҳайвонларини ниҳоятда эҳтиёт қилишга чақирилади. Айниқса, боласи булган она итни уриш қатъий ман этилади. Жумладан, кимки итни урса ёки ярадор қилса, азоб берса ёки ҳақорат қилса умрбод бахтсизликка дучор булади, деган нақл тарқалган булиб, бу қонун-қоидаларни бузганлар оғир жазога тортилганлар. Оч қолган итларга овқат беришни инсонлар ўзлари учун савоб иш деб билганлар. Ит боласи олти ойга тулганда уни уч маҳал овқатлантириш ва тарбиялаш етти ёшли қизларнинг зиммасига юкланиб, бу қиз боланинг бахтли булишига ишонч ва айни пайтда Ахура-Маздага катта ҳурмат ва садоқат белгиси ҳисобланган. Агар итга озор берилса ёки”... уй ёки (ов) итини ўлдирган киши 10.000 барсум (инсон руҳиятини тетиклаштирадиган ўсимлик барги) териши лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, 1000 та касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, Олий қоҳин бошчилигидаги ҳайъатга топшириб гуноҳи (жазо)ни енгиллаштириши мумкин” булган.

Демак, “Авесто”даги табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш далилларида аён буладикки, қадимги кишиларнинг уртача умри 800-900 йил, айрим одамлар эса яшаш шароити, муҳитига қараб, 1400 йил умр куришган.

Шундай қилиб, “Авесто”да табиат ва атроф-муҳитга муносабат икки жиҳати билан намоён булади. Бири - табиат унсурларини муқаддаслаштириш, иккинчиси - инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини қонунлаштиришдир. Зеро, Ардвисурага бағишланган бешинчи яштда сув улуғланади, унинг дон ундириши, чорва ташналигини қондириши ва чорвани қўпайтириши, инсон бойлигига барака келтириб, мулкни қўпайтириши, улкаларни гуллаб-яшнатиши тилга олинмиши бежиз эмас.

Бинобарин, инсон ўз ҳаёт йўлини танлар экан, ўз зиммасига олган мажбурият ва оилавий бурчни бажаришга

жавобгардир. “Авесто”да таъкидланишича, фақат 15 ёшга тулгандан кейингина успиринлар 72 хил рангли ипак иплардан туқилган белбоғ билан белларини ураш ва узларини яхшилиқ йўлига бахшида этиш учун оила қуриш ҳуқуқига эга булганлар:

“Ҳар куни икки марта сув оқиб утадиган, суғориладиган бир булак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшли хотини булган, ҳовли-жойида олов ёниб турадиган учоғи, хотини, бола-чақаси булган оиласини ўз меҳнати билан боқувчи, ерни яхши парвариш қиладиган, мол-ҳолга қарайдиган одам бегуноҳдир”¹. Эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан туқ ва жисмонан бақувват булиши лозим. Бунинг учун ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эр киши узининг хизмат ва эркаклик бурчини бажара олмайди; “Еб ичмайдиган инсонинг тоат-ибодат қилишига кучи булмайди, эр-хотинлик бурчини адо этишга қуввати етмайди, бола тугдира олмайди”, (“Ясна”, 33, 3-банд). Шунингдек, оч қолиш ва тўйиб овқат емаслик кишиларнинг ахлоқ-одобига ҳам салбий таъсир қарсагади деб ҳисоблашган: “Озиқ-овқатни меъёрида истеъмол қилиш билан раиятнинг ахлоқ-одоби ҳам яхшиланади. Овқат мул-қул булса, илоҳий сузлар ҳам яхшироқ идрок этилади” (Ясна”, 33, 3-банд).

Демак “оилавий тинч-тотувлик, хушчақчақлик инсонга зарур булган нарсалар мул-қулчилигидир” (Ясна”, 30).

“Авесто”да таъкидланишича, агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга булса-ю, аммо уйланмаса, унга темирни қиздириб тамға босишган ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишган. Ер юзида инсон наслини купайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб 25 дарра калтакланган.

“Авесто”да қариндошларнинг узаро оила қуриши қонун билан қатъий ман этилган. Зеро, қавм ва уруғ қонининг тоза, авлоднинг соғлом булиши учун шундай қилинган. Зардушт Ахура-Мазладан серфарзанд хонадонга нима берасан деб сураганда у: “Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мул қиламан”, деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам зардуштийлик таълимотига кўра, сернуфуз

¹Тилаб Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. “Гулистон”, 1998 йил, 5-сон, 44-бет.

ва ҳомиладор аёллар жамоа томонидан ижтимоий ҳимоя қилинган. Куп болали оилаларга давлат хазинасидан нафақа тайинланган ва бир йўла 2-3 тадан фарзанд кўрган аёлларга имтиёзлар берилган ва сариқ туя билан мукофотланган¹. Айни пайтда аёл ҳомиласини олдириш ва тушириш гуноҳ (жиноят) деб ҳисобланган, айбдорлар улим жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, аёли ва фарзандларини уз ҳолига ташлаб қўйган оила бошлиқлари дарра билан жазоланган, айримлари улим жазосига тортилган.

Хулоса қилиб айтилганда, “Авесто”даги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар ҳозир ҳам уз ҳаётий қимматини йўқотмаганлигини курамыз: “Буюк Уйғонишлар” ва тараққиёт йулида эришиладиган балоғатга содиқ қолайлик, Аҳура-Маздага ухшаган, уз халқига хайрихоҳ, одил тузумга мос яхшиликлар қиладиган булайлик. Бизнинг ниятларимиз ҳақиқий донолик истиқомат қиладиган манзилларга интилсин. “Комиллик таркиб топгач, бузгунчилик бурони ёлгончилик шайтони устига қулаб, уни барча кирдикорлари кунпаякун булғай. Кимки уз ҳаёт йулида яхши шуҳрат ва виждон билан юрган бўлса, тезда Аҳура-Мазда порсолари билан Олий тангри даргоҳида тўпланадилар” (Ясна”, 30).

Бу сўзлар инсон бурчининг юксак қадрланишидан, шахсий маънавий-ахлоқий камолотнинг бошқаларга нисбатан хайрихоҳлик туйғуси билан йўғрилишидан, донишмандликка интилиш ҳамда ёлгончилик ва ёмонликка нафрат Сипийтмон Зардуштнинг маънавий-ҳуқуқий таълимоти эришган катта муваффақиятлар эканлигидан далолат беради.

¹Ҳамиджон Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шуҳрати. Т., “Ўзбекистон” 1991, 92-бет.

“АВЕСТО” - БУТУН ЖАҲОН АҲЛИНИНГ МУШТАРАК МАДАНИЙ МЕРОСИ

Шарқ, углонлари орасидан Ғарб биринчи бўлиб Зардуштни угил қилиб олди. Унинг таълимоти Ийсо Масих таълимотидан тўрт аср аввал Юнонистонни бойитди. Зардуштни Афлотун билган. Будда ва Конфуцийларнинг овози Оврупога етиб келгунча жуда куп вақт керак булди, шунинг учун асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зардушт орқали таниш булганди...

ЖАК ДЮШЕН ГИЙЁМАН

бельгиялик авестошунос олим.

Инсоният тафаккурининг асл бешиги маданият ва маънавиятнинг асл учоги - Шарқ Узоқ асрлардан бери Ғарбнинг барча буюк алломалари, буюк шахслари Шарқ маънавияти, маданияти хазинасидан зиё олдилар. Ғарб уз гулханини Шарқ Қуёшидан ёндириб олди.

ФОЗИЛА СУЛАЙМОНОВА

ўзбек авестошунос олимаси.

“Авесто”да қайд этилишича, зардуштийлик таълимоти дастлаб Аҳура-Мазда яратган Ийрон Виж (Хоразм), Гава (Сугдиёна), Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бақтрия), Нисоя (Нисо - Парфия пойтахти), Ҳаройва (Ҳирот), Воиҳа Гирта (Қобул), Аврава (Тус вилояти - ҳозирги Эроннинг Хуросон вилояти - маркази Машҳад), Хинта (Гургон, Навоий давридаги Астробод), Хийрманд (Гилмавд - Афғонистоннинг шимолий-вилоятларидан), Рай (ҳозирги Техрон атрофлари), Чахра (Хуросон ҳудудлари), Варина (Каспий денгизи жануби), Хафтруд (Ҳинд дарёси бошланиш қисми - Панжоб), Ранха (Ганга дарёси соҳили) улкаларида тарқалган. Кейинчалик шимолда Хоразмдан жанубда Шимодий Хиндистонгача, ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқидан Фарғона водийси Еттисув улкасигача, Афғонистон ва бошқа минтақа миқёсида шаклланган зардуштийлик таълимоти аста-секин уз

худудларини кенгайтириб, Месопотамия (Дажла ва Фурот дарёлари оралиги), ҳозирги Ироқ ва Сурия, қадимги Бобил ва Аншур, Арабистон ярим-ороли, Кичик Осиё (ҳозирги Туркия, қадимда Византия), ҳатто қадимги Юнон ва Рум (ҳозирги Италия) минтақасига етиб бориб илм-фан ривожига ва маданий-маънавий муҳитга, айниқса, донишмандларга уз таъсирини кўрсатди. Инглиз олимаси Мэри Бойснинг таъбирича, “Таъсир фақат бир томонлама, зардуштийлик томонидан булган”¹.

Зардуштийлик таълимотининг юнонистонлик бир қатор файласуф-донишмандларнинг дунёқараши шаклланишига ва фалсафий таълимотларининг ривожланишига таъсири ҳақида гап кетганда таниқли ўзбек олимаси Фозила Сулаймонованинг хизматларини миннатдорчилик билан алоҳида қайд этиб утиш жоиздир. Олима Хоразм заминидан етишиб чиққан Шарқнинг буюк файласуфи, донишманди, оташпарастлик динининг пайгамбари Сипийтмон Зардуштнинг муқаддас китоби “Авесто”да халқимизнинг милоддан аввалги икки минг йиллик тажрибасига таянган ҳолда тўрт унсур -ер, сув, ҳаво ва оловни бутун борлиқнинг асоси эканлигини исботлаб берганлиги, Искандар Мақдуний Шарқни забт этганда, “Авесто”нинг асл нусхасини Элладага олиб кетиб, унинг тиббиёт, нужум ҳамда илму ҳикматга оид бобларини кучиртириб олгани ва қолганини ёқдириб юборгани ҳақида ва бунинг натижасида юнон илм-фанининг гуллаб-яшнашига Турон илми асос булганлиги ҳақида кўп қимматли маълумотларни биринчи бор батафсил кенг жамоатчиликка маълум қилди.

Олима уз тадқиқотида Шарқ халқларини “варвар” деб менсимовчи юнонлар эндиликда узларидан қадимийроқ маданиятга эга булган Шарқ халқлари маънавий меросига мурожаат қилаётганликларини ва узларидан келиб чиққан мафкуравий масалаларга ҳам тайёр жавобни зардуштийлик таълимотидан топганликларини Афлотуннинг қуйидаги фикри билан изоҳлайди: “Биз, эллинлар, варварлардан олган ҳамма нарсани узимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз...”

¹Ф.Сулаймонова. Шарқ ва ғарб. “Ўзбекистон”, Т., 1997, 23-бет.

Зардуштийлик динининг юнонларга таъсири қадим даврларда булганидек, эллинизм даврида ҳам кам булмади, масалан, Коммаген подшоҳи Антиохнинг (м.ав. I аср) тошга уйилган ёзувида “Зевс ва Аҳура-Мазданинг тахтлари” дейилади. Демак, зардуштийликнинг олий тангриси Аҳура-Мазда юнонларнинг бош худоси Зевс билан бир даражага куйилади.

Эллинизм даврида юнонларнинг Олимпда маскан қурган қадимий худолари дини узининг аввалги мавқеини анча йуқотади, бу даврда айниқса, зардуштийлик таълимоти катта рол уйнайди, даставвал аҳдга содиқлик, кейинча ҳақиқат учун курашаётганлар томонида жанг қилувчи уруш худоси, буюк ҳакам ва ниҳоят Қуёшга йулбошчилик қилувчи маъбуд Митра Эллиния мамлакатларида кенг тарқалади. Митра бошқа динлар ва фалсафий таълимотларга ҳам, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистондан то Атланттик океан соҳилларида яшаган халқлар динларига ҳам таъсир утказди. Митра Кушанлар империясида, айниқса Эронда энг эъозли маъбуд ҳисобланган. Рим империясида ҳам бу таълимот кенг тарқалиб, антик даврнинг охириги асрларида христианликнинг энг кучли рақиби ҳисобланган.

Бу маъбуд ҳиндларда “Митра”, “Авесто”да “Мисра”, сугдийларда “Мишра”, юнонларда “Афродита”, эронийларда “Митра” деб аталишидан қатъи назар милоддан аввалги V асрда Митранинг номи бу ҳудуддаги халқларга маълум булганлиги аҳамиятлидир.

Митра номи билан боғлиқ булган эътиқод Ғарб мамлакатлари халқларига яқинлашган сари уз мазмунини ва у билан боғлиқ булган урф-одатлар уз шаклини узгартира боради. Агар Анахита ой билан боғлиқ маъбуда сифатида талқин этилса, Митра Қуёш билан боғлиқдир ва унга Олий Тангри билан инсонлар уртасида алоқа урнатувчи илоҳ сифатида қаралган. Митра, айниқса, Римда кенг тарқалган. Рим императорларидан баъзилари унга ҳомийлик қилганлар, ҳатто номларига “Митра” сузини ҳам қушганлар. Митрага сугинувчилар очлик, ташналик, совуқ, оғриқ каби етти погонали синовлардан утишлари шарт булган. Митранинг христиан динига таъсири катта, хусусан, Митранинг тугилган куни - 25 декабр (шу кундан эътиборан қуёш баҳорга қараб

ҳаракат қилади, кун узая бошлайди) Исонинг ҳам туғилган кунини деб эълон қилинган, христиан динининг баъзи урф-одатлари (тавба-тазарру, муқаддас сув сепиш, Исони вафотидан сунг олий илоҳият томонидан осмонга олиб кетилиши ва ҳ.к.) айниқса, байрам-ҳайитлар ана шу зардуштийлик (маъжусийлик) динидан утган. Гегелнинг фикрича, маъбуд Митрага хос “аломат”лар ҳатто урта асрларда ҳам учрайди”. Урта асрларда Оврупо мамлакатларида, айниқса, Италия ва Францияда кенг тарқалган гайрирасмий диний оқимлар - бидъатлар, айниқса, альбигойлар оқими зардуштийлик таъсири остида шаклланган.

Маълумки, Оврупо мамлакатларида кейинги даврларда, ҳатто XVIII асрда ҳам, Шарқ маданияти, фани, айниқса, табобати билан таниш бўлган билимдон одамларни “маг” деб атаганлар. XIX асрда яшаган француз шарқшуноси Гюининг маълумот беришича, “Испанияда араб фанини урганганлар ватанларига маг бўлиб қайтар эканлар”. Оврупо мамлакатларида ва Россияда, ҳозирги кунда бизда кенг тарқалган “магистр” илмий даражаси номи ҳам “маг” билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрга келдик ¹, деб ёзади Фозила Сулаймонова.

Шунингдек, Фозила Сулаймонова узининг фундаментал тадқиқотида зардуштийлик таълимоти Юнонистон ва Кичик Осиёда диний, дунёвий, фалсафий, табиий илмларнинг ривожланишига бошланғич туртки бўлибгина қолмасдан, балки Фалес, Анаксимандр, Ҳераклит, Афлотун, Демокрит, Арасту, Эпикур каби файласуф донишмандлар таълимотида таъсир этганлигини ҳам атрофлича таҳлил қилишга ва умумий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Хусусан, милoddан аввалги VI асрда юнон фалсафасининг асосчиларидан Фалес (м.ав. тахминан 624-575-йиллар) “Бутун борлиқнинг моддий асоси тўрт унсур - ер, сув, олов, ҳаводан иборат деган таълимотни айнан зардуштийлик космогониясига² таяниб яратганлигини кўрсатиб утади. Зардуштийликнинг космогоник таълимотида кўра, ер гардиш шаклида, у сувда

¹ Ф.Сулаймонова. Эллинизм ва унинг Урта Осиё маданиятига таъсири. “Адабий мерос”, 1989 йил, 4-сон, 48-51 бетлар; Ф.Сулаймонова. Шарқ ва гарб. “Ўзбекистон”, Т., 1997, 23-бет.

² Космогония (юнон) - дуненинг яратилиши ҳақидаги илм.

туради, сув ҳамма нарсаинг асоси, ерни океан қуршаган, у худди сувдаги тахтага ухшайди. Ана шу таълимотга биноан, зардуштийлар сувни ҳатто муқаддас оловдан ҳам ортиқроқ эъзозлаганларки, бу ҳол ниҳоятда характерлидир.

Фалеснинг “Табиатдаги ҳамма нарсаларда худоларнинг иштироки бор, нарсалар улик эмас, тирикдирлар”, деган таълимоти ҳам худди Зардуштнинг Аҳура-Мазда аввал борлиқни ва ҳамма нарсаларни тана қобигидан озод ҳолда яратган, кейин уларга шакл берган, деган таълимотига асосланганлиги ҳақидаги маълумот ҳам муҳимдир.

Анаксимандр (м. ав. 610-547/46)нинг “чексизлик ҳамма нарсага йуналиш беради ва ҳамма нарсаи идора этади”, деган таълимоти зардуштийликнинг Олий Тангриси Аҳура-Мазда тўғрисидаги тушунча билан боғлиқдир, чунки бу худонинг макони осмондаги чексиз нурдадир. Фикримизча, Анаксимандрнинг “жаҳонда бизнинг еримизга ухшаган дунёлар кўп, лекин улар бир-биридан жуда узоқда, уларни фақат тафаккур кучи билан билиб етиш мумкин, куриб булмайди”, деган таълимоти ҳам Аҳура-Мазда томонидан еримизни қуршаган олти кичик маъбудлар (“Мангу авлиёлар”): Воху-Мана (Яхши ният), Аша - Ваҳишта (Ута адолатлилик), Спэнта-Армаития (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Ваирйа (Орзу этилган қудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (Мангулик)нинг яратилиши ҳақидаги таълимот таъсири остида келиб чиққан, чунки зардуштийлар талқинича, уларни Аҳура-Мазда ҳам (зардуштийлар) чексизликда яратган.

Бунинг яна бир характерли томони шундаки, зардуштийларнинг ердаги ҳаво билан олов қобиги уртасида аввал юлдузлар, сайёралар, кейин ой ва ниҳоят куёш жойлашган, ер конус шаклида, деган космогоник таълимотини Анаксимандр “ҳавода тешиклар бор, юлдузларнинг катта-кичиклиги ана шу тешиклар билан боғлиқ, юлдузлар тешиклар орқали қуринган ернинг олов қобиги”, деган назария билан ривожлантирган ва бойитган.

Анаксимен (м.ав. 585-523 йиллар)нинг моддий борлиқдаги ҳамма нарсалар ҳавонинг сийракланиши ёки зичлашишидан пайдо булади, сийракланса олов, зичланса шамол, булут, туман, кейин сув, ер, тош булади, ер текис доира, уни ҳаво ушлаб туради, деган таълимотини яратишда зардуштийлик

космогоник назарияси ҳал килувчи рол уйнаганлигига ҳеч ҳам шак-шубҳа йўқ.

Ҳераклит (м.ав. 544-475 йиллар)нинг, ҳамма нарсаларнинг асоси олов, деган фалсафий фикрлари ҳам зардуштийлик таълимоти билан боғлиқдир. Чунки Аҳура-Мазда, Амэша-Спэнта, юқорида айтганимиздек, олтита кичик маъбудлар - олти борлиқни оловдан барпо этган, олов уларга ҳаёт ва иссиқлик беради, дейди. Ҳераклитнинг фикрича, олов ердан чиққан ва уни узгартириб юборган. Олов космосдаги дунёлар уртасидаги алоқани таъминлайди, ҳаво, сув, ер, оловдан пайдо булади ва маълум вақтдан сунг ҳаммаси яна утга айланади. Дунёда ҳамма нарса доимий ҳаракатда ва узгаришда, қотиб қолган нарса эса умуман бўлмайди. Доимий узгариш ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Унинг бу таълимоти асосида зардуштийлик динидаги Аҳура-Мазда билан Анҳра-Ману (Анҳриман), яъни Яхшилик ва Ёмонлик уртасидаги доимий кураш гоёси ётади.

Ҳераклитнинг фикрича, Қуёш ҳаракатини Дикс, зардуштийликда эа Митра назорат қилиб туради. Дикснинг яна бир вазифаси ёлгоннинг жазосини бериш. Зардушт олти маъбуд туғрисидаги мавҳум, ахлоқий тушунчаларни илоҳийлаштириб, уларга “Мангу авлиёлар” номини берган. Ҳераклит эса адолат тушунчасини Дикс орқали зардуштийликдаги Аша-Ваҳишта, адолат ва ҳаққонийлик ҳақидаги таълимот билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

Ҳераклит ҳам Зардушт каби мавҳум (абстракт) тушунчани илоҳийлаштиради. Унинг фикрича, донишмандлик - илоҳият, лекин уни Зевс деб атаб бўлмайди. Шу таълимотдан келиб чиқиб, “Донишмандлик ҳамма учун ягона, у дунёда жорий этилган тартибни сақлаб туришни биледи. Донишмандлик инсонлар фаолиятини доим, кечаю кундуз кузатиб боради”, дейди. Илоҳиятнинг инсонлар қилмишини назорат остида тутиши юнонлар учун янгилик булиб, бу зардуштийларнинг Аҳура-Маздаси ва Амаша-Спэнтаси фаолиятининг айнан узидир. Яхшилик, эзгулик, ҳаққонийлик, диёнатлилиқ каби хусусиятга эга инсонлар руҳи, Ҳераклит талқинича, улар улгандан сунг осмонга чиқиб, қуёш ва юлдузларнинг мусаффо фазосида мангу қоладилар,

нафса берилганлар ой атрофида бўлиб, ёгин-сочин, совуқлик улардан тарқалади. Энг олижаноб қаҳрамон, ботир одамлар руҳи осмоннинг энг юқори қатламига кутариладилар. Инсонларнинг улганидан кейинги тақдири ҳақидаги Ҳераклит томонидан қилинган бундай талқин юнон дини, дунёқараши учун мутлақ янгилик эди. Чунки юнонларнинг тасаввурида ҳамма улганлар уликлар дунёси маъбудиди Аид салтанатига боради (Ҳомер Троя уруши қаҳрамони Одиссейнинг ҳам Аид салтанатига тушиб чиққанини ҳам тасвирлайди). Ҳераклит инсонларни улгандан кейинги тақдири ҳақидаги назариясини зардуштийлик таълимоти остида ишлаб чиққанлиги аниқ. Бунинг яна бир исботи: зардуштийлик дини, ер муқаддас, улган ҳар бир нарса ҳаром бўлгани ва муқаддас ерни ифлослантирмаслиги учун, уни ерга кўмиб бўлмайди, дейди. Шу боис уликлар суяги гуштидан ажратилиб остонга солиб ерга кўмилган. Ҳераклит: жон чиқиш вақтида тана бузилади, ҳаромлашади, шунинг учун на ерга кўмиб, на оловда куйдириб бўлади, уни ҳайвон ва қушлар еб кетиши керак, дейди¹.

Шуниси диққатга сазоворки, Афлотун, Демокрит, Эпикур, Арасту, Гален, Птолемей, Евклид (Иқлидус) ва улар издошларининг фалсафий асарлари билан зардуштийлик таълимотини муқояса қилар эканмиз, бир қанча фалсафий масалаларни талқин этишда яқинлик ва умумий ўхшашликлар борлиги қимматли далилдир. Шунинг учун аниқ айтишимиз мумкинки, агар қадимги юнон фани, фалсафаси урта асрлар Шарқ ва Оврупо илм-фани ва фалсафасига асос бўлган бўлса, демак, бунда зардуштийлик таълимотининг роли беқиёслигини алоҳида таъкидлашимиз жоиз бўлади.

Дарвоқе, зардуштийлик гоялари IX-X асрларда улкамиздан етишиб чиққан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Форобий яратган табиий-илмий ва фалсафий таълимотларга ҳам уз таъсирини утказганлигини кўрамиз. Аждодлар маданияти ва илмини хотирада сақлаганлардан бири зардуштий динига мансуб одамнинг ўгли - Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ал-Маъжусий фалакиёт, риёзиёт, алжабр, табобат, жугрофия, тарих фанлари ривожига

¹Ф.Сулаймонова. Шарқ ва гарб. "Ўзбекистон", Т., 1997, 29-34 - бетлар.

уз ҳиссасини қушди. Яна бир машҳур олим Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний ал-Маъжусийнинг “Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавоми илм ан-нужум” (“Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб”) асари таъсирида буюк италян шоири Алигъери Дантенинг космогоник қарашлари шаклланиб, у узининг “Янги ҳаёт”, “Зиёфат”, айниқса, “Илоҳий комедия” асарларини ана шу таассурот натижасида ёзганлиги мутлақ аниқдир.

Ибн Синонинг фикрича, Яратувчи абадий, у яратган борлиқ ҳам абадий. Борлиқ абадий эканини Форобий ҳам таъкидлаган. Беруний талқинича, Аллоҳ яратувчи ва у бутун борлиқни ҳаракатга келтиради. Аммо у яратган ва ҳаракатга келтирган дунё кейинчалик табиат қонунига биноан ривожланади, уни билиш, динга эмас, илмга хос. Бу гоёлар зардуштийлик, таълимотининг йўқликдан ҳеч нарса пайдо бўлмайди, бор нарса мутлақ йўқ бўлиб кетмайди, деган таълимотига ҳамоҳондир. Мавжудотни Аллоҳ яратган, аммо унинг замирида зардуштийликнинг тўрт унсури - ҳаво, олов, сув ва ер ётади. Олимларнинг фикрича, ана шу тўрт унсурдан мавжудот яратилган. Бу масалаларда Форобий, Ибн Сино, Беруний таълимотларида баъзи жузъий тафовутлар бўлса ҳам асосий фикрлар бир-бирига монандлигини таъкидлашимиз лозим.

Ибн Сино таълимотидаги эманация (нурламиш) назарияси уни олдинга сурган юнон файласуфи Афлотун назариясидан узгача бўлиб, зардуштийлик таълимотидаги осмон қуёшнинг табиат, инсонлар ва умуман жонзотларга қаратилган ҳаётбахш ёғдуси ва иссиқлиги ҳақидаги тушунча билан боғлиқ. Ваҳоланки, Афлотун эманацияси ҳам зардуштийлик таълимоти таъсири остида, яъни Қуёш бош маъбуд, у таратган эманация туфайли борлиқ мавжуддир, деган гоё таъсири остида шаклланган эди.

Хуллас, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Форобийларнинг онтологик¹ масалаларга оид қарашлари зардуштийлик таълимотига яқин эканлиги Аллоҳ, материя, табиатнинг бирлиги ҳақидаги гоёлари ҳам аждоқларимизнинг қадимий диний қарашларга яқинлиги кишини ҳайратга

¹Онтология идеалистик фалсафий оқимлардан бўлиб, тушунча, материядан аввал келиб чиққан деб ҳисобловчи таълимот.

солади¹. Бу масалалар келажакда махсус жиддий тадқиқотлар мавзуси бўлишини назарда тутган ҳолда, мазкур муаммоларни батафсил ёритишни манзур топмадик.

Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад Норшоҳнинг гувоҳлик беришича, араб истилосидан кейин ҳам IX-X асрларда Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Эрон ҳудудларида зардуштийликка махфий равишда эътиқод қўйган одамлар ҳали мавжуд бўлган. Айниқса Марказий Осиё халқларининг халифалик жабр-зулмига қарши миллий озодлик учун кураши даврида одамлар хотирасидан кўтарилмаган зардуштийлик эътиқодиға қизиқиш янада кучайган. Таниқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс айтганидек, “Иш шу даражага бориб етганки, мумин мусулмонлар Зардуштнинг ислом томонидан сиқиб чиқарилган қадимий динини завқ билан урганганлар, ундан донишмандлик, гузаллик топганлар”². Ҳатто, зардуштийлик гоёлари IX-XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда, айниқса, Сомонийлар ва Ғазнавийлар даври адабиётида анча сезиларли из қолдирганини курамиз: Дақиқий, Фирдавсий, Унсурий, Санойй, Лабибий, Асадийларнинг асарларида зардуштийлик билан боғлиқ, бўлган май, мугбача, соқий, пири мугон, майхона, дайри мугон, харобат каби атамалар ва иборалардан жуда уринли фойдаланилган. Намуна сифатида Дақиқий шеърдан олинган қуйидаги парчалар мазмуни билан танишайлик:

Дақиқий чор хислат бар гузида аст
Ба гити аз ҳама ҳубию зишти:
Лаби ёқутрангу нолаи чанг,
Маи чун з нангу Зардҳушти.
(Дунёдаги ҳамма яхшилик ва ёмонликлардан
Дақиқий тўрт хислатни танлади:
Ёқут рангли лабу нолаи чанг,
Ой рангли маю дини Зардуштий).

Ёки:

¹ Ф.Сулаймонова. Шарқ ва ғарб. “Ўзбекистон”, Т., 1997, 235-236 - бетлар.

² Бертельс Е.Э.Роман об Александре. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, с. 87.

Эй руйи ту рахшанда тар аз қиблаи Зардхушт
Бе руйи ту чун зулфи ту куж аст маро пешт.
(Эй юзи Зардушт қибласидан ёруқ булган,
Агар сенинг юзунгни кўрмасам қаддим зулфинг каби
хамдур).

Ёки:

Ба яздонки ҳаргиз набинад беҳишт,
Касе ков надорад рад Зардхушт.
(Ёздон номи билан қасам ичиб айтаманки,
Ким Зардушт йулидан бормаса у беҳиштни кўрмайди)¹.

Куринадики, Дақиқий расмий битъатчи руҳонийлардан кўрқмасдан ислом дини ақидаларига қарама-қарши улуроқ майни шоду ҳуррамлик, кунгил очиб яшаш рамзи сифатида куйлаб, зардуштийлик динига мойиллигини очиқдан-очиқ ёзса, буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса жаҳон эпосининг гултожи булмиш “Шоҳнома”сида зардуштийлик таълимоти ва бу динга эътиқод қўйган Қаюмарс, Хушанг, Таҳмурас, Жамшид, Гершапс, Исфандиёр, Афросиёб, Кайковус, Сиёвуш, Рустам каби асосий қаҳрамонларни кўкларга кутариб тасвирлайди.

“Авесто”да талқин этилишича, Ахура-Мазда яратган биринчи одам ва бошига тож кийиб тахтга утирган илк подшо Йима Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Жамшид (Йим - киши исми, шид-нуроний маъносини ифодалайди) образида тасвирланади. Досгонда тасвирланишича, Жамшид етти юз йил подшолик қилган. Жамшид замонасида ёруғлик зулмат устидан, адолат адоват устидан, инсонлар девлар устидан узил-кесил ғалаба қилган ва одамзод қариллик нималигини билмай, “на дард, на ёмонлик кўрмай”саодатли, фаровон ҳаёт кечирган. Ҳатто Янги йилнинг бошланиши ҳам Жамшиднинг тахтга утириши билан боғлиқ эканлиги қайд қилинади.

Жамшидга сочишар олгину гавҳар,
Шу кунни Янги йил - байрам дейишар.

¹Ф.Сулаймонова. Шарқ ва ғарб. “Ўзбекистон”, Т., 1997, 209-бет.

Яна утди уч юз йиллар бахтиёр,
На улим, на бир дард курмас бу диёр¹.

“Шоҳнома”даги бир афсонага кура, Жамшид авлоди Ҳушанг Прометей сингари оловни кашф этиб, Сада байрамида кишиларга оловдан фойдаланишни ургатади ва уни муқаддаслаштиради. Унда зардуштийликнинг асосий этикоди - оловга сизгинишнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Шундан бери оташ қибласи булди,
Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди,
Кеч киргач, ут ёқиб айлади гулхан,
Гулхан атрофида аёнлар билан
Ултириб бошлади базм ва байрам,
Сада деб ном берди дилдан ариб гам.
Сада базми ундан қолди ёдгор,
Ҳушанг булса эди бари шаҳриёр...²

Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonида: “Ундан сунгра Жамшид оламга от солди: у қанча мамлакатларни олди ва бир қанча одамларнинг бошига тож кийдирди. У халойиққа ҳам купгина наф етказди ва анча ажиб амр фармонлар, тартиб-қонунлар ҳам ихтиро ва жорий қилди”³, деб таърифлайди.

Маълумки, “Авесто”да биринчи марта ижтимоий зиддият ва ёвузлик муаммоси, ижтимоий зулмга қарши курашиш имконияти, бунда ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йулини танлаши лозимлиги илоҳий образлар орқали ифодаланган. “Шоҳнома”да яхшилик ва ёмонлик орасидаги азалий ва абадий кураш асосий ғоя бўлиб, асарда дунё Аҳура-Мазда (Ҳурмазд) бошчилигидаги яхшилик кучларининг Аҳриман (Анҳра-Ману) қули остидаги ёвузлик лашкарлари ва девларга қарши кураши сифатида талқин этилган. Тадқиқотчилар қайд қилганидек, “Шоҳнома”да утроқ аҳоли - Туронийларнинг қушинлари эзгулик кучлари мужассами ҳисобланса, барча кучманчи қавмлар ёвузлик - Аҳриман томонидан юборилган бало, деб тасвирланади.

¹ ФБойназаров. Урта Осиенинг антик даври. Т., 1991, 240-бет

² Исо Жабборов. Антик давр маданияти ва маънавият хазинаси. “Ўзбекистон”, Т., 1999, 60-бет.

³ А.Навоий. Садди Инкандарий. Т., 1978, 25-бет.

Бир четда қолади ростлик, аҳд-паймон,
Ҳурматда булади эгрилик, ёлгон.
Ҳақиқий жангчилар айланур ётга,
Лофчи, опқочарлар минишар отга,
Ҳунарсиз деҳқонлар булади аскар,
Мева бермай қуяр насаб ва ҳунар.
Пинҳон ошкорадан баттароқ булур,
Шоҳлари тош кунгил, бебошвоқ булур
Ёмонлиқ уйлайди отага бола,
Уғилдан отанинг дилида нола...

Фирдавсийнинг энг сеvimли образи Рустам номидан айтилган бу башорат сўзлари асли зардуштийлик динининг асосий гоъвий моҳиятини ифодаловчи, шу билан бирга уз даврининг муаммоларини тушунушга ёрдам берувчи муҳим гоъялар, десак хато бўлмайди¹.

“Авесто”да инсон ва ҳайвонларга озор бермасликка, ҳар қандай ёвузликнинг уруғини қуритишга даъват этилади. Фирдавсий кишиларни пайгамбар Зардушт сингари ҳаётни қадрлашга, инсонни эъзозлашга, сабабсиз узаро қиргин урушларига барҳам беришга чорлайди.

Билиб қуй, яхшимас қон тукиш асло,
Бегуноҳларга ҳеч келтирма бало!
Сабабсиз жанг бошлар экан қай инсон,
Булур жигари қон, ранги заъфарон...
Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонсиз дунёда йуқ фаровонлик².

“Авесто”даги ривоятларда талқин этилишича, Йима ҳамма вақт Ахура-Мазда совға қилган олтин камон ва олтин суви югуртирилган қамчидан фойдаланади. Йима ерга камондан уқ узади, қамчисини ерга уриб дейди: “Севимли, муқаддас Арматай! Сен одамларни ва молларни кутара олишинг учун ер кенгайиб катталашсин”. Шундан сунг ер кенгайиб, илгариги ҳолатидан уч баробар катталашади.

¹ Исо Жабборов. Антик давр маданияти ва маънавият хазинаси. “Ўзбекистон”, Т., 1999, 60-61 бетлар.

² Уша жойда. 62-бет.

Йиманинг ер юзида етти юз йил ҳукмронлик қилиши даврида, ер унга яна тордек кўринади ва у яна ерни уч баробарга кенгайтиради. Худди шу ҳолат Йима ҳукмронлигига 900 йил булганда ҳам такрорланади. Шундай қилиб, ер биринчи ҳолатдаги кўринишидан бир неча баробар кенгайди.

Аҳура-Мазда барча тирик мавжудотни нобуд қила оладиган совуқлар яқинлашиб келаётганини айтиб, Йимани огоҳлантиради. Аҳура-Мазданинг буйруғига биноан Йима ёлғиз узи иншоотлар қуради. Бу иншоотлар барча ҳайвон ва усимликларни совуқдан сақлаб қолишга мулжалланганди. Бу иншоотларнинг эшик ва деразаси ҳам булган. Бу ерга у одамларни, итларни, қушларни, қорамол ва бошқа ҳайвонларни, усимликларни ва уларнинг уруғларини йиғади. Нуқсонлари булган одамлар, яъни букрилар, ақлдан озганлар ва бошқалар, Аҳриманнинг касофати туфайли булган, деб иншоотларга киритилмайди.

Зардуштнинг айтишича, Йиманинг нотўғри йул тутиши, уз кучига ҳаддан ташқари ишониши ва манманлиги сабабли, одамлар қарийдиган ва уладиган булиб қолишади. Илгарилари Олий тангри Аҳура-Мазда муқаддас ҳисобланган шохли молнинг гўштини истеъмол қилишни одамларга ман этганди. Кейинчалик одамлар гуноҳ ишга қул уриб, шохли молларнинг гўштини ейдиган одат чиқаришади. Шу сабабли жаннат ҳаётидек “олтин аср” тугаб, яхшилик ва ёвузлик уртасида кураш, яъни қиёмат-қойим бошланади ва Йима жаннатдан ҳайдалади. “Гоҳлар” (“Готлар”) да тасвирланишича, бутун жонзотлар: “Қип-қизил олов ва эриб турган маъдан синовидан ўтгач, Дурж (ёлғон), яъни тартибсизлик, бузгунчилик руҳи тарафдорлари зулмат салтанатига, Арта (ҳақиқат), яъни тартибот руҳи тарафдорлари эса зиё салтанатига тушадилар. Келажакда ҳар кимнинг уз эвази бор. Кимки Арамати (тинчлик) билан дўстлашса, уша Аҳура-Мазда ва Арта салтанатига тушади...”

Хуллас, одамларнинг гуноҳлари ер юзида қиш бошланишига сабаб булади. Жаннатдан қувилган Йима қиш аёздан жон сақлаш учун, узига бошпана қура бошлайди. Уйни қандай қилиб қуриш керак, деган Йиманинг саволига Аҳура-Мазда, Қуёшда қурилган гиштдан, деб жавоб беради. Бу қурилган уйларга Йима тўладан келган энг чиройли ва хушрўй

аёлларни, энг яхши зотли ҳайвонлар, энг чиройли ва хушбуй усимликларни, энг лаззатли таомларни йигади...

“Авесто”даги охириги ривоятда ёзилишича, Йима 710 йил яшаган. Одамларга қурол-яроғ яшашни, мато туқишни, тегирмон, куприк, кемалар ва бошқа ишоотлар қуришни ургатган. Бундан ташқари, одамларни халқ табобати сирларидан огоҳ қилган. Одамлар мол боқиб, деҳқончилик қилиб, ердан мўл ҳосил олганлар.

Ҳар йили ҳаво баҳор атри билан тўлади, ҳамма нарса гуллаб-яшнайдди. Ва лекин ёвуз Аҳриман одамзоднинг бахтига, унинг тинч ва фаровон ҳаётига чанг солади, изгирин совуқни кучайтириб, ҳамма ёқни қор билан буркайдди.

Аҳура-Мазда, бари бир, Аҳриман (Анхура-Ману) устидан ғалаба қозонади, шундан кейин Ер юзида эзгулик ҳукмронлик қилади ва “Зиё салтанати” урнатилади, барча одамлар яна тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечира бошлайдилар.

Зардушт, Йиманинг нотўғри йул тутиши касрига одамзод “олтин аср” тарихига якун ясалганини курсатганидек, Фирдавсий ҳам ўз “Шоҳнома”сида Жамшид (Йима)нинг Аҳура-Мазда ёрдамида энг қудратли шоҳ бўлганини, лекин бирин-кетин купгина музаффариятларни қўлга киритганидан сунг, қаддини ғоз тутиб, ҳеч нарсани тан олмай қўйишини шундай тасвирлайди: “Бу дунё меники, ҳеч қандай худони тан олмайман. Фақат мен ҳамма нарсани ярата олишим мумкин”.

“Авесто”даги афсонавий характердаги образларни биз Алишер Навоийнинг шоҳ асари “Ҳамса”даги “Фарҳод ва Ширин” достонида учратамиз. Достонда тасвирланишича, Жамшиднинг жоми ҳаётдан ҳам чароғон булиб, бу жом Искандар қурган қалъа ўртасидаги уйдан топилади. Фарҳод бу жомни кўриб, кўзи қамашади. Жамшиднинг жомики қуёшдан равшан булса, унинг узи нақадар порлоқ, экан? Жамшиднинг жоми дунёда содир булаётган воқеаларни узида акс эттириб турарди.

Жомнинг ташқи томонида ер юзининг маркази, ички томонида эса тўққиз қават осмон қуриниб турарди. Жомнинг ташқи томони гўёки олижаноб одамнинг қалбига, ички томони эса покиза ва қалби тоза, диёнатли, инсофли кишининг юрагига ухшаб тинимсиз дук-дук уриб турарди.

Сафоу тоб аро андоқки Хуршед,
Дема Хуршед, балки жоми Жамшед...
Бори махфий умур изҳори анда,
Жаҳон ҳолоти равшан бори анда.
Ташида жилва айлаб маркази хок,
Ичинда лек туққуз даври афлок.
Таши ул навъким комил замири,
Ичи андоқки соҳибдил замири.

Ҳақиқатда, Алишер Навоий тасвирлаганидек, Жамшиднинг жоми яхшилик ва эзгулик тимсоли булиб, Жамшид шаробини ичган инсонлар хурсанд ва шодумон буладилар.

Скандардек кириб зулматга Хуршед,
Тилсим ичра ёшунди жоми Жамшед.
Алар топиб яна ишратқа асбоб,
Солиб Жоми жом ичра бодаи ноб.
Сурун гоҳи Скандардин тарона,
Добон Жамшеддин гоҳи афсона.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Аҳриман урмонда яшовчи ёвуз дев қиёфасида тасвирланади. У девлар қалъасидаги Сулаймон узугини қуриқлайди. Сулаймон узуги яхшилик тимсоли. Борди-ю, инсон зоти уни қулга киритса, яхшиликлар тилсимини очиб қуйиши мумкин. Ёвуз ниятли Аҳриман эса буни сира ҳам хоҳламайди. У одамзоднинг тинч, фаровон ва бахтли булишини истамайди. Шунинг учун ҳам Сулаймон узугини қулга киритиш учун бораётган баҳодир Фарҳоднинг йулини тусади.

Достонда урмонда яшаётган Аҳриман даҳшатли тусга кирган булутга қиёс қилинади. Унинг қиёфаси бошидан охиригача заҳар эканлиги қуриниб турарди. Унинг қиёфаси дузах учқуни ва қиёмат оловини эслатарди. Унинг мағрур қадам босишидан замон бустони титрар, қичқиришидан эса осмон айвони дарз кетар эди. Баданидаги ҳар бир мўйи, яъни туки мисоли бир ўк, ўк ҳам эмас, аждаҳога ўхшаш бир илон эди. Унинг жисмидан хийлаю найранг қатра-қатра томиб турар, шу ҳар қатрани маккор фалак аста-секин тарбиялаб, ундан янги бир дев яратар эди. Қараши маломат шомига,

буйнининг узунлиги қиёмат кунига ўхшарди. Унинг гурзиси чинордай келарди. Чинордай эмас, минорадай баҳайбат эди. У гурзи учига улкан тоғнинг бир парчасини боғлаб олганди. Бу гурзи, агар Эльбурс тоғига тегса, бу тоғни майда-майда қилиб тупроққа айлантиргудек эди...¹

Шундай қилиб, “Фарҳод ва Ширин” достонида ниҳоятда салбий қиёфада, “Авесто”да эса, ёмонлик қиёфасида тасвирланган яхшилик ва эзгулик тарафдори Аҳура-Мазданинг ашаддий душмани бўлган Аҳриманни эзгулик йулида Сулаймон узугини ахтариб бораётган Фарҳод уткир қиличи билан чошиб улдиради.

Шунингдек, “Авесто”даги Аҳриман тимсоли Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонида аждаҳо қиёфасида тасвирланади. Эзгулик йулига отланган Баҳромнинг йулини бу ёвуз куч тусмоқчи бўлганда улдирилади².

“Авесто”даги ривоятларда Говомард Қаюмарс дунёдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳомийси сифатида тасвирланади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги маълумотларга қараганда, Қаюмарс илк бора шоҳлик тахтига утирган шахс бўлиб, у уттиз йил шоҳлик қилган эмиш.

Уттиз йил оламда шоҳлик қилди у,
Нур сочиб Қуёшдек шодлик қилди у.
Не турли жондор бор оламда, бари
Ором истаб келар Қаюмарс сари.

“Шоҳнома”да Қаюмарс билан Аҳриман ўртасидаги қарама-қарши курашлар, уша даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари билан боғлаб тасвирланади. Одамзод тарихида илк бор бошига тож кийиб шоҳлик тахтига чиққан Қаюмарснинг аслида адолатли, ҳақиқатқўй бўлганлигини таъкидлаш орқали шоир ўзи яшаётган замондаги шоҳларнинг золимлигидан зорланади. Аслида Қаюмарс каби шоҳлар инсониятга бахт-саодат келтириш учун, халққа халоскор ва паноҳ бўлиш учун эзгу ният билан тахтга чиққан эдилар. Замонлар утиши билан шоҳлар халқни эзиш, беҳисоб бойлик туплаш, қиргин

¹ А.Навойӣ. Фарҳод ва Ширин. Ҳамса. Т., 1975, 74-бет.

² Низомий Тупламлар, Етти гузал. Т., 1982, 78-бет.

урушларни бошлаш каби разил ва қабих ният билан тахтга чиқишни узлари учун олий бир мақсад деб билдилар¹.

Фирдавсий золим шоҳларни Қаюмарсдек мард ва танги, адолатли ва ҳақиқатгуй булишга чақирса, Алишер Навоий эса узининг “Садди Искандарий” достонида “Пешдод” сулоласидан ун бир шоҳ утганини ва энг қадим салтанат эгалари шулар эканини ёзади. “Пешдод” ларнинг биринчи шоҳи булмиш Қаюмарс тахтга чиққач, адолат йулини тутди².

Қизиги шундаки, Фозила Сулаймонованинг талқин қилишича, ислом дини кенг тарқалган ва унинг ақидалари ҳамма мусулмонлар учун қонун-қоида булган XV асрда Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги 230-ғазалнинг туртинчи, бешинчи ва олтинчи байтларида зардуштийлик ғояларини тараннум этиши ҳали ҳам ота-боболар дини ҳақидаги тушунча ва эътиқод барҳаёглигидан далолат беради:

Совуғ келур кузума хонақоҳу зуҳду риё,

Хушо шарораи Зардушт бирла дайри мажус.

Майи мугона агар бизга тутса мугбачалар,

Гар арганун уни йуқ эрса, басдурур ноқус.

Чу йуқ, бу кишвари ислом аро вафо била меҳр,

Хушо навоҳийи Афранжу хиттаи Тартус³

(Яъни, хонақоҳ, зуҳд ва риё кузимга совуғ қуринади,

Зардушт оловининг шарораси ва зардуштийлар макони

менга ёқади.

Агар зардуштий болалар-муглар майини бизга тутса,

Агар орган оҳанги булмаса, ноқус (зардуштийлар кунгироғи) ҳам бизга етарли.

Агар ислом вилоятларида вафо билан меҳр булмаса,

Оврупо мамлакатлари-ю Татус улкаси жуда маъқулдир).

Мана шунинг узиёқ зардуштийлик таълимотига қизиқиш, фақат XV аср мумтоз адабиётининг сардори Алишер Навоий ижодидагина эмас, балки “қуввати ислом” деб ном олган Бухорои шарифда ҳам 1653-1656 йилларда зардуштийлик эътиқоди билан боғлиқ, “Мазҳар ал-ажойиб”

¹Ф.Бойназаров. Урта Осиёнинг антик даври . Т., 1991, 238-239 - бетлар.

²А.Навоий. Садди Искандарий. Т., 1978, 25-бет.

³Ф.Сулаймонова. Шарқ ва гарб. Т., 1997, 39-бет.

(“Ажойиб кўриниш”) китоби, Эроншоҳ ибн Маликшоҳнинг зардуштийликда ҳуқуқ масалалари ёритилган “Сад дар” асари, “Авесто”нинг “Ғоҳлар”идан 100 таси, Зардушти Баҳромнинг “Зардуштнома” ва “Чатрангхочанома” шеъри паҳлавий тилидан, ниҳоят, Фаридиддин Атторнинг “Мухторнома”си ва бошқа яна бир неча асарлар замонавий Форсийга таржима қилинган.

Муҳими шундаки, Бухорои шарифда зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ асарларнинг таржима қилинишининг узи XVII асрда, - деб ёзади Фозила Сулаймонова, - зардуштийлик ман этилганидан минг йил кейин ҳам унга қизиқиш камаймаганини тасдиқловчи далилдир¹.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги юнон-рим олимлари ва шоирлари Ҳеродот, кичик Плиний, книдлик Евдокс, Плутарх, Страбон, Павзаний, Цицерон, лаэртлик Диоген, Ксанф, Филон, Гермипп ва бошқалар зардуштийлик таълимоти ҳақида асарлар яратиб шарҳлаганлар ва уз асарларида зардуштийларни “мағ” деб атаганлар. Кейинчалик бу Шарқда “маъжусий” шаклида тарқалган.

Қадимги юнонда Зардуштни файласуф ва шоир сифатида жуда яхши билишган. Жумладан, юнон адиби ва муаррихи Плутарх: “на Ҳомер ва на Ҳессиод, - ҳеч қайси бири Зевснинг (Юнонда А хура-Мазда ҳам Зевс деб аталарди - муаллифлар) илоҳий жангарабаси ва отини Зардушт уз шеърларида тараннум этганчалик васф эта олмаганлар!” дейди.

Умуман, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” бутун дунёда кўп асрлар давомида мудом кўплаб олимлар томонидан зур қизиқиш билан урганилмоқда. Зардушт ва “Авесто” тарихи ва талқинида Оврупо олимларининг хизмати каттадир. Чунончи, “Авесто” шарҳи ва Зардушт ҳақида нашр этилган биринчи жиддий асар Барнаб Бриссонинг 1590 йили Парижда босилиб чиққан китоби будди. 1630 йилда Г.Лорд “Форслар дини” китобини нашр этгирди, бироқ бу асарда зардуштийлик дини моҳияти ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг аҳамияти умумий тарзда ёритилган эди, холос. Ундан сунг инглиз шарқшуноси Томас Ҳайд зардуштийлик тўғрисидаги эроний, юноний, румий ва

¹Ф.Сулаймонова. Шарқ ва гарб. Т., 1997, 40-бет.

араб манбаларини йиғиб, урганиб, 1700 йили лотин тилида “Қадимий Форслар: парфияликлар ва мидияликлар дини тарихи” асарини чоп эттирди. Томас Ҳайд бу китобда маздапарастликнинг икки худоликка асосланган дин эканлиги тугрисидаги фикр нотугрилигини кўрсатади ва зардуштийлик динига нисбатан берилган бу хато ақидани юнонликлар узларининг кўпхудолилигидан (политеизмдан) келиб чиқиб тарқатганлар, дейди.

1723 йили Оксфорд шаҳрининг Бодлеан кутубхонаси инглиз савдогари Фишернинг Ҳиндистондан олиб келган “Авесто” китобларидан “Вандидод”нинг асл нусхасини сотиб олади, аммо уни бир неча йилгача ҳеч ким ўқий олмайди. Шундан сўнг шотландиялик Фрезер зардуштий форслар яшаётган Сурот шаҳрига беради, аммо форслар ажнабий кишига бу тилни ургатишни хоҳламайдилар. Шундай булса ҳам Фрезер “Авесто”нинг бир неча асл китобини сотиб олиб, ватанига қайтади.

Оврупо авестошунослигининг ривожини кўп жиҳатдан Париж дорилфунунининг шарқ тиллари бўлими талабаси йигирма уч ёшли Анкетил Дюперрон номи билан боғлиқдир. У Англиядаги Оксфорд дорилфунуни кутубхонасида сақланаётган “Зенд Авесто”нинг матни мазмуни билан олим Аббо Салье кумагида танишишга муяссар булади. Ана шундан сўнг унда, нима қилиб булса ҳам, “Авесто”нинг тулиқ матнини урганишга иштиёқ тугилади. 1754 йилнинг ноябрида Анкетил Дюперон уз олдига қўйган мақсадини амалга ошириш ниятида Ҳиндистонга кетаётган армияга кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга ёлланади. У 1755 йил 7 февралда “Ҳерцог Аквитанский” ҳарбий кемасида Ҳиндистонга йўл олади. Анкетил Дюперрон икки йиллик ҳарбий хизмат муддатини тугатиб, уз олдига қўйган мақсадига эришишга ҳаракат қилади. 1757 йилда унинг бахтига, акаси Анкетил Дебриокур Ҳиндистонга Франция элчиси бўлиб келади. Бу эса Анкетил Дюперронга Ҳиндистонда яшаётган қадимий форсийларнинг турмуш тарзи ва диний эътиқоди билан танишиш, улар билан мулоқотда бўлиш имкониятини тугдиради.

Маълумки, Шимолий Ҳиндистондаги қадимий форслар узлари яшаётган жойлардаги оташкадалар - ибодатхоналарга бирорта ҳам овруполикни ва бошқа диний эътиқоддаги

кишиларни киритмас эдилар. Ана шундай расм ва урф-одатларга қарамасдан, Анкетил Дюперрон Ҳиндистонда 8 йил яшаб, уша ерлик Дороби, Ковшин, Манерже деган форслардан зардуштийлик дини эътиқоди қонун-қоидаларини ва “Авесто” тилини урганadi. У 1761 йили “Авесто” билан боғлиқ 180 дан зиёд ноёб қулёзмаларнинг нусхаларини қулга киритиб, Парижга қайтиб келади. Сунг Парижда у бутун вақтини “Авесто”ни таржима қилиш ва шарҳлар ёзишга бағишлайди. Ниҳоят, ун йиллик меҳнати самараси булган уч жилдлик “Занд-Авесто” 1771 йилда Парижда Француз тилида шарҳлари билан босилиб чиқади.

Шундан сунг Рига университети профессори, таниқли олмон олими И.Клаукер А.Дюперроннинг “Занд-Авесто” китобини олмон тилига таржима қилиб, 1775-77 йилларда Рига шаҳрида нашр эттиради.

1791 йилда эса Геттингенда Тихсеннинг “Занд-Авесто”га бағишланган асари чоп этилади. 1793 йилда Парижда Сильвестра Де Саси “Занд-Авесто” тилини таҳлил қилишга бағишланган уз асарини бевосита Анкетил Дюперрон асарига таянган ҳолда ёзганлигини алоҳида қайд этади. Италиялик Жамбатист Вико 1820 йилда нашр этган “Янги фанни асослаш” фалсафий асарида “Авесто”ни - қадимги халқларнинг буюк тафаккури”, деб баҳолайди. 1827 йилда Э.Раскин “Занд-Авесто” ва Занд тилининг асл нусхаси, унинг қадимийлиги” деган асарини немис тилида нашр эттиради. Немис файласуф олими Г.Риттернинг 1829-1853 йилларда яратилган 12 жилдлик “Фалсафа тарихи” асарида зардуштийлик таълимоти ва фалсафаси, “Авесто”даги диний тасаввурлар, юнон афсоналарига қараганда фикрларга ниҳоятда бой эканлиги таъкидланади.

“Авесто” ва Зардушт ҳақида немис мафкурасининг намояндаларидан бири булган Гегель уз асарларида шундай деб ёзади: “Бу дин - ёруғлик ва меҳр-оқибат динидир. У ёвузлик ва қоронгиликка қарши туради. Ёруғликнинг ёвузлик билан кураши, ҳаётнинг улим билан курашидир. Зардуштийлик дини ривожланиши ва ҳаётнинг барҳаёт бўлиши, экин экишни, уй ҳайвонлари боқишни ва ерга қарашни талаб қилади. Бу динга сиғинган одам ҳаттоки мурдани ерга куммай, ёқмай қушларга ем қилиш учун

талашади”¹. Демак, Гегелнинг хулосасига кура, зардуштийлик дини жаҳондаги энг буюк кучдир. Бу буюк куч ҳам ёруглик, ҳам ҳаракат, ҳам меҳр-оқибатдир. У барча ёвуз кучларни энгишга қодирдир.

Макс Мюллер 1879-1904 йилларда 49 жилдлик “Шарқнинг муқаддас китоблари” асарини нашр этиб, унинг I, IV, XII, XXXI жилдларини “Авесто”га бағишлаган.

1878 йилда эса Христиан Бартоломео “Қадимги Эрон лугати” ва 1895 йилда эса “Авесто” тили ва қадимги Эрон тили лингвистик асарларини нашр этади. Бу асарлардан авестошунос олимлар: В.Вольф, Е.Бенвенист, Герцефельдлар фойдаланиб, “Авесто”ни таржима қилишган ва қадимги “Авесто” тилини урганишган.

Форс олими Кападиа узининг инглиз тилида нашр этилган “Зардуштийлик таълимоти ва эронликлар динининг фалсафаси” асарида зардуштийлик дини қадимги будда, христиан ва ислом динидан анча илгари пайдо булганлигини ва бу динларнинг шаклланишига кўрсатган кучли таъсирини алоҳида таъкидлаб, зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китобини юксак фалсафий фикрлар мажмуаси, деб баҳолайди.

Россияда 1861 йилда К.А.Коссович томонидан “Зандавестодан тўрт асар” китобининг ва Санкт-Петербург Фанлар Академияси аъзоси Христиан Розенберг томонидан XIII асрда ёзилган Зардушти Баҳромнинг “Зардуштнома” асарининг форс тилидан урусчага таржима қилиниши бу борадаги илк изланишлардан эди.

Зардуштийлик таълимоти ва муқаддас “Авесто” китобига қизиқиш жаҳон классик адабиётида ҳам уз аксини топганлиги ва бадий асарлар яратилишига ҳам таъсири катталиги муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, юнон драматурги Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей”, буюк итальян шоири Алигъери Дантенинг “Дузах”, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саёҳати” китобидан “Лапугуга сайёҳат” қисми, Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”, олмон файласуфи ва ёзувчиси Фридрих Ницшенинг “Заратуштра шундай деган” номли аллегорик-фалсафий рисоласи ҳам бевосита “Авесто” таъсирида ёзилганлигини эслатиб утишимиз жуда ҳам уринлидир.

¹Ф.Бойназаров. Урта Осиёнинг антик даври . Т., 1991, 206 - бет.

Кейинги даврларда зардуштийлик таълимоти ва “Авесто”нинг таҳлилига бағишланган С.П.Толстов, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.М.Маковелский, И.С.Брагинский, Б.Гофуров, Н.Маллаев, А.Қаюмов, Й.Жумабоев, Ҳ.Ҳомидов, М.Исҳоқов, М.Раҳмонов, И.Жабборов, Г.Дресвялянская, И.Хужамуродов, Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов, М.Қодиров, А.Ирисов, Ф.Сулаймонова, Т.Маҳмудов, Т.Каримов, К.Нуржонов, Б.Дусчонов Ф.Бойназаров ва бошқа олимларнинг кўп йиллик қизгин баҳс-мунозараларидан сунг бир неча асарлар, мақола ва тадқиқотлар юзага келганлигини алоҳида таъкидлаб утишимиз лозим.

Шундай қилиб, дунёнинг энг қадимий, адабий ва тарихий ёдгорлиги “Авесто” умумжаҳон миқёсида ҳар томонлама илмий тадқиқотлар жараёнига киритилди. Бугун бугун жаҳон аҳли “Авесто”- ҳақида сўз ва фикр юритади. Чунки “Авесто” - бутун жаҳон аҳлининг муштарак маданий меросига айланган. Буни араб олими Собит бинни Қурра (836-910)нинг таъбири билан айтганда: “Биз дунёга тарқалган маъжусийлик меросхўрлари ва аждодларимиз. Дунёни ким маданиятли қилди? Маъжусийлар шоҳлари, дохийлари булмаса, ким унда шаҳарлар барпо этди? Ким каналлар қаздирди ва ким денгиз бандаргоҳларини яратди? Буларнинг ҳаммасини шонли маъжусийлар барпо этганлар. Худди ана шулар руҳимизга осойишталик, танамизга соғлиқни сақлаш санъатини ҳады этдилар. Дунёдаги энг зўр олий буюм - донишмандлик ва одабийлик тушунчаларини инсониятга тақдим этдилар. Маъжусийликсиз жаҳон бушлиқдан иборат, усиз қашшоқликда ночор ҳаёт кечирган буларди ...”¹.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Сипийтмон Зардушт бизга узининг порлоқ ва абадий маънавий машғалини мерос қолдириб кетган. У ёққан олов биз учун мангу самимият, эзгулик, яхшилик, меҳр ва муҳаббат, салоқат рамзи бўлиб қолди.

¹Ф.Роузенталь. Торжество знания. М., 1978, с. 318.

“АВЕСТО”ДА СОҒЛОМ АВЛОД ВА МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир.

Куч - билим ва тафаккурда.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да оила, соғлом авлоднинг пайдо булиши, бенуқсон наслнинг туғилиши учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзи, наслнинг соғломлиги, зурриётнинг покизалиги, унинг ақлий, ахлоқий, руҳий, жисмоний, маънавий-ҳуқуқий тарбияси хусусида қайғуриш биринчи ўринга қўйилган.

Маълумки, қадимдан аجدодларимиз мустаҳкам оила қуриш, наслни соғлом қилиб улғайтириш, болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш орзуси билан яшаб келган. Шунинг учун ҳам “Авесто”да оила ва оилавий тарбия масаласига катта аҳамият берилиб, инсоний бурч фақат ахлоқий йўл-йуриқларни узлаштиришдан иборат бўлмай, балки инсоннинг оилавий турмушининг саодатли ва хушчақчақ булиши, яхши ёр ва яхши фарзанд туғрисида уйлаши зарурлиги ҳам алоҳида уқтирилади. Зеро, ёш ота-оналарнинг ҳамма нарсани яратувчи, барча билимлар мояси, бандаларга тафаккур инъом этгувчи Яздонга илтижо қилиб, ўзларига билимли, ўқимишли ва ишбилармон фарзанд ато этишни сурашлари ҳам бунинг далилидир: “Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга куз-куз қиладиган ўқимишли, ишбилармон соғлом ўғлн бер”. Муҳим шундаки, эркак киши уйланиши ва зурриётли булиши учун аввало моддий ва маънавий томондан тўқ, жисмонан бақувват, руҳан ва жисман бенуқсон булиши лозим, дейилади. Бунинг учун у вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши меҳнат қила олмайди, жинсий эркаклик бурчини бажара олмайди ва узидан зурриёт қолдира олмайди: “Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифаларини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди” (“Ясна”, 33, 3-боб). Шунингдек, оч қолиш ва тўйиб яхши овқат емаслик

кишиларнинг ахлоқ-одобига ҳам салбий таъсир этади, деб ҳисобланган: “Озиқ-овқат яхшиланиши билан инсоннинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мул-кул бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади” (“Ясна” 33, 3-боб). Зероки, оилавий хушчақчақлик ва бахтиёрлик манбаи “Яхши кун қуриш учун даркор бўлган нарсаларнинг мул-қуллигидир” (“Ясна”, 30).

Дарҳақиқат, инсон уз ҳаёт йулини танлар экан, зиммасига олган мажбурият ва оилавий бурчни бажаришга масъулдир. “Авесто”да таъкидланишича, усмирлар 15 ёшга тулганда балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга ҳисобланганлар. Лекин ёшларнинг узбошимчалик қилиб оила қуришларига йул қўйилмаган. Оила қуриш жамоа, ота-она измида бўлган. Шу сабабли жамоа ва ота-оналар булажак келин ва куёвларни танлашда обдон уйлаб иш курганлар. Ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлган йигитга қадду қомати, рангу руйи мос соғлом қиз танланган ва унинг насл-насаби суриштирилган. Чеҳраси ёки терисида нуқсони бор, оқ, қора, қизил доғи мавжуд бўлган қизлар келинликка, йигитлар эса куёвликка танланмаган, яъни зардуштийлик ақидасига, “Тенг-тенги билан” ҳикматига риоя қилинган. Авестошунос Ҳомиджон Ҳомидовнинг таъкидлашича, агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамга босилган ёки у белига доимо оғир темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Ер юзида инсон зурриётининг кўпайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб, 25 қамчин калтакланган¹.

“Авесто”нинг “Вандидод” бобида баён этилишича, насл соғломлигининг ирсий жиҳатларига алоҳида эътибор берилиб, яқин қариндошлар ўртасида фарзандларнинг ўзаро оила қуриши қонун билан ман қилинган. Нуқсонли фарзанд туғилишининг олдини олиш мақсадида амалий моҳиятга молик мулоҳазалар юритилган, ота-оналарга фойдали маслаҳатлар берилган. Афтидан, қавм ва уруғ қонининг тоза булиши, зурриётнинг покизалиги, авлоднинг соғломлиги учун шундай қилинган. Боланинг соғлом туғилиши учун ҳомиладор аёл ортиқча ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, фақат

¹Ҳамиджон Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шухрати. Т., 1991, 92-бет. Қадриятларимизнинг тарихий илдизлари. “Ишонч”, 1993 йил 24 феврал, 4-бет.

ҳалол луқма ейиши лозим, - деб ҳисобланган. Чунки “Авесто”нинг “Яшт”ларида инсоннинг унғ қули ва сул қули билан ҳалол меҳнат эвазига яратилган ноз-неъматлар, зироатлар ва мул-қул ҳосил, яъни инсоннинг ризқи покиза ақл ва пок руҳнинг манбаидир, дейилади. Ҳомиладор аёлга муттасил хурмо, анор, узум, анжир истеъмол қилиб юриш буюрилган. Бола она кукрагидан ажралгач, унинг узлуксиз сигир ва туя сутини ичиб туриши, сут маҳсулотларини бисёрроқ истеъмол қилиши соғлом ва ўктам ўсишининг гарови эканлиги уқтирилади¹, ота-оналар эса шунга даъват қилинади. Ҳатто “Авесто”да аждодаримизнинг серфарзандликдек олижаноб фазилати тангри - Яздон томонидан олқишланади. Зардушт Аҳура-Маздадан “Серфарзанд хонадонга нима берасан” деб сураганида у: “Бундай одамларни уз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мул қиламан”, - деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам зардуштийлик ақидасида, катта оилалар жамоа оқсоқоли томонидан ҳимоя қилиниб, бир йула 2-3 тадан фарзанд курган аёлларга бир жуфт согин сигир ёки сариқ туя ҳадя қилинган ва давлат хазинасидан доимий нафақа белгиланган. Ҳомиладор аёл ҳомиласини “аборт” қилдириши ёки “жонзот”ни бошқа йул билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, айбдорлар улим жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, уз оиласи була туриб, гайришаръий иш қилган оила бошлиқлари, зинога берилган аёл ва эркаклар қамчи уриб огир жазоланганлар, ҳатто айримлари улим жазосига ҳам маҳкум этилганлар.

Бундан ташқари, соғлом авлоднинг туғилиши учун ота-оналар шароб ичмасликка, гиёҳвад моддалар ва бошқа банг, яъни ҳушдан кеткизувчи ва кайф қилдирувчи воситаларни истеъмол қилмасликка даъват этилган. Зероки, гиёҳвандлигу ортиқча шаробхўрлик пуштнинг заифлашиб, уругнинг бузилишига, наслнинг носоғломлигига олиб келишини яхши билганлар.

Авестошуносларнинг таъкидлашларича, “Авесто” ҳам бошқа муқаддас китоблар: “Инжил”, “Таврот”, “Қуръони карим” ва қадимги Ҳиндистон халқларининг “Ригведа”, “Шастра” сингари муқаддас китоблари узоқ асрлар мобайнида

¹Ҳамиджон Ҳомидов. Асл насли деб... “Халқ сузи”, 2000 йил 21 июн.

болаларга эзгу хулқ, одоб, хайрли амал, эзгу суз, эзгу ният, эзгуликка ҳидоят каби фазилатларни шаклантиришда дастуриламал вазифасини утаган. Жумладан, Зардушт таълимотида болаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи буламиз: “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши хулқ-одобли бўлсин, яхши ўқишни, сўнгра ёзишни урганиш билан энг юксак поғонага кутарилсин”¹. Биз бунга ҳатто Олий Тангри Аҳура-Маздага қилинган илтижо ва мурожаатларда ҳам кураимиз: “Аҳура-Мазда яратган яхшилик гоёсига, соғлом, ақл-ҳуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тилларни биладиган угил-қизларга, узоқни кура биладиган, юртни балоқазолардан ҳимоя эта оладиган углонларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кура оладиган пок зийнат авлодларга олқишлар бўлсин!”

“Авесто”дан келтирилган юқоридаги далиллар шуни курсатадики, зардуштийлик дини пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ оташкада - ибодатхоналар қошида мактаблар ташкил этилиб, қоҳинлар томонидан болаларнинг таълим-тарбияси тизими ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим-тарбия тизими қуйидаги тартибда амалга оширилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Болаларга диний тарбия бериш, асосан, 7 ёшдан бошланган; угил болалар 7 ёшга тулганда, уларга оқ ипақдан тикилган “муқаддас куйлак” кийдириш маросимини жамоа оқсоқоли, қоҳинлар, ота-оналар иштирокида ўтказиш расм бўлган. Шу тариқа таълим тизимида устоз-муаллимлар ҳамда ўқувчилар ҳам оқ ипақ матодан тикилган чакмон куйлак кийиб, устидан 72 хил рангдаги ҳарир ипақдан тўқилган белбоғ билан белларини боғлаб юришлари шарт бўлган. Қиш пайтларида ҳам асосий либос устидан “сидра”, яъни уша кийимни кийиш одат тусига кирган. Угил болалар бундай “муқаддас куйлак” ёки “сидрапушлик” удумини бажариш маросими пайтида қоҳин устоз-муаллим билан бир сафда

¹ Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. М., “Педагогика”, 1939, с.10.

Қуёшга қараб сажда қилиб туришган. Коҳин муаллимга қушилиб болалар ҳам муқаддас “Авесто”дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мадакор кучларни улуғловчи қасамёдларни такрорлашган: “мен зардуштийлик динига содиқ булишга тантанали ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман”¹. Зардуштийлик маросими машгулотларидан сунг эса болаларга совғалар улашилган. Бундай машгулотлар бир кунда Қуёш чарақлаб турган вақтда беш марта утказилган. Машгулотларни утказишдан қўзланган асосий мақсад - болалар қалбида ёшликдан дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, Олий тангри Аҳура-Маздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига жамики ёмонликлар ва ёвузликларни солувчи Аҳура-Ману (Аҳриман)дан нафратланиш ҳиссини тарбиялашдан иборат булган. Зардушт эса, “муаллим - коҳинларнинг бурчлари болаларга илмларни яхшилик йусини ила ургатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, туғри йулга ҳидоят этишдир. Кимда-ким, ақлу фаросат билан ёмонликка қарши курашса, у Аҳура-Мазда йулини тутган булади”, - дейди.

Шу тариқа Зардушт “Авесто”нинг “Яшт”ларида болалар руҳиятига рост сўз, пок ақида, ҳалол ниятни сингдирадиган устоз-муаллимлар пешвоси сифатида мадҳ қилинади: “Зеро, Сипийтмон бу дунёда Яздон таълимотига қулоқ тутадиган ягона одамдир. Фақат угина “Мазда” ва “Оша” сурудларини одамлар онгига сингдиради. Шунинг учун унга комил ақл ва бурро нутқ берилган.

Яхши устозлар ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни ҳалол меҳнат эвазига ризқу-рўз топиб яшашга ургатади, некбинлик, покдомонлик, одамларга фақат яхшилик иташ фазилатлари уқувчиларга донишманд устозлардан юқади, ёдгорлик булиб қолади. Шунинг учун ҳам устозларни шаҳару қишлоқларда, бутун мамлакатда маънавиятдан таълим берадиган Оша йулин тутганликлари туфайли, хонадонларга янги аҳкомларни олиб кирадиган, халқ ардоғига муносиб тоифалар сифатида олқишлаймиз!”

Олий тангри гафлатдан йироқ, ўз илмига, касбига садоқатли, сўзга чечанлиги, ишга уддабуролиги,

¹ Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. М., “Педагогика”, 1939, с.10.

масъулиятлилиги ва фидоийлиги билан ажралиб турадиган Зардушт таълимотини узига сингдирган устоз-муаллимларни ёқтиради: “Чунки улар уз донолиги, хирадмандлиги билан Яздонга яқин кишилар ҳисобланадилар, улар халқ қалбини ҳақиқат нури билан ёритадилар”. Демак, зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир устоз-муаллим болаларни ҳақиқат йулига бошламоғи, яхшилик йулида раҳнамолик қилмоғи, ёшлар қалбига ҳаётга муҳаббат туйғусини сингдирмоғи лозим.

Шунингдек, “Авесто”нинг “Яшт”ларида танбаллиги, бефарқлиги, масъулиятсизлиги, лоқайдлиги, фаросатсизлиги, укувсизлиги, билими ва малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида болалар зехнини, уларнинг мустақил тафаккурини утмаслаштирадиган, айни чоғда, ёшларнинг ақлини занглатадиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатларини сусайтирадиган, иймон-эътиқодини заифлаштириб, маънавий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган “ёмон устозлар” қаттиқ қораланади: “Ростини айтсам, ёмон устоз ҳаётни гамгин қилади, жоҳилларни улуг санаб, буюк аёлу эркакларни Яздон неъматларига етишишдан маҳрум этади. Ундайлар ўзларининг нодуруст таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадилар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йулидан оздириб, ёмонлайдилар... Ҳаёт чирогини сундирадилар. Тангри йулидан қайтарадилар. Уз нодонликлари билан халқни энг яхши хислатлардан юз угиртирадилар, жаҳон халқлари ҳаётини ёлғон гаплар билан паришон қиладилар”.

Зардуштнинг Олий Тангри Ахура-Мазда билан мулоқотида ҳам яхши ва ёмон устозлар ҳақида шундай дейилади: “Ношуд, ёмон муаллим укувчи қалбидан хунармандчиликни йўқотар экан. Эй Яздон, ёмон устоздан узинг асра”¹.

“Авесто”даги таълим-тарбия тизимида болаларнинг зардуштийлик диний эътиқодини мустаҳкамлашга ва маънавий камолотини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Биринчи навбатда, болаларга зардуштийлик дини асослари, Ахура-Маздага илтижо ва мурожаатлар-у фарзлар, Зардушт уғитлари пухта ўқитилиб, калом бадъе асосларига

¹Ҳамиджон Ҳомидов. “Авесто”да таълим-тарбия ва устозлар таърифи, “Миллий тикланиш”, 1999 йил, 13-алрсл.

суянган ҳолда “Гоҳлар” махсус ёдлаттирилган. Иккинчидан, эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, болаларга риёзиёт, хандаса, фалакиёт, тарих, фалсафа, ҳуқуқшослик, гигиена, табобат ва бошқа фанлардан пухта сабоқ берилган. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида курсатмали қуроллардан, ҳикоя қилиш ва суҳбат-мулоқот услубларидан кенг фойдаланилган. Дарс жараёнида ўқувчилардан утилган мавзунини шовқинсиз такрорлаш, ҳамиша эсда тутиш талаб қилинган, эгалланган билимни синаш мақсадида ўқувчиларнинг билим савияси мунтазам баҳоланиб борилган.

Куринадики, зардуштийлик таълимотида илм-маърифатнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинган ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада илму ҳикмат ютиб чиқади, деб ҳисобланган. “Авесто”да юқорида келтирилган далиллар шуни курсатадики, қадимги аجدодларимиз болаларнинг фақат бунуқсон туғилишига ва чақалоқлигидан жисмоний тарбиясига жиддий эътибор берибгина қолмасдан шунингдек, уларнинг ақлан етук булишига, яъни илмли булишига, ҳикмат урганишига, маънавий соф булишига, яхшилик ва эзгулик хислатларини эгаллашларига ҳам бевосита ғамхурлик қилинган. Қисқаси, болаларда ахлоқий, ақлий, жисмоний, жинсий хислатларни, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ватанпарварлик, ростгуйлик, сахийлик фазилатларини тарбиялашга жиддий эътибор берилган¹. Жисмоний ва меҳнатсеварлик тарбиясидан назарда тутилган асосий мақсад болаларни жанговар ҳарб ишига ва меҳнатсеварликка тайёрлашдан, жисмонан забардаст қилиб, меҳнатда чиниқтиришдан иборат булган. Уғил болаларга кураш тушиш, отга сувлиқ солиш, уни эгарлаш, мол боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя-отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувни ўтлатиш, чорвани йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан муҳофаза қилиш учун 50 дан зиёд ҳарбий қуролни ишлата билиш малакасини эгаллаш мажбурий булган. Уларга яна чавандозлик ва уттиз икки хил ҳарбий хунар ургатилган. Шунингдек, “Авесто”да қиз болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади: “Уғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш урганишга

¹Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. М., “Педагогика”, 1989, с.44.

жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар узлари тугилган хонадонда ота рузгорини тартибга солиб, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли уйига боргач, келажак насл, яъни фарзандлари тарбияси, таълими билан машғул булмоқлари лозим бўлади”. Шу тариқа, қиз болалар учун юнгдан урчуқ билан ва чархда ип йиғириш, матолар туқиш, либослар тикишдан ташқари, уғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик, қиличбозлик қилиш, қалқон тутиб, узини рақибидан ҳимоя қила билиш, отда ҳар хил говлардан сакраб утиш, сувда сузиш, узоққа югуриш, найза иргитиш, камондан уқ отиш ва бошқа жисмоний-ҳарбий малакани эгаллаш мажбурий булган. Ана шундан сунг қизлар - 15, уғил болалар - 16 ёшида оқсоқол бошчилигида жамоа олдида махсус имтиҳондан утказилган. Натижада балоғат ёшига етган қизлар рузгор юритишни урганиб, “кадбону”, яъни “уй бекаси”, йиғитлар эса, “кад худо” яъни “оила бошлиғи” булиш, чупон чулигини олиб, от суриш, туя миниб юриш ҳуқуқини қулга киритганлар¹. “Авесто”да қайд этилишича, уша даврларда эркаклар бир нечта хотин олиш ҳуқуқига эга эканлар. Эркаклар роппа-роса 16 ёшидан бошлаб уйланишган. Ҳамма вақт биринчи хотин бошқаларига бош булган².

Бу даврда таълим-тарбия тизимининг синфий характерга эга булганлиги сабабли, диний, ахлоқий ва ҳарбий-жисмоний тарбияни амалга ошириш барча табақадаги кишиларнинг фарзандлари учун мажбурий булса-да, аммо уқиш, ёзиш, ҳисоблаш (санаш)ни, давлатни бошқарув асосларини, яъни ҳуқуқшуносликни, ҳарбий ҳунарни эдагонларнинг болаларига сарой ва ибодатхоналар қошидаги мактабларда тажрибали устоз-муаллим қоҳинлар ва машҳур лашкарбошилар пухта ургатишган.

Умуман, зардуштийлик таълимотида йиғит ва қизларни ёшлиқдан меҳнатсеварлик ва касб-ҳунар эгаллаш малакаси ҳамда куникмасини шакллантиришга, шу билан бирга, фаол яратувчанлик меҳнати билан шугулланишга ҳам даъват этилганлиги диққатга сазовордир. Зеро, “Авесто”да таъкидланишича, аждодларимиз орзуси, ҳаётда фаровон

¹Ҳамиджон Ҳомидов. “Авесто”даги таълим-тарбия ва устозлар таърифи. “Миллий тикланиш”, 1999 йил, 13 апрел.

²Авесто. Издательство АН АзССР, Баку, 1960, с.80-81.

турмуш кечириш учун меҳнат қилишга лаёқати булган ҳар бир одам бирон касб-ҳунар билан, хусусан, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиши, икки қуллаб ерга ишлов бериб, ҳосил ундириши, чорвани парваришлаши, бирон дастгоҳни юргизиб, халқ эҳтиёжи учун бирон маҳсул ясаб кун кечириши, ризқу рузини беғараз ҳалоллик билан топиши, бировларга муҳтож булиб “қул узатиб тиланчилик қилмоқдан” узини асраши керакдир. Бу далиллар шуни тасдиқлайдики, аجدодларимиз касб-ҳунарнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш билан бирга, касб-ҳунар таълимини меҳнат амалиёти билан боғлаган ҳолда олиб борганлар, оқсоқоллар йигинларида ҳунармандчилик, деҳқончилигу боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларнинг йигитларини муттасил жамоа куригидан утказиб туриш тадбирларини қуллаганлар. Оташкадалар - ибодатхоналар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ-сиҳатгоҳлар, дорихоналар ёшлар билан амалий машғулотлар утказиладиган масканлар вазифасини утаганлар. Биз “Авесто”да ана шу фикрнинг тўғрилигини кўрамиз:

“Эй, оламни яратган Зот? Эй, Ҳақиқат!

Маздапараст табиблик қилмоқчи булса, у дастлаб уз лаёқатини кимда синаб куриши керак - маздапарастдами, девпарастдами?

Ахура-Мазда жавоб беради:

- Табиблик қилмоқчи булган маздапараст уз лаёқатини даставвал девпарастларда синаб кургани маъқул.

Агар табибнинг жарроҳлик тиғи билан даволаши чоғида уч карра пайдар-пай девпараст нобуд булса, демак, у табиб табибликка лаёқатсиздир.

...Шундан кейин у табиб ҳеч бир маздапарастни даволаши мумкин эмас.

Табиб бирон-бир маздапарастга дармон бағишлаш мақсадида унинг танасига тиг тортиши ё уни тилиши мумкин эмас.

Агар у маздапарастни тиг билан даволамоқчи булса, бу жарроҳлик оқибатида бемор улиб қолиши мумкинлиги ҳақида олдиндан огоҳлантирилиши зарур.

Агар у девпарастларни жарроҳлик тиғи билан уч карра даволаб, унга шифо бахш этса, табиблик қилишга лаёқатли деб топилади.

У ушандагина маздапарастларни даволаши ва жарроҳлик тиги билан уларга дармон бахш этиши жоиз”¹.

(“Вандидод”, 7-фардгард, 36, 37, 38, 39, 40-бандлар).

Хуллас, ҳар бир табиб, жумладан, жарроҳ ўз малакасини уч бор аниқ синовдан утказмай туриб, касални даволаш ҳуқуқига эга бўлмаганидек, устоз-муаллимлар ҳам шогирдларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашда ҳамиша ана шу тартибга риоя қилганлар.

Бундан ташқари, Буқротнинг табиблар қасамёди ҳақидаги фикридан бир неча аср бурун “Авесто”да табибларнинг махсус қасамномаси келтирилган. Ҳатто табобат рамзи - илон заҳар сочаётган идиш-жом тасвири ҳам илк бор “Авесто”да тасвирланган². Шунингдек, Сипийтмон Зардушт чорванинг купайишига ва ҳайвонларнинг боласини ўз фарзандларидек тарбиялаб, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган. Унинг “Инсон деҳқончилик ва суғориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилган тақдирда эзгуликка сазовор бўлади”, деган фикри ҳам амалий жиҳатдан эътиборга лойиқдир.

Демак, “Авесто”да меҳнатнинг моддий ва маънавий томонларига катта эътибор берилибгина қолмасдан, шуниндек, меҳнат, асосан, шахсни ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш негизи сифатида эътиборга олинган. Шунга кўра, зардуштийлик динида, ахлоқан саховатли бўлиши учун инсоннинг биринчи галда меҳнат қилиши, уз кули кучи билан ноз-неъмат яратиши зарурлиги талқин этилади. Бинобарин, ишёқмаслик - жамики иллат ва нуқсонларнинг маконидир, деган қораловчи ибора тасодифий эмас”³. Демак, меҳнат инсоннинг фазилатларини ва маънавий хулқ-атворини баҳолашда улчов мезони бўлиб хизмат қилган. Бунинг замирида, инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиши мумкин, деган ғоя ётади.

Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий омилларини “эзгу фикр”, яъни фикрлар софлиги, “эзгу калом”, яъни сўзнинг

1 “Авесто” (Асқар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил, 4-сон, 38-бет.

2 Ҳамиджон Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шухрати. Т., “Ўзбекистон”, 1991, 94-бет.

3 Й.Жумабоев. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. “Ўзбекистон”, Т., 1980, 30-бет.

собитлиги, “эзгу амал”, яъни амалларнинг инсонийлиги, ташкил этади. Зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир киши бутун ҳаёти давомида ана шу уч ахлоқий ақидани қалбига жо қилмоғи зарур. Шундагина унинг қалбига ҳаддан зиёда покиза руҳ мададкор булади.

“Авесто”нинг тадқиқотчиларидан бири - А.О.Маковельскийнинг ёзишича, “эзгу фикр” - ниятнинг яхшилиги, илоҳий қонун руҳидаги ўз яқинларига нисбатан яхшилик қилиш, зарур бўлганида уларга мадад беришга тайёр туриш, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик кўриш руҳидаги уй-фикрлар, барча билан тинч ва тотув яшашга интилиш ва шу кабилардир. Инсон бошқаларга нисбатан бахиллик қилмаслиги лозим. Эзгу фикрлар эгаси жаҳолатга тушмайди, чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унутади, уйламай иш қилади...”¹

Демак, зардуштийлик таълимотига кўра, яхши тушунча, яхши фикр, эзгу ният, латиф суз - яхши ишнинг мужассамлиги, дейилганда, фақирларга меҳрибонлик, инсонпарварлик, кишига иснод келтирадиган ишлардан - бировга ҳасад қилишдан, уғрилик, талончилик, ўзгалар молини ўзлаштиришдан, зинога берилишдан, бировнинг дилини оғритишдан, ҳайвонларни, айниқса, яхши, наслдор итларни улдиришдан узини тийиш ва берган сузининг устидан чиқиш, лафзига содиқ қолиш, савдо-сотик ва битимларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш ва ҳоказо иллатлар тушинилган. Шунингдек, “Авесто”да иймонли ва диёнатли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, ёвузликни қоралаётган пайтда тананинг тоза бўлиши, шайтон-иблисларга қарши ҳаракат қилиш, гуноҳ қилмаслик ҳақида гапирилади, Аҳура-Маздага қилинадиган илтижо ва таваллоларга доир дуолар келтирилади. Масалан, гуноҳдан фориг ва имонли бўлиш учун шундай дуо ўқилиши керак: “Эй, оламнинг ҳукмдори Аҳура-Мазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга суз бераман, ҳар қандай ёмон ниятлардан, ҳар қандай ёмон сузлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан кечаман; мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмоқчи бўлган, қила

¹А.О.Маковельский. Авесто. Издательство АН Азербайджанской ССР. Баку, 1960, с.100.

бошлаган ва қилган ҳамма ноҳуя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман, қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунё-ю бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим!”¹.

Зардуштийлик, ахлоқий таълимотда қайд қилинишича, оламдаги ёвузлик ва ёмонликлар одамларнинг имонсиз ва диёнатсизлигидан келиб чиқади, уларни бартараф этиш - одамзоднинг истиқболдаги вазифаси булиб, имонли ва диёнатли кишилар буларни бартараф этишда фаоллик кўрсатгусидир.

“Авесто”да болаларнинг соғлом-бардам усишида атроф-муҳитнинг покизалиги, жамоат жойлари ва эр-хотин ҳамда болаларнинг шахсий гигиенаси махсус қайд қилинган. Масалан, “Вандидод”нинг 3, 9, 10, 16, 17-бобларида кишиларнинг руҳан пок булиш билан бир қаторда тана озодалигига эътибор беришлари, айниқса, юз-қулларни ва бошни кунда бир неча марта ювиб туришлари, сочни тараш ва тишни тоза тутиш, тирноқларни тез-тез олиб туришлари, мудом бадан тарбияси билан шуғулланишларининг амалий моҳиятига дахлдор мулоҳазалар юритилган ва фойдали маслаҳатлар берилган. “Ҳар бир зардуштий, деб ёзади Фозила Сулаймонова, — кунига беш марта ювиниб, покланиб, Қуёшни олқишлаб унга сифиниши шарт булган”². “Авесто”даги Қуёшга эътиқод, ўз навбатида, муқаддас оловга эҳтиромни туғдирган. Шу боис, Қуёш - покизалик, тириклик, олов эса тозалик, озодалик эканлиги ҳақидаги зардуштийлик фалсафасида теран мазмун, бетакрор ухшатиш, тенги йўқ ҳақиқат мавжуд.

“Авесто”да экологик тарбия масалаларига, яъни табиатни, ер, сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъозлашга, ерни ишлатиб, сугориб, боғ-роғ, экинзор қилишга, чорвани, айниқса, йилқичиликни ривожлантиришга, сувни муқаддас тутишга алоҳида эътибор берилган.

Экология қонунларида 4 та нарса: Ер, олов, сув ва ҳавони ифлослантириш қаттиқ гуноҳ, деб қайта-қайта эслатилади.

¹А.О.Маковельский. Авесто. Издательство АН Азербайджанской ССР. Баку, 1960, с.100.

²Ф.Сулаймонова. Зардуштийлик ва Иония фалсафаси. “Адабий мерос”, 1989 йил, 4 (50)-сон, 9-10 бетлар.

“Авесто”да бу турт унсури ифлослантирган кимсаларга нисбатан огир жазо ҳам белгиланган. Муқаддас китоб угитларига риоя этмай, шундай гуноҳни содир қилганларга 400 қамчи уриш жазоси белгилаб қуйилган. Энг бақувват одам ҳам бу жазонинг охиригача дош бера олмаслигини уйласак, табиатга нописанд муносабатда бўлган кимса бошига тушган қисмат айни кезде улим жазоси билан тенглиги маълум булади”¹. Шунингдек, куча эшиги ёнига алат туплаб қуйган хонадон соҳибига жамоа оқсоқолининг ҳукми билан 25 қамчи, ҳовуз ёки чашмадан нопок куза ё челақда сув олган шахсга 5 қамчи урилган. Анҳор ва ариқ буйларида мол боқишга, отларни боғлашга рухсат этилмаган: қудуқ ва ҳовуз сувларини ифлос қилганларга қатта жарима солинган. Бундан ташқари, ичимлик сув манбалари соҳилига мевали дарахт утказмаслик ҳам одамларнинг хусусан, ёш авлод соғлигини сақлаш, ҳар хил касалликларнинг олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланган.

Маълумки, зардуштийлик таълимотида, тупроқ ҳолатини бузмаслик учун майит ерга кумилмасдан, махсус ажратилган тепаликда унинг суякларини остодонларда дафн этиш расм бўлган. Қабристонлар аҳоли яшайдиган жойдан йироқда - баландликда, ариқ, ҳовуз, сув, ҳавзаларидан анча узоқда барпо этилган. Хоразмга ўхшаган захкаш юртларда эса жасад махсус даҳмаларга кафанга ураб қуйилиб остодонларда кумилган. Мурдани сақлаш, унинг либосларини, ётган жойини қатрон қилиш, ювиш қоидалари, мурдашўй гигиенасининг қоидаларига “Вандидод”да алоҳида эътибор берилиб қайд этилганки, бу марҳум аъзосидаги касалликларнинг айниқса, ёшларга юқмаслигининг олдини олиш чора-тадбирларидан келиб чиққан амалий ҳулосалардир.

Шундай қилиб, муқаддас “Авесто” китоби ёш авлодга, “инсон бутун умри давомида Ер, Олов, Сув ва Ҳавони, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир”², деб таълим беради. Зардуштийлик таълимотидаги инсон ўзи ўсиб улғайган замин (ватан)ни севса, ардоқласа, атроф-муҳитни тоза сақлашни узининг ватанпарварлик бурчи, деб тушунмоғи керак, деган ғоялар

¹ Б.Дусочонов. “Авесто” угитлари. “Халқ сузи”, 2000 йил 19 май.

² Авесто. “Санъат”, 1991, 12-бет.

бугунги кунимизга ҳам жуда мос келади. Айниқса, “Авесто”да талқин этилган: “Ҳар бир инсон узи усиб-улгайган заминни энг яхши ва гузал мамлакат, деб ҳисоблайди”, деган гояларнинг ёшларимиз маънавияти ва ҳуқуқий тарбиясидаги аҳамияти ҳозирги кунда ҳам жуда муҳимдир.

“АВЕСТО”НИНГ ТАРИХИЙ-МАЪРИФИЙ ВА АДАБИЙ ҚИЙМАТИ

Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо булган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз куҳна Хоразм заминида “Авесто” пайдо булган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.

Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса узликни англаш мумкин эмас.

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ислом КАРИМОВ

“Авесто” нафақат диний китоб, шунингдек, у Турон (Марказий Осиё), шарқий Эрон, шимолий Ҳиндистон, Озарбайжон ва бошқа минтақалардаги зардуштийлик динига эътиқод қилган халқларнинг энг қадимги даврлардаги тарихи, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти, давлат ва қонунчилик тизими, табиати ва уни билиш ҳақидаги тасавурлари, урф-одатлари, тили, ёзуви, бадиий маданияти ва диний қарашларини урганишда асосий манба ҳамдир.

“Авесто”га кирган материаллар авестошуносларнинг фикрига қараганда, икки минг йилликлар давридаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни ўз ичига олади. У фақат муқаддас диний китоб булибгина қолмай, шу билан бирга, тарихий асар ҳамдир.

“Авесто”, мазмуни ва моҳияти, яратилиш даври ва зардуштийлик динининг илк макони каби масалаларни таҳлил этишда, фанда уч даврга, уч қисмга булиб урганилган. Биринчи давр (биринчи қисм) энг қадимий булиб, бу милоддан аввалги уч мингинчи йилларнинг охири “Яшта” давридир. Бу даврда ҳали синфий жамият булмаган, ҳаётда қабилачилик, кўп худолик тасавурлари акс этган.

Иккинчи давр, (иккинчи қисм) - “Тоҳлар” даври деб аталади. Бунда Олий тангри Аҳура-Мазда ҳақидаги таълимот кенг тарқалган булиб, милоддан аввалги VI асрда яратилган

“Гоҳлар” Зардушт ижодига мансуб, деб таҳлил қилинади, Учинчи давр (учинчи қисм) қадимги кўпхудоликлардан кейинги якка худоликка ўтган даврга, яъни маздакийлик таълимоти даврига тўғри келади. Бу даврни “Олтин давр” деб атаганлар. Тарихнинг олтин даврида ҳамма тенг бўлган, табиат эҳсонларидан ҳамма бирдай фойдаланган. Одамлар бир-бирига фақат яхшилик ва эзгуликни раво қурганлар. Кейинроқ олтин давр тугаб, яхшилик (Аҳура-Мазда) билан ёмонлик (Аҳриман) уртасидаги кураш даври бошланади. Яна яхшилик - Аҳура-Мазда одамларга ёрдамга келиб, ёмонлик - Аҳриман устидан галаба қозониб, бахтли ҳаёт салтанати ҳукм суради. Бу “Авесто”да Аҳура-Мазда яратган баркамоллик ва тартибнинг муштарақлиги сифатида талқин этилади:

“Буюк уйғонишлар ва тараққиёт йулида эришиладиган балоғатларга содиқ қолайлик. Аҳура-Маздага ухшаган, ўз халқига хайрихоҳ одил тузумга мос яхшиликлар қиладиган бўлайлик. Бизнинг ниятларимиз ҳақиқий донолик истиқомат қиладиган манзилларга интилсин. Комиллик таркиб топгач, бузғунчилик кирдикорлари кунпаякун бўлмай. Кимки ўз ҳаёт йулида яхши ном ва виждон билан юрган бўлса, тезда Аҳура-Мазда порсолари билан Олий Тангри даргоҳида учрашмай (“Ясна” - 30).

Зардуштнинг диний ислоҳоти моҳиятини тушуниш учун ўша даврда, қадимги Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг тарихи, ижтимоий аҳволи ва сиёсий вазиятини эътиборга олиш керак. Маълумки, Зардушт яшаган даврда ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, синфий муносабатлар қарор топаётганлиги сабабли савдо-сотикнинг кучайиши бу ердаги сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, чорвачиликнинг, шунингдек, темирчилик, мисгарлик, ҳунармандчилик ва овчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айни чоғда Зардушт бу ҳудуддаги халқларни синфий жиҳатдан бирлаштиришга ва кучли марказлашган давлат тузишга, тинч меҳнат билан шуғулланиш имконини яратиш учун “кўп-худолик” эътиқодларига барҳам бериб, якка худоликка, яъни зардуштийлик динининг асосий ақидаларига сиғинишга чақирган.

Зардуштнинг диний ислоҳотлари мафкуравий жиҳатдан ҳам, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам Олий Тангри Аҳура-

Маздага сигиниш ва унинг душманлари ҳисобланмиш собиқ қабила худолари - асураларга ва девларга ҳамда ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхура-Мануга қарши кескин кураш билан боғлиқдир. Бу динда, босқинчилик, уруш, талончилик, ноҳақликка нисбатан норозилик, тинч тотув меҳнат қилиш гузал ҳаёт орзуси - Ҳақиқат, Қудрат, Тинчлик, Давлат тантанаси билан боғлиқ ижтимоий ғоялар уз ифодасини топган:

“О, Мазда, қачон бизга яхши ҳаёт ва яйловлар ҳада этувчи Ҳақиқат ва Куч-қудрат билан биргаликда Тинчлик келади? Ким бизни малъун қонхўрларнинг панжасидан қутқаради?

Ҳаом, сенга дуолар бўлсин, ким бу уйда, бу қишлоқда, бу масканда бўлса, бизнинг қабиламизни, танамизни ҳақорат қилса, унинг оёқлари дармонини ол, онгини хиралаштир, ақлини ноқис қил. Оёғига дармон кирмасин, қули кучга тўлмасин, кўзлари ер кўрмасин, кўзлари табиатдан қувонмасин?”¹

Куриниб турибдики, Зардуштнинг ижтимоий-сиёсий идеали кучли марказлашган ҳокимият тузиш, ҳар қандай адолатсизлик, жаҳолат ва ҳуқуқсизликка қарши курашишдан иборатдир. Бу зардуштийлик ғояларидан, кейинчалик янги дин яратмоқчи бўлган Моний ҳамда Маздак Исломга қарши курашда кенг фойдаланганлар. Бу таълимотдан насоролар дини ҳам баҳра олган. Нишопур яқинидаги Ҳавфо улкасида Беҳофарид, Мовароуннаҳрда Муқанна Исломга қарши кураш бошлаб, Маздак таълимоти орқали зардуштийлик эътиқодини қабул қилган эдилар. Бунинг боиси шуки, зардуштийлик таълимотида жамиятда одамларнинг тинч яшashi, бир-бирига яхши муносабатда бўлиши ва ёрдам бериши мақталиб талқин этилган, шафқатсизлик, зўравонлик, шуҳратпарастлик, туҳмат ва ҳасадгўйлик ҳамда ваъдага вафосизлик қораланган.

Хуллас, юқорида таъкидлаб утганимиздек, зардуштийликнинг асосий ғоялари Ахура-Мазда билан Анхура-Ману, зиё ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги курашларга боғлаб талқин этилган. Зардуштнинг ахлоқ ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик, тинчлик, бунёдкорлик, покизалик,

¹Авесто (Аскар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил 5-сон, 43-44 бетлар.

ростгуйлик ва меҳнатсеварлик, адолат ва ҳалоллик, яхшилик ва эзгуликни асосий ўринга қўйилиши инсоният тарихида буюк маънавий мерос сифатида беназир аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, “Авесто”ни диққат билан ўқирканмиз, биз Зардушт пайғамбарнинг уз ҳаёти ҳақида, унинг замондошлари ва рақиблари ҳақида, шунингдек, у тарғиб қилган зардуштийлик дини рамзи - Қуёш ҳамда зардуштийлик таълимотига сиғинган мамлакатларнинг давлат тузилиши, давлат рамзи - байроқ ва Семург - Хумо куши ҳақида куп нарсаларни билиб оламиз. “Авесто”да Семург - хумо қушининг эзгулиги, гузаллиги ва кудрати тасвирланган. Семург - хумо одамларни қанотига ўтқазиб, уларни кулфатдан халос этади, шафқатсиз рақиблардан қутқаради, у фақат олижаноб ва инсонпарвар кишиларга ёрдам беради.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида семург патларининг сеҳрли кучи билан Рустамни ҳалокатдан сақлаб қолганлиги, Шарқ шеърятининг мумтози Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарида семург барча қушларнинг подшоси тимсолида, Алишер Навоийнинг машҳур “Лисон ут-тайр” фалсафий достонида семург халоскор куч, олижаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида тасвирланади.

“Авесто”дан юқорида келтирилган тарихий далилларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидаги “Семург” рамзи мазмунининг чуқурлигида, халқимизнинг эркинлик, тинчлик, эзгулик ва бахт-саодат тугрисидаги орзу-умидлари акс этганлигини кўрамиз.

Айниқса, “Авесто”нинг 5-яшт “Ардвисур-яшт”идаги 48-49 бандларда акс этган Зардуштнинг қадимги Чоч (Шош) атрофидаги “Чайчаста” (Чочистон тоғларига яқин) қулига келиб, той, сигир, қўйларни қурбонликка берганлиги ва Олий Тангри Аҳура-Маздадан узига омад, зардуштийлик ақидалари тарғиботини янада кучайтириш учун куч-қувват беришни, душманларидан ҳамиша ғолиб келишни, улоқ - пойгада ҳамиша аввалин булишни, девларни доимо жиловлаб туришни илтижо этган мурожаатлари қимматлидир.

Унга ибодат қил, о Спитома...
Сунг қурбонлик келтирди унга
Ориё, Хаосрав мамлакатларин

Бирлаштира билган чин қахрамон.
Чукур сувли Чайчаста қулин
Ёнида юз тою мингта сигирин
Ва ундан куп қуйларни бахшида этди...

“Авесто”ни “Яшт”ларидаги ута қимматли бу тарихий маълумотларда уша даврда Чоч (Тошкент, Бекобод, Сирдарё) атрофида ҳам сувлар муқаддас, айнулҳаёт деб билинган экан ва Зардушт пайғабарнинг ўзи ҳам бизнинг аجدодларимиз яшаган жаннат маконга келиб, Қуёшга сажда қилиб, Олий Тангри Аҳура-Маздага той, сигир ва қуйларни қурбонлик қилиб кетаркан. Қолаверса, бу даврларда модари заминимизда инсонийлик фазилатлари, маънавий маданият ҳам юксак экан. - Ер юзидаги қатор қитъаларда одамлар қурбонликка берилаётган паллаларда, зардуштийлик динига эътиқод қилган, қайси қавмга мансуб бўлишидан қатъи назар инсонни улугълай билган бизнинг буюк аجدодларимиз инсонни эмас, молларни қурбонликка суйганлар...

“Авесто”даги “Яшт” (муножот, улугълаш)ларни урганиш жараёнида биз тадқиқ қилаётган муаммо билан боғлиқ яна бир муҳим тарихий масалани адолатли равишда куриб чиқишимизга туғри келади. Маълумки, биз бундан бир неча йил аввал Тошкентнинг 2000 йиллигини, Самарқанд - Афросиёбнинг ҳамда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини нишонлашда ута адолатсизликка йул қуймадикмикан? Ахир, “Авесто”даги маълумотларга кура, туронликларнинг подшоҳи Франхрасян - Афросиёб бўлиб, у Сиёваршон - Сиёвушни улдиртирган экан. Шу уринда “Авесто”даги Сиёваршон ва “Шоҳнома”да тасвирланган Сиёвуш ҳақидаги тарихий воқеалар тафсилотига қисқача тухталиб утишимизга туғри келади. Маълумки, Сиёвуш - Эрон афсонавий шоҳлари иккинчи сулоласи - Каёнийларнинг иккинчи подшоси Кайковуснинг (“Авесто”да Ковус) ўгли. У Кайковус аскарлари Турон чегараси урмонларидан топиб олган гузал бир қиздан тугилади. Сиёвушнинг онаси уни туға туриб оламдан куз юмади. Сиёвуш улғаяди, узининг хушбичимлиги ва беқиёс гузаллиги билан ҳаммани мафтун этади, угай онасининг ҳайвоний ҳирсини рад этгани учун ноҳақ айбланган Сиёвуш ўт синовидан ўтгач, ўз номусини қайтадан тиклайди ҳамда

Туронга юриш қилади. Уруш тамом булгандан кейин Сиёвуш Турон подшоси Афросиёб ҳузурига боради ва унинг қизига уйланади. Қайноғасидан совға сифатида Турон ерларининг бир қисмини олиб, бу жойда Кенгдиз ёки Кончи - Сиёвуш номли ҳашаматли қаср қурдиради. Лекин яна тухматга учраб, Афросиёб юборган қотиллар томонидан улдирилади. Унинг угли Кайхисрав ("Авесто"да Ковохисрав) хиёнатчи бобосини тор-мор келтириб, "Орийлар ерлари"ни бирлаштиради ва Хоразмшохлар сулоласига асос солади (Хоразм давлатчилигига асос солиниши м.а. XIII асрга тўғри келади). Сиёвуш сурати милоддан олдинги I асрдан то милодий VIII асргача Хоразмда ишланган тангаларда учрайди.

Дарвоқе, X асрда Бухоро тарихини ёзган Муҳаммад Норшахийнинг хабар беришича, Сиёвуш воқеалари юз берган пайтга уч минг йил булган. Наршахийнинг яшаб ижод этганига ҳам қарийб минг йилча буляпти. Демак, Сиёвушнинг шаҳид бўлганига ҳам тўрт минг йилча булиб қоляпти, бинобарин, давлат рамзи - байроқнинг ибтидоси ҳам, "Авесто"нинг яратилгани ҳам мана шу ёшга тенг эмасмикан?!..

Келинг, яхшиси яна "Авесто"нинг 14-яшт - "Баҳром-яшт"нинг 48-бандидаги давлат рамзи - байроқ ибтидосига қайтайлик.

Деди Аҳура-Мазда:
Худо берган Баҳромга
Қачон сажда қилсалар,
Ҳаммасидан афзалроқ,
Ибодат ла, қурбон-ла
Ҳаққа хизмат этсалар.
Мамлакат орийсига
Аскар ҳамла этолмас.
Душманлик аён этиб.
На жароҳат, на вабо,
На ганим аробаси,
На кутарган байроги
Тажовузлар қилолмас...¹

¹Б. Насриддинов. Мозийга пайванд қадрият. "Маърифат", 1992 йил 8 август.

Бу мисраларни уқиб, қадимий Туроннинг қудратли подшоҳи Баҳром ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурганлиги, мамлакатга бало-қазолар йўламай, одамлар шоҳни дуо қилиб яшаганлиги, душман узининг жанг аробасида байроғини тантанавор хилпиратиб келиб тажовуз қилишга юраги бетлай олмаганлиги тўғрисида тасаввурга эга буламиз.

Шундай қилиб, бутун башарият тарихида, унинг маънавияти ва маънавий ҳаётида, диний эътиқодида зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг тарихий-маърифий аҳамияти беқиёсдир. Узоқ тарихий даврлардан буён қадимги Хоразм, Эрон, шимолий Ҳиндистон, Озарбайжон ва бошқа улкаларда яшаган халқларнинг бир-биридан айиргувчи белгиларидан кура муштарак хусусияти ва умумиятлари купроқ булган замонлардан мерос қолган муқаддас “Авесто”нинг яратилиши ва шаклланишини фақат биргина тарихий шахс Сипийтмон Зардуштнинг номи билан боғлаб булмайди. У узоқ тарихий даврларнинг маҳсули, дейиш ҳақиқатга яқинроқдир.

Олимларнинг қайд этишича, “Авесто” матни узоқ асрлар давомида қадимги Хоразм, Эрон, шимолий Ҳиндистон, Озарбайжон ҳудудида яшаган халқлар томонидан оғзаки тарзда яратилиб, қоҳинлар хотираларида сақланиб, кейинчалик милоддан аввалги III асрларда юнон ёзуви билан Парфия ёзувининг ислоҳ қилинган шаклида сугд ва бақтрия тилига яқин тилда ёзилган. Бу “Авесто” ёзуви деб тарихга кирган. Замонамизгача етиб келган “Авесто” қисмлари милоднинг II-VII асрларида таҳрир қилинган “Авесто” боблари “паҳлавий” - урта форс алифбоси асосида 48 та белги ёзудан иборатдир. “Авесто” урта Форс тилидан “Апастак” ёки “Асос” деб таржима қилинади.

Назаримизда, Марказий Осиё ҳудудида яшаган қабилалар дини, маънавияти ва маданияти, тилини ўрганувчи мутахассислар, қолаверса, умуман тилшунос олимлар “Авесто”да келтирилган айрим сўз ва иборалар, атамаларнинг маъноларини фонетик жиҳатдан изчил тадқиқ қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки ўзбек тилининг луғат бойлигида, келиб чиқишига кура қадимги “Авесто” тилига мансуб булган сўзларнинг куп қўлланиши ҳам тасодифий эмас. Чунончи,

“Авесто” тилида “гау” сузи “говмиш сигир” ёки “буқа” маъноларини билдиради.

“Авесто”даги “тану” (бадан) сузини ўзбеклар “тан”, “тана” тарзида ишлатадилар. Киши исми “Авесто”да “нама”, дейилган. Ўзбеклар эса ҳозир ҳам шахс отини “ном” деб атайдилар.

“Авесто”да қўлланилган “нар” ўзбек тилидаги “нар” ва “нор” сузлари “эр киши”, “эркак” маъноларини англатади.

“Авесто”даги “аурвант” сузи ўзбек тилида “қаҳрамон”, “шижоаткор”, “жасур” маъноларини англатувчи сак тилидаги “арвант”, “Авесто” тилидаги “аурвант” сузларининг асосий компоненти “ар” элементи эканлиги тилшунос бўлмаган кишига ҳам аён бўлиб турибди.

“Авесто” матнларида қайд қилинган “аршан” сузи ҳам “эркак киши” маъносини билдиради. Қадимшуносларнинг аниқлашларича, “арша” лексемаси “Авесто”да қўлланилган “аршан” сузининг саклар тилидаги маънодош фонетик вариантидир.

Буларнинг барчаси “ар” сузи қадим замонларданоқ “жасур”, “шижоатли”, “қурқмас”, “ботир”, “қаҳраман”, “эркак киши” маъноларида қўлланилган дея хулоса чиқаришимизга асос бўла олади. Бу суз ҳозир ҳам ўзбек тилининг айрим шеваларида худди шу маънода ишлатилади. Хусусан, “ар” фонетик варианты Хоразм шеvasи туркман тилида мавжудлиги маълум.

Маълумки, Зардушт уз таълимотини шеърий қушиқларда ифодалаб, уларни “Гоҳлар” деб атаган. “Авесто”нинг “Ясна” бўлими таркибида Зардуштнинг 17 та “Гоҳ”и бизга етиб келган. Бу шеърий асарлар “Авесто”нинг энг қадимий, изоҳланиши мураккаб қисми ҳисобланади.

Авестошунос Н.Маллаев ва Ҳ.Ҳомидовнинг фикрича, “Авесто”даги Зардушт ижодига мансуб шеърларнинг барчаси бармоқ вазидаги шеъриятга жуда яқин бўлиб, купинча, 8-9, баъзан 11-12 ҳижоли мисралардан ташкил топган. Мадҳиялардаги деярли барча ҳолатда якка тангри Аҳура-Маздани “икки жаҳоннинг яратувчиси ва асрагувчиси” сифатида ранг-баранг тасвирий воситалар, номлар (тангрининг номи 106 та) орқали таъриф-тавсиф этиш, Яздонга содиқлик, фидоийлик изҳор қилиш асарнинг етакчи ғоясидир. Баъзан хитоб, мурожаат, савол-жавоб усулларида ҳам фойдаланил-

ганки, бу ҳол фикрларнинг тингловчига, уқувчига тушунарли булишини таъминлаган. Ҳар бир мадҳия муайян мазмун қурилишига, ибтидо ва интиҳога эга бўлган ўзига хос асар ҳисобланади. Бу мадҳия ва қасидаларда яратувчи худо мадҳи билан бирга инсон руҳий кечинмаларининг ранг-баранг қирралари нафис тасвирланган, ажодларимизнинг ҳаёт, коинот, илоҳиёт, вафо, сидқ, ишқ, фарз, ризо ва уларнинг адоси хусусидаги мулоҳазалари кенг ифодаланилган, ростлик, поклик, яхши амал ва яхши хулқ тарғиб этилган. Энг муҳими, бизнинг шеъриятимиз кўҳна тарихга эга эканлигини, ибодат адабиёти бизда анча бурун пайдо бўлганини “Авесто”даги шеърлар тасдиқлаб турибди¹.

Зардушт шеърларидаги, инсон уз фикри, сузи ва иши билан гузалдир, деган асосий гоёнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гузаллигини белгилайди. Суз, Зардушт наздида, яхши фикр ва эзгу амал ифодасидир. Шунинг учун овознинг ширалиги ва майинлиги, шеърларни чиройли ўқий билиш ва дуолар тиловатида меъёрни сақлай олиш ҳар бир зардуштийнинг эстетик маданиятининг белгиси ҳисобланган. “Ясна”да ёзилганидек, Зардушт тугилган заҳоти, шеърӣй дуоларни тўрт марта тўхтаб-тўхтаб, ҳар гал овозини баландроқ кутариб ўқиган.

Демак, Зардушт уз таълимотида инсон овозига хос бўлган эстетик таъсир этиш қувватидан дуоларни ўқиш ва одамлар руҳиятига кириб боришда усталик билан фойдаланган. “Авесто”да ер, сув ва ҳосилдорлик илоҳаси Ардвисура - Анаҳитага кўплаб мадҳиялар бағишланган. Масалан, Ардвисура-Анаҳита образи шундай таърифланади:

У падарлик нуфтасини яратгувчидир,
Шу яратгай оламда бор аёл жинсини,
Тўғруқ учун волидалиқ бағр - оғушин.
Тулғоқ дардин осон айлар аёл зотининг
Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тулдирар
Она сийнасин.
Қутлуг қадам улуг зотдир у, ки беҳудуд
Узунлиги тенг куррайи замин оралаб

¹Ҳомиджон Ҳамидов. “Авесто” ва адабиёт. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1999 йил 9 июл.

Оққан барча дарёларга, барча сувларга,
 Ҳунариё чуққисидан улоқиб, баҳри
 Варкушага етгувчи чунг уктам қиз эрур.
 Варкушанинг қирғоқлари қайғуда қолур;
 Кукрагида қупгай ваҳм ичра тўлқинлар,
 Қачон уларнинг сориға,
 Қачон улар жонибига елиб келгай
 Ардвисура - Анаҳита...
 Ардвисура-Анаҳита
 Оқиб борди унга томон.
 Бир парируй тимсолида,
 Сарв қомат ва шамшодваш,
 Камарбаста ва шоиста,
 Бошмоқлари тупиққача ярқираган,
 Тиллодандир шокиласи.



Анаҳита доимо яхши кийинган,
 зебу зийнатга бурканган, қадди-
 қомати келишган, инсоннинг
 назокатини, куркини ифодаловчи,
 қаҳрамонларга куч-қувват, муваф-
 фақият бахш этувчи, олтин камарини
 баланд тангиган пок ниятли гузал қиз
 сиймосида намоён булади. Шу тариқа
 Ардвисура - Анаҳита жаҳон полвон-
 ларига хос келбат ва салобат билан
 яратувчи Аҳура-Мазда ҳузуридан
 келмоқда. Оппоқ ва бақувват билак-
 ларию буйинларидаги тақинчоқлар
 кўзни қамаштиради. Манман деган
 баҳодирларни менсимайдиган ул
 нозанин гоятда оқила ва андиша-
 лидир. Ардвисура-Анаҳита яхшилик
 ҳимоячиси тимсоли сифатида гав-
 даланади:

Ардвисура - Анаҳита -
 ер, сув ва мул ҳосил
 маъбудаси.

Қулларида барсман унинг биш меъёрда,
Балдоқлари ярақлаган, -
Турт қиррали,
Олтин суви юргизилган.
Шафқатпеша Ардвисура-Анаҳита
Гарданига чирмашгандир
Гузал шода.
У қоматин таранг тутар,
Буртиб чиқсин учун сулим сийналари
Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа
Узи томон.

* * *

Пешонасин зебо этмиш
Ардвисура - Анаҳита
Жозибали гардиш билан,
Юз тусдаги ранглар уни безатмишдир,
Тилло суви юргизилган,
Уртасида гузал ҳалқа;
Моҳирона яратилган¹.

“Авесто”да Ардвисура-Анаҳитадан кейин иккинчи уринда Қуёш илоҳи Митра берилган. Унда Митра баҳодир, душманга қарши курашувчи жасур йигит, утда куймас, сувда чукмас, жанг майдонида ўқ ўтмас қаҳрамон қилиб тасвирланади:

Эпчиллардан эпчилроқ Митра,
Аҳли сахо ичида мумтоз,
Довюраклар ичида шердил,
Жасурлардан жасоратлироқ,
Яшнатадир, гуркиратадир,
Тукинликлар яратгувчидир,
Қуркам ҳаёт айлади инъом
Ҳақиқатга ҳокимликни ҳам...

¹Авесто (Асқар Маҳкам таржимаси), “Гулистон”, 1999 йил 5-сон, 44-45-бетлар.

Шу тариқа Митра ер билан кукда кезиб юриб ёвузлик ва ёмонлик илоҳи Аҳриман билан курашади. Булутлар устида олов занжир (чақмоқ) отиб, Аҳриманни қувиб юборади. Бу жасорат қуйидагича тасвирланади: “Биз қушинни жангга тайёрлайдиган, жангчиларни йигадиған, қушинни мослаб саф торттирадиған, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга кирадиған, ҳаммадан кучли, қудратли йулбошчига сажда қиламиз...”

Митра аравада туриб, суяқдан моҳирлик билан ясалған, буқа тасмасидан таранг қилиб тортилған ёйидан мингларча ўқ узади. Унинг ўқлари фикрдай тез учади, тезлик билан девлар бошига бориб ёғилади...

Митра ўзининг ялтироқ гурзисини кутариб юради, у гурзи юз нишли, юз балдоқли булиб, тез келиб урилади, душманларни парчалайди. У ҳаммадан кучли қуроли булиб, ялтироқ темирдан ясалған ва сиртига олтин қопланған. Бу жуда бақувват залвар қуролни - ҳар қандай ёвни яксон қилишга қодир қуролни у даст кутаради...”¹

“Авесто”даги Митра ҳақида битилған шеърини парчаларни диққат билан ўқилса, у ихчам дostonни эслатади. Чунки унда Митра ўзининг икки жуфт отли аравада, мусаллаҳ ҳолда гоҳ эл-юртни бало-қазолардан, ганимлардан ҳимоя қилиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатади, гоҳ инсониятга офат келтирадиған Аҳриманни маҳв этади.

Ва бу аравани элтадир
Тўртта оппоқ ва абжир тулпор.
Бари боқий, учқур арғумоқ,
Олд туёғи тилло уларнинг,
Орт туёғи кумуш уларнинг,
Ва ягона буйинтуруққа
Боғлангандир тўртгалови ҳам,
Мустаҳкамдир, покдир шотиси,
Илгаклидир ва чидамлидир².

¹ Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. “Ўқитувчи”, Т., 1976, 43-44 бетлар.

²Авесто (Аскар Маҳкам таржимаси). “Гулистон”, 1999 йил 5-сон, 46-бет.

Амударёдан топилган милоддан аввалги V-IV асрларга тегишли Окс бойлиги хазинасидан урин олган “Олтин аравадагилар” ҳайкали тасвирида юқоридаги сатрларнинг ҳақиқат эканлигини яққол кўраимиз. Унда туртта отга қўшилган аравача устидаги иккита одам сиймоси олтин ҳайкалча тарзида ишланган. Олтин ҳайкалчада рамзий образлар маъноси аниқ шакллар орқали ҳаётий гавдаланган. Бу аравача андозаси (моделли)да Қуёш илоҳи Митранинг улугвор, олижаноб ва ёрқин образи тасвирланади. Унинг қиёфасида абадиёт туйғуси билан йўғрилган улугворлик кайфияти мужассамлашган.

Митранинг ёрдамчилари ҳам унинг ўзи каби қудратли паҳлавонлардир. Шулардан бири Аҳура-Мазда томонидан яратилган тунғиз қиёфасидаги Вертрагнадир: “Биз Митрага сажда қиламиз. Унинг олдида Вертрагна югуриб боради. У келишган гавдали, уткир тишли, ҳар қандай жониворни бир тишлашда гўмдон қиладиган озиқ тишли тунғиз, жуда ҳайбатли, бақувват, гоят шўх, ҳужумдан тоймайдиган, чопогон, темир оёқли, темир думли, темир жағли тунғиздир. У дадиллик билан югуради, душманларни тилка-пора қилади, йўқ қилади...”¹

Маълумки, “Авесто”да талқин этилган “пайрика”, яъни “афсунгар” образи ёвуз куч сифатида тасвирланади. Бунга сабаб, унинг Аҳура-Ману (Аҳриман) томонидан яратилганлигидир. “Яшт”нинг саккизинчи булимида айтилишича, оқ от қиёфасида намоён булвчи Тиштриянинг вазифаларидан бири - кечаси само ёритқичларига ҳамла қиладиган аёлсифат ёвуз махлуқ - пайрикаларга қарши курашиш. Тиштриянинг мардонавор зарбасига дош беролмаган пайрикалар бамисоли замин билан осмон оралигида учаётган юлдузлардек тукиладилар. Пайрикаларга қарши курашувчи эзгу тангрилардан бири - Митрадир. У қуёш ботгач, “зулмат қаъридан бош кутармоқчи булган пайрикаларни маҳв этади” (“Яшт”, X-боб, 26-банд).

Пайрикалар эзгу кучларнинг, ёруғлик ва ҳаёт тимсолларининг душмани сифатида тасвирланган. Улар Аҳриманнинг ёвуз ибтидолари жам булган зулмат оламига мансубдирлар. “Авесто”да бу ҳақда шундай дейилади:

¹Н.Малласв. Узбек адабиети тарихи. “Уқитувчи”, Т., 1976, 44-бет.

“Аҳриман, жанг қилаётганларга ёрдам берсин деб, қора ибтидодан яратилган жуда кўп пайрикаларни ҳам жонлантирди. Улар осмону фалакда чарх уриб айланаётган сайёралар теварагида бемалол юриш, исталган томонга қайрила олиш ва ҳаракат қилиш унгай бўлсин учун само ёриткичлари қуринишига кирадилар. Шу тариқа сайёраларга эврилган пайрикалар кичикроқ руҳларни ўз домига тортишар, бошқаларга гўё нур таратгандай бўлиб қуриниб, аслида уларни дарду аламга ва ўлимга маҳкум этардилар”¹.

“Авесто”да тасвирланишича, пайрикалар турли жониворлар қиёфасига ҳам кира олар эканлар. Масалан, пайрикалардан бири ит суратида бўлиб, ўрмонда яшармиш. Агар уни учратган киши қилич билан ҳамла қилиб, итни иккига бўлиб ташласа, унинг жасадидан яна иккита кучук пайдо бўлармиш². Умуман, “Авесто”да пайрикаларнинг соҳибжамол аёл ва жонзот (ит, каламуш каби) қуринишида бўлиши қайд қилинган.

“Авесто”да тасвирланган пайрика (афсунгар) образига хос асосий белгилар қуйидагилардан иборат: а) ёвузлик оламига мансублик; б) инсон қуринишида; в) “жонзот қиёфасида намоён бўлиши; г) ҳусн-жамолда беназирлик; д) эзгулик олами вакилларига қарши қурашиш; е) сеҳр-жоду қудратига эгалик; ж) девлар билан алоқадорлик.

“Авесто”да пайрика (афсунгар) образи “сеҳргарлар” ва “девлар” билан ёнма-ён қулланиши ҳам қизиқарлидир. “Яшт” китобининг Ардвисура - Анаҳитага бағишланган “Ардвисур яшт” деб аталган қисмида пари (афсунгар) ва сеҳргар образлари билан алоқадор лавҳа мавжуд. Аҳура-Мазданинг курсатмасига биноан, Зардуштнинг “девлар душмани”, “эзгулик ҳомийси” бўлмиш Ардвисура - Анаҳита шарафига қурбонлик қилишни урф қилганлиги шундай тасвирланади:

Унга қурбонлик келтирди Ҳушийанҳа Парадата³
Улкан Хоро⁴ чўққисида-

¹ Б.А.Литвинский. Семантика древних верований и обрядов памирцев. Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. М., 1981, с.95.

² Мифы народов мира. Т., 2, с.286.

³ Ҳушийанҳа-Парадата - илк афсонавий қонуншунос шоҳлардан.

⁴ Хоро - худолар маскани бўлган муқаддас тоғ.

Юз от; мингта новвос, ун минг куй
 Ва суради Ардвисура - Анаҳитадан:
 “Бахшида қил шундай омад сен,
 О қудратли, шафқатпеша Ардвисура,
 Ки мен ҳоким булайин мутлақ
 Барча кишварларнинг устадан,
 барча девлар ҳамда инсонлар,
 сеҳргарлар ва афсунгарлар,
 Қавийлик ва қорاپонийлик,
 Хукмдорлар устларидан ҳам,
 Кунпаякун айлайн учдан
 Икки қисмин Мозон девларин,
 Друж¹, Варна² малайларини”³.

Бу шеърӣ мисралардан кўриниб турибдики, дастлабки афсонавий подшоҳлардан бири Ҳушийанҳа - Парадатанин мурожаатида “сеҳргарлар ва афсунгар (пари)лар” икки мустақил образ сифатида берилмоқда. Юқоридаги мурожаат анъанавӣ шаклда булиб, “Ардвисур-Яшт”да бир неча марта такрорланган; унда пари (афсунгар) образи дев, сеҳргар, қоропон сингари ёвузликка хизмат қилувчи образлар сирасига киритилган.

Шундай қилиб, Зардушт шеърларидан иборат “Гоҳлар” ва “Яшт”даги Ардвисура-Анаҳита, Митра ва бошқа тимсоллар ҳақидаги шеърӣ парчаларни изчиллик билан ўқиб унинг адабий аҳамияти ҳақида фикр юритилса, уларда халқ оғзаки ижодига хослик, муболага, ухшатиш, сифатлаш каби бадиий санъатлардан жуда ҳам уринли фойдаланилганлигини кураимиз. Биз қадимги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ шеърӣятимиз, оғзаки ижодимиз хусусида, айниқса, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ва Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сидаги анъанавӣ тимсоллар ҳақида фикр юритганимизда бевосита “Авесто”га қайта-қайта мурожаат қилишимиз лозим.

1 Друж - ёлгончилик шайтони.

2 Варна - Аҳура-Мазда яратган ун туртинчи мамлакат, Трётонлар юрти.

3 Авесто (Аскар Маҳкам таржимаси). “Санъат”, 1991 йил, 4-сон, 19-бет.

4 О.Қаюмов. Пари образининг генезисига доир мулоҳазалар. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1998 йил, 4-сон, 42-43-бетлар.

“АВЕСТО”ДАГИ АСОТИРЛАР ЁХУД ШУ ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИК АСОСИДА ЯРАТИЛГАН АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

Маълумки, “Авесто”да Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқларнинг энг қадимги асотирларида Ахура-Мазда (Хурмузд, Ормузд), Анхура-Ману(Аҳриман), Зардушт, Митра, Ардвисура-Анахита, Оша, Қаюмарс (Гава Марта), Жамшид (Йима), Афросиёб (Франхрасян), Сиёвуш (Сиёваршон), Эликбек, Гершапс, Пашанг, Аршасп, Виса, Варахна, Пирон, Гураз, Горазм, Агрирес сингари унлаб тимсоллар “Яшт”лар, “Гоҳ”лар ҳамда “Вендидод”да куп зикр этилади, улар фаолияти билан боғлиқ, айрим афсона ва ривоятлар келтирилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “Авесто”даги айни асотирлар ёхуд шу қадимги ёдгорликдаги тимсоллар асосида халқимиз томонидан юзлаб афсоналар, ривоятлар ва нақллар яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қаюмарс афсонаси. Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар уртасида энг қадимий даврлардан бошлаб машҳур бўлган афсоналардан бири Қаюмарс афсонасининг асосий манбаларидан бири “Авесто”дир. Шунингдек, бу афсонанинг муфассал баёни Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир Табарийнинг “Тарихи Табарий” асарида ҳам берилган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Қаюмарс афсонасига бир боб бағишланган. Қаюмарс афсонасининг қисқача тафсилоти Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам мавжуд.

Абу Райҳон Беруний “Ал-осор-ул боқия ан-ал-ҳорун-ул-ҳолия” (“Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар”) асарида Қаюмарс афсонасининг айрим вариантлари қисқача мазмунини шундай баён қилади:

Аҳриманнинг ёмон қилмишларидан худо ҳайратда қолади, унинг пешонасидан тер чиқади. Терни артиб ташлаганда тер донасидан Қаюмарс туғилади. Худо Қаюмарсни Аҳриман ёнига жунатади. Қаюмарс Аҳриман ёнига келиб унинг елкасига миниб олади ва шу ҳолда дунёни айлана бошлайди. Ниҳоят, Аҳриман бир ҳийла билан Қаюмарсни елкасидан улоқтириб ташлайди ва энди ўзи унинг устига миниб олиб уни еяжagini айтади. Сени қайси томонингдан

бошлаб еяйин, деб сурайди Аҳриман. Оёқ томонидан, деб жавоб беради Қаюмарс, токим дунё гузаллигидан узоқроқ, баҳра олиб турайин. Аммо Қаюмарс Аҳриманнинг у айтган гапнинг тескарисини қилишини билар эди. Аҳриман Қаюмарсни боши томонидан ея бошлайди. Белига етганда Қаюмарснинг уругдонидан икки дон ерга тушади. Улардан усимлик усиб чиқади. Уша усимликлардан бир угил, бир қиз (Меша ва Мешона) пайдо булади. Уларни форслар Одам ва Момоҳаво деб биладилар. Уларни яна Малхи ва Малхиана деб ҳам атаганлар. Хоразмликлар эса Мард ва Мардона деб атайдилар...

Беруний бу афсонани Абул-Ҳасан Азархур деган ҳандаса (геометрия) буйича етук олимдан эшитганини ёзади. Яна Берунийнинг ёзишича, шоир Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад-Балхий узининг “Шоҳлар китоби” асарида бу афсонанинг куйидаги бошқа вариантини келтирган:

Қаюмарс жаннатда уч минг йил бўлди сунг ерга тушди. Ерда яна уч минг йил тинч ва осойишта яшади. У тоғ этагида яшар, лақаби Гиршоҳ эди. У шундай чиройли булганки, курган ҳар бир жонзот беҳуш йиқилар эди. Аҳриманнинг Ҳарур отли угли бор эди. Қаюмарс уни улдиради. Аҳриман худога Қаюмарсдан шикоят қилади. Худо Аҳриман билан булган келишувга биноан, Қаюмарсни куп азоб-уқубатларга дучор қилади, сунг улдиради. Истаҳр шаҳрининг яқинидаги Домдод тоғига Қаюмарснинг ичидан икки томчи тушади. Уша томчилардан усимлик усиб чиқади, улардан инсон танаси юзага келади ва улар одамга айланади. Ана шу одамлар Меша ва Мешонадир. Улар емай-ичмай беш юз йил яшайдилар. Ниҳоят, Аҳриман қари чол қиёфасида уларнинг ёнига келади ва узи олиб келган мевалардан ебқуришни маслаҳат беради. узи бир мевани еб ёш йигитчага айланади. Улар ҳам ейдилар. Шунда уларда ҳирсий ҳавас уйғониб бир-бирларига етишадилар. Улардан бола тугилади. Меша ва Мешона қурқиб кетиб болани еб қуядилар. Аммо уларнинг юрагида ачиниш пайдо булади. Кейинчалик улардан яна еттита бола тугилади. Еттинчиси эгизак булиб, номлари Сиёман ва Фаровон булади. Уларнинг боласи Ушанж эди...

Берунийнинг баён қилишича, бу ҳикоятни айтган кишилар уни “Авесто”дан олган эканлар.

Қаюмарс тарихини Беруний бундай талқин қилади: “Агар биринчи подшоҳ Қаюмарсдан бошланган эрса, ундан то Искандар давригача булган форс подшоҳларининг ҳукмронлик қилган даври уч минг уч юз эллик тўрт йил чиқади. Агар Берунийнинг инсоният ҳаёти даврларини гоят синчиклаб тадқиқ этганини эътиборга оладиган булсак, Искандар даврида Қаюмарс афсонасига алоқадор булган муҳитгача булган даврга асос қилиб шу рақамни қабул қилиш мумкин. Демак, бу афсона Искандардан олдинги тўрт минг йилликка алоқадор булиб чиқади.

Қаюмарс афсонасини мавжуд вариантлари ичида Табарийнинг “Тарихи Табарий” асаридаги баёни асосли ва муҳимдир.

Табарийнинг ҳикоя қилишича, Қаюмарс адолатли, кўп жойларни обод этган подшоҳдир. Қаюмарснинг Пушанг отли уғли булган. У Дамованд тоғларида юрган. Унинг душманлари - дев ва жинслар Пушанг саждага бош эккан вақтда устига тоғни қулатиб улдирадилар. Бундай фожиадан ҳамма гафлатда қолади. Аммо Қаюмарснинг кўнглига қаттиқ гашлик ва қайғу чуқади. У углини яна бир бор кўриш иштиёқи билан тоғ сари йўл олади. Уғли одатдагидек унинг истиқболига чиқмайди. Қаюмарснинг кўнгли баттар қоронғилашади. Шунда бир қушнинг қаттиқ ноласини эшитади. Қушга яқинлашса, у яна нарироққа чекиниб нола қилишда давом этаверади. Қаюмарс шу йўсинда Дамованд тоғи устига етганда углининг жасадига дуч келади. Қушнинг ноласи шум хабар эканини англайди. Қаюмарс Дамованд тоғи устида кўп йиғлайди. У углининг жасадини нима қилишини билмайди. Шунда унинг куз олдида бир чуқур чоҳ пайдо булади. Қаюмарс углининг жонсиз танасини ювиб уша чоҳга қуяди. Чуқурнинг ёнига эса олов ёқади. Олов бу чуқур ёнига девларни яқин йўлатмас эди. Уша оловнинг дуди ҳамон тоғ устида қуришиб турар эмиш.

Бир кеча тушида бир чол Қаюмарсга углингни фалон жойдаги девлар улдиришган, деб айтади. Қаюмарс уйғониб шуқур қилади, уғлига тортиқ қилиб олиб келган нарсаларини унга ҳамиша ҳамроқ булган қушларга сочади ва чоҳ бошидан кетади.

Қаюмарс яна бошқа гоят бақувват, уқтам фарзандлар кўради. Уларнинг ичидан бирини бошқаларига бошлиқ қилиб

тайёрлайди. Сунг уларга, биродарингизни девлар улдирган, мен улар олдига бораман, токи улар бошқа фарзандларимга тегишга журъат этолмасинлар, дейди. Уғиллари бирга боришмоқчи булишади, лекин шоҳ йул қуймайди ва узи девлар томон отланади. У йулда кетаётганида бир оқ хурозни куради. Хуроз йул бошида туриб чақирар эди. Сал нарироқда эса бир макиённи илон ураб олган. Хуроз қичқириб илонга ташланиб, улдиришга чоғланар эди. Бу ҳолат Қаюмарсга хуш келади. Ҳамонки, уз жуфтини қутқаришга ҳаракат қилар экан, демак, бу жониворнинг таъби одамзод таъбига ухшайди, дейди Қаюмарс. У бир тош билан илонни уриб улдиради ва хуроз билан макиённи олиб фарзандларига келтиради. Буларни асранг, деб буюради. Шундан сунг Ажам элида товуклар ҳамма одамлар хонадонида пайдо булиб улар бор уйга девлар яқин йуламас эмиш, Хурознинг қичқириши яхшилик фоли ҳисобланади. Аммо хурознинг кечки вақтдаги чақириси яхшиликни билдирмайди. Чунки бир куни уша оқ хуроз кечқурун чақирди. Одамлар ҳайрон булишди, қарашса Қаюмарс улган экан. Шунинг учун хурознинг кечки пайт чақириси ёмонлик фоли ҳисобланади ва бевақт чақирган хурозни суйиш лозимдир. Айтишларича, Қаюмарс вафот этган жой Балх шаҳридир. Балх шаҳрини Қаюмарс узи бино этган. Қаюмарс атроф ерлардаги девлар ва париларни енгиб қайтиб, яна куп жойларни обод этган. Шу ерларга анча одам йигилиб урнашгач, Қаюмарс уларни уз тасарруфига уюштириб узи подшоҳ булган экан.

Қаюмарс одиллик билан ҳукмронлик қилган. Камтарона ҳаёт кечирган. Одамларга уй-жой бино қилишни, матодан кийим-бош тикиб кийишни ҳам у ургатган. Қаюмарс 70 йил яшагандан сунг вафот этган. Шундан сунг ҳокимият тепасига Шуханг чиққан.

Шундай қилиб, Беруний ва Табарий келтирган вариантлардаги Қаюмарс - Гавомард туғрисидаги афсоналарнинг бир-биридан фарқли эканини куздан кечирдик. Вариантлар бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, уларни бирлаштирувчи гоё ягонадир. Бу эзгулик ва ёвузлик уртасидаги муттасил курашда эзгулик ва яхшиликнинг ғалабасига ишонч гоёсидир.

Жамшид-Йима туғрисидаги афсона. Жамшид - Йима туғрисидаги афсонанинг баёни “Авесто”да келтирилган.

Шунингдек, Берунийнинг “Ал-асор-ул-боқия ан-ал-қарун-ул-ҳолия” (“Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар”), Табарийнинг “Тарихи Табарий”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарларида Жамшид - Йима туғрисида анча муфассал баён этилган.

Беруний Жамшиднинг жуда кўп ҳайрли ишларини ва Навруз байрамини тайин этганини юксак баҳолайди. Аммо Жамшиднинг улими сабабини сўзламаса-да, Биварасифни Жамшиднинг қотили сифатида эслаб ўтади. Яна у Биварасифнинг елкасидан чиққан илонлар кишиларнинг мияси билан озикланганлиги туғрисидаги афсонани ҳам келтиради.

Табарий Жамшидни дастлаб қурол ясаган кишидир деб таърифлайди. У яна одамларга ипак матоларни бўяшни, дарёдан гавҳарлар топиб чиқишни ўргатган. Уларни турли ранглар, хушбўй нарсалар-уд, мушк, кофурлардан баҳраланишга одат қиддирган, шаҳарлараро йўллар қурдириб улар ўртасида алоқалар ўрнатган. Жамшид одамларни тўрт гуруҳга бўлиб чиққан. Бу гуруҳлар олимлар, ҳарбийлар (лашқар), деҳқонлар ва ҳунармандлардан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бирига фақат ўз иши билан шуғулланишни буюрган. У тахтга ўтирганда ҳар доим олимлар билан бирга бўлган, уларнинг маслаҳати билан иш қўрган.

Табарий Жамшиднинг кейинчалик Иблис макрига учраганлигини алоҳида қайд этиб, унинг хато фикрга келишига ва ҳалокатига шу Иблиснинг макри сабаб бўлган, дейди.

Фирдавсий “Шоҳнома”да Жамшид ҳукмронлигининг етти юз йил давом этганини қайд қилади. Шоир бу давр орасида Жамшид қилган ҳайрли ишларни муфассал баён этиб, барча яхшиликлар амалга ошган, давлат ва адолат барқарор, халойиқ бахтиёр, ҳамма шод ва ҳуррам яшар эди, деб тасвирлайди:

“Унинг даврида жаҳонда тинчлик барқарор, шодмон эди,
Худодан унга янги-янги хабарлар келиб турарди.

Шу тарзда рўзгор утар эди,

Подшоҳдан ҳамма фақат яхшилик қўрар эди”.

Бироқ бир куни Жамшид барча одамларни йиғади-да, такабсурлик қилиб, уларга бундай дейди:

“Жаҳонда ҳунар мендан бошланди,
Шоҳлик тахти мендек номдорни кўрмаган.
Жаҳонни мен яхшилик билан безадим,
Мен қандай хоҳлаган бўлсам шундай дунё пайдо бўлди”.

Сунгра у узини зардуштийликнинг Олий Тангриси
Аҳура-Мазда билан тенглаштиради, бутун борлиқнинг
яратувчисиман, деб даъво қилади:

“Сизларнинг танингиздаги ҳуш ва жон менадир,
Кимки мени тополмаса Аҳримандир.
Ҳамма нарсани мен яратганман, билингиз,
Мени дунёни яратувчи, деб тан олингиз”.

Бу қутилмаган хитобга жавобан ҳеч ким ҳеч нарса
деёлмай жим қолади. Халойик уртасида ғала-ғовур бошланади.
Ҳамма ҳар ёққа тарқалади. Шоҳнинг атрофидаги кишилар
турли томонга ёйилиб кетадилар. Узини худо деб фараз этган
подшоҳ шу тарзда улимга юз тутади...

Алишер Навоийнинг ёзишича, Жамшид “Ҳусну жамолда
дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди, гаройиб ихтиролар
қилди”. Қурол ясаш, қалқон қилиш ундан бошланган.
Жамшид ҳаммом бино этган, тўқув ашёларини, ранг
ишлатишни бунёд қилган. Истаҳр шаҳрини кенгайтирган,
Чил минор деган ғоят муҳташам бир иморат қурган. ўша
иморатда Жамшид тахтга утирган кун Наврўз деб аталган.
Унинг “Муфрит Жоҳ ва ғурури, ва азим давлат такабури
димоғига фосид хаёл солиб оламни уз ибодатига амр қилиб
уз сурати билан бутлаб ясаб, ақолим ва кишварларга юбориб,
элга узини: «парастинин буюрди”. Сунгра унга қарши чиққан
Заҳҳок Жамшидни тутиб, “арра билан икки булиб, жисмин
пора-пора қилди”.

Алишер Навоий Жамшид ҳалокатининг сабаби унинг
ҳаддидан ошиб кетгани, узини худо деб эълон қилгани,
манманлиги, узига беҳад бино қўйиб юборганлиги туфайли
келиб чиққанини кўрсатади:

Чу Жамшид тахт узра тутти мақом,
Димоғига йўл топди савдойи хом.

Ани қилди ҳақ амри айлаб ситез,
Сиёсат қиличи била рез-рез¹.

Хуллас, Жамшид афсонасида тасвирланган унинг эзгулик ва яхшилик ишлари ҳам, мудҳиш жинояти ҳам, манманлигу кибру ҳавога берилиши оқибатида фожиона тақдири ҳам барча авлодлар учун абадий ибрат булиб қолди.

Гершасп афсонаси. “Авесто”даги ёрқин образлардан бири Гершасп туғрисида шундай ҳикоя қилинади:

Бир аждар кишиларга кўп бахтсизликлар келтиради, қабиланинг ҳаёти хавф остида қолади. Халққа қиргин, юртга офат келтираётган аждарга қарши баҳодир Гершасп жангга отланади ва аждарнинг масканига йўл олади. Гершасп аждарни қидириб юриб, бир қулонни овлаб, кабоб қилиб пишираётганида уз тагидан наъра тортиб, баҳайбат махлуқ туради. Лекин Гершасп ваҳимага ва саросимага тушмабди. У бу маҳобатли ва даҳшатли махлуққа қарши жанг бошлабди, 40 газли қиличи билан уни нимталаб, кишиларни ҳалокатдан қутқарибди².

Эликбек афсонаси. Қадимги афсоналардан бирида Эликбек ҳам ёвузлик кучларига қарши мардонавор курашиб, кишиларни жинлар ҳалокатидан қутқарувчи баҳодир сифатида тасвирланади:

Жинлар Эликбекнинг қабиладошларидан кўп кишини кириб ташлайди. Жасур Эликбек уз эл-юртини жинлардан қутқариб қолиш учун уларга қарши жангга отланади. У бир чорраҳада сон-саноксиз жинларга дуч келади, улар кишиларни бурдалаб, қонини сўриб, ичак-чавоқларини баданларига ўраб олган эканлар. Эликбекни курган жинлар ваҳимали шовқин-сурон кутариб, унга-ёпирилиб кела бошлайдилар. Бироқ Эликбек қўрқмайди, йўлбарсдек жангга кириб, жинларга қарата бундай дейди: “Ой, яклар, таркин манга сўзланглар. Маник Болиқимтўқи будунуг нагалук ўлурсизлар?! Бу манинг ети қиличимни кўрунглар. Атуз унгарини бичиб унги-унги қамшайин” (Эй жинлар, менга бот сўзлангиз, менинг шаҳримдаги элни нега ўлдирасизлар?! Менинг бу уткир қиличимни кўринг. Таналарингизни парчалаб-парчалаб бошқа-

¹Ўзбек адабиёти тарихи. I жилд, Т., 1978, 25-32-бетлар.

²Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1976, 46-бет.

бошқа томонга ташлайди). Жинлар яна ваҳимали шовқин-сурон кутариб, қурол ва ҳийла ишлатиб Эликбекни маҳв қилмоқчи буладилар. Бироқ Эликбекка бас келолмайдилар. Эликбек куч-қуввати ва шижоати билан уларга даҳшат солади. Жинлар энди ёлворишга мажбур буладилар. Жинларни енгган Эликбек шаҳарнинг жануб томонида бир азим толнинг қавагида яшовчи уч қўзли, олов тусли Ракшош ("Авесто"да тасвирланган дев булиши эҳтимол)нинг эл-юртга юқумли касаллик тарқатаётганини эшитиб, унга қарши жангга жунайди ва галабага эришади.

Хубби афсонаси. "Авесто"да тасвирланган сувларнинг ҳукмрони Харвататга ухшаш образ. У Хоразм ровоятларидан бирида кишиларни бало-қазолардан қутқарувчи афсонавий қаҳрамон сифатида таърифланади:

Жуда қадим замонларда, Фаридун ва ҳатто Жамшид замонасидан ҳам бурун, Амударёда Хубби деган бир йигит булган экан. У бир қўли билан балиқ тутар, иккинчи қўли билан уни Қуёшга тутиб турар ва балиқ бир зумда дудланиб пишар экан. Хубби шу хилда балиқ еб, Амударёда 700 йил яшабди, дарёни қуриқлабди, бирон ёмон руҳ, ҳаттоки чивин ҳам дарёга яқин йулашга ботинолмабди. Халқ сувга маъмур булиб, шод-хуррам яшабди. Бироқ Жамшид замонасига келиб, Хубби гойиб булибди. Кишилар, уни осмон сувларининг ҳукмрони булган қиз угирлаб кетган, деб фараз қилибдилар. Хубби гойиб булгандан кейин Амударёга унинг онаси келибди. У биринчи булиб қайиқ ясабди, кишиларни қайиқда сузиш, балиқ овлашга ва душманга қарши сувда жанг қилишга ургатибди. Бироқ кунлардан бир кун Хуббининг онаси ҳам гойиб булибди. Лекин кишилар уз ҳомийлари - Хубби ва унинг онасини унутмабдилар. Улар қайиқларда Хуббининг онаси қиёфасини тасвирлабдилар..."¹

Ичон қалъадаги оловхона тўғрисида афсона. Ўзбек халқининг севимли шоири, ёзувчиси ва драматурги Эркин Самандар бир ривоятни ҳикоя қилади:

... Ер юзида Хива қад ростлагач, унда барпо этилган ҳужраларнинг биринчиси кароматгуй бобонинг кулбаси булди. Бобо жуссаси ҳайбатли, оппоқ сочи елкасига тушган, соқоли куксини қоплаган, бошдан то оёқ оқ кийингувчи

¹Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1976, 46-бет.

эдилар. Эртага буладиган ҳодисаларни бугун айтиб берардилар, кароматлари ҳаддан зиёда, эди.

Бир одатлари шу эдики, оловни хуш курадилар. Учогида туну кун олов ёниб тургувчи эди. Йирик-йирик чуғларининг устига енгил кул тортиб, учмас қилиб, узлари утин тергани қумга чиқиб кетардилар. Утиннинг шоҳи саксовул деб, шундан бошқасига қарамас эдилар. Саксовулдан хуш ҳидлар таралганидан ташқари, унинг чуғи вақтга бардошли, тафти тундан- тунга етиб борарди.

Қалъа аҳлининг тенг ярми ўз учогига чуғни Бободан олгувчи эди. Тонг саҳардан Бобонинг кулбасига одамлар оқиб келаверар, учоқдаги лахча чуғлардан юзлари қизарган Бобога ҳурмат бажо этиб, тузидан тотиб, утидан олиб кетишаверарди. У мозийдан шундай ғаройиб суйлардики, ундан нафақат одамлар, балки учоқда ёниб тугаётган саксовул ҳам тафт олиб, қайта чуғланар эди.

Оловхона халқнинг зиёратгоҳига айланганини кўриб шоҳ, унинг ёнида Арк кўрди.

Йиллар кетидан йиллар утиб, не-не ҳукмдорлар тахтга минмади, бари шу Арқда, Бобо оловхонаси пойида макон тутди. Кароматгўй бобонинг урнида унинг авлодлари олов ёқиб, муқаддас маскан доврўғини оламга таратдилар. Тилларда у Оқ шайх бобо оловхонаси номи билан машҳур.

Ичон қалъа девори билан битта қилиб қурилган тўрт қаватли зиёратгоҳнинг биринчи қавати ернинг остида, унга йигирма икки пиллапояни босиб тушилади, торгина битта эшигидан булак на дераза, на туйнути бор, зим-зиё хонани фақат доимо ёниб тургувчи олов ёритади. Унинг устида Оқ шайх бобонинг истиқомат хужраси, қолган икки қавати очиқ айвон тарзида қалъа девори устида тикланган. Ундан шаҳар гўшаларида ивирсиган чумолини-да кўрса булур.

Айтадиларки, ушбу оловхонанинг чуғи Зардуштнинг айнан ўз оловидан олинганмиш. Шу ҳам аёнки, Зардуштта ҳақ суз айтмоқ учун Эзгулик илоҳи Аҳура-Мазда Хоразмга келган ва “Авесто” энг қадимий заминлардан бири булмиш шу муқаддас тупроқда, Амударё соҳилида битилган.

Хоразмнинг қон томири ҳисобланмиш Амударё ҳақида “Авесто”да (5-яшт) бундай мисралар бор:

“У, Зардушт, Сен унга -
Жушқину улкан
Ва шифобахш Амуга
Таъзим бажо эт!”

Ҳа, сержало утмишимиз кошонаси, буюк давлатчилигимиз қасрининг лойи шу қадим замин тупроғидан олинган. Амударё сувига қорилиб, ҳеч учмайдиган муқаддас оловда пиштилган...¹

Новқат шаҳри афсонаси. Қашқадарё вилояти улкани урганиш музейи директори, драматург Соли Пулатовнинг нақл қилишича:

Косон туманидаги Новқат шаҳри ҳақида унлаб афсоналар борки, улар арабларнинг “Минг бир кеча” сини беихтиёр эсга солади. Ҳайратомуз бир афсона Александр Мақдуний (Искандар Зулқарнайн) билан боғлиқ.

Афсонада нақл қилинишича, жаҳонгир улкан ва обод Марв (Туркменистон ҳудудида) шаҳрини олгач, шитоб билан Новқат шаҳрига етиб келади. Унинг мақсади қудратли шаҳар бойлигига эга бўлиш эди. Аммо шаҳар дарвозалари ёпиқ, жон зоти кўринмасди. “Майли, кеч тушди, тонг саҳаргача суворийларимга дам берай, эрталаб шаҳар дарвозалари очилмаса, кули кукка соврилади”, деб узига тасалли беради Искандар. Шу дақиқаларда Новқат шаҳри ҳокими ибодатхона коҳини билан шаҳар ва халқ тақдири ҳақида гамгин ҳолатда сузлашиб утирар эдилар. Коҳин шу кеча мўъжиза юз бериши, жаҳонгир аскарлари шаҳарга кирмай қайтиб кетишини башорат қилади. Новқат ҳокими бунга ишонқирамай очиқроқ сузлашни сурайди.

Коҳин узининг тоат-ибодати, илтижоси ёруғлик тангриси Аҳура-Маздага ижобат булгани ва бу мўъжиза қандай содир бўлишини ҳокимга сузлайди ҳамда охирида мўъжиза сири аён булгач, икковларини яшин уришини айтади. Ҳоким уз фуқороси учун жонини фидо қилиш шараф эканлигини сузлайди. Шу пайтда яшин чақнаб атроф ёришади, яшиндан коҳин улади. Ҳоким эса жаҳонгирга мўъжиза ҳақида сузламоқ учун унинг қароргоҳига йул олади.

¹Эркин Самандар. Миср эҳромларидан қариоқ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993 йил 25 сентябр.

Жаҳонгир шаҳар ҳокимини совуқ қарши олиб нега дарвозаларни очмаганлиги сабабини суради ва: “Омад доим бизга ёрлиги ҳақида наҳот эшитмаган булсанг?” - дейди. Ҳоким унга шаҳарни олиш қийин эмаслиги, шаҳарга, аҳолига омонлик ваъда қилинса, муъжиза қурсатишини билдиради.

Жаҳонгир унинг сузига ишонмайди. Наҳотки шер тулкига, тоғ эчкиси бургутга айланиб қолса деб, уни улимга буюрмоқчи булади.

“Улимдан қурқмоқ, номардлар иши, аммо муъжизадан юз угирсанг умр буйи пушаймон бўлиб дунёдан утасан”, дейди ҳоким ишонч билан. Жаҳонгир ҳокимнинг қайсарлигидан ҳайратга тушиб, унинг сузига ишонади. Ҳоким уни қуриқчилари билан бирга шаҳардаги абадий олов ёниб турувчи ибодатхона томон бошлайди.

Еруғлик худоси Аҳура-Мазданинг қудрати билан ибодатхонада муъжиза юз бериши олдиндан ижобат булган эди. Улар ибодатхона эшигидан кенг залга кирадилар. Жаҳонгир залга қадам қўйганда димоғига муаттар гулларнинг ҳиди урилади, бу хонанинг деворларига гузал қизлар расми шундай моҳирона чизилган эдики, улар худди тирикдек эдилар. Ҳумор боқувчи кузлар, лабда майин табассум, атрофдан сирли шарпалар саси келар, жаҳонгир севган мусиқа асбобларидан қуй таралар, аммо ижрочиси қуринмасди.

Ҳоким уни олтиндан ясалган эшиқдан ичкарига бошлаб киради. Жаҳонгирнинг кузи гузалликда ягона, тим қора сочлари латиф қоматини ёпиб турган қизга тушади. Жаҳонгир лол қолади. “Бу гузаллик маъбудаси Афродитадан ҳам куҳли экан” д. 5 пичирлайди. Шу пайт ногаҳон ул малакнинг нозик оёқ панжалари остидан олов чиқиб бир зумда қизнинг вужудини эгаллайди, аммо олов латиф сиймони куйдирмас, у табассум ила боқиб турарди. Шунда малакнинг кузларидан нигоҳли олов учқуни чиқади ва жаҳонгир яшин ургандек ерга йиқилади. Улар жаҳонгирни кутариб оҳиста оташхонадан чиқадилар. Бир оздан сунг у узига келади.

Бу муъжиза уни батамом лол қолдирган, у таърифга сизмас, суз билан ифодалаш қийин булган воқеанинг гувоҳи булган эди. Жаҳонгир аёнларига “Қурдиларингизми бу синоатни” деди. Аммо уларнинг ҳеч қандай муъжизанинг шоҳиди булмаганликларини эшитгач яна ҳайрону лол қолади

ва аёнларига ҳоким билан холи қолдиришларини амр қилади. Узоқ жимликдан сунг ҳоким бу муъжиза олий тангри Ахура-Мазда томонидан нозил булганлигини, агар кимки ушбу муқаддас ибодатхонани бузишга жазм қилса, гузаликка путур етказса, оқибати яхши булмаслигини унга сузлаб беради, Шунда жаҳонгир муъжиза содир булган шаҳарга дахл қилмасликка сүз беради”.

Ҳоким олтин лаганда уч нарсани келтириб унинг олдига қуяди. Унда олтиндан ясалиб, усти ақиқ тошлар билан безатилган типратикан, олтиндан ясалган бақа, қимматбаҳо узук бор эди. Бу мендан совга, дейди ҳоким. Олтин ва ақиқ тошдан ясалган бу типратиканга, бақага боқсанг кунглинг равшан, руҳинг тетиклашади, узукни панжангга тақсанг умрбод навқирон, ёш булиб қолаверасан. Аммо узукни қулинга тақишдан олдин сўзларимга қулоқ солгин. Сен ер юзида ягона, энг гузал, ёш йигит булиб қолаверасан. Лекин кўз унгингда сеvimли угилларинг, невараларинг, санинг жондан севувчи қавми-қариндошларинг казо қилаверадилар, буюк салтанатинг ҳоки туробга юз тутаети. Абадий гам-алам сени тарк этмайди. Танла буларни, аммо сенга аччиқ ҳақиқатни сузлаганим учун айб қилма.

Жаҳонгир уйга толади ва ҳокимга қарата: бу совга шаҳарда қолсин. Менга эса абадий ёшликнинг кераги йуқ. Инсон тақдири худо қулида, тақдиримда нелар ёзилгани, қанча умр кўрмоқлигим фақат унга аёндири”, дейди. Ҳоким жаҳонгирнинг сўзини эшиггач бош эгиб таъзим қилади.

Эрта тонг. Жаҳонгир “Икандар Зулқарнайн от устида уйчанлик билан Новқат шаҳрига қараб турарди. Суворийлар хурсанд, негаки улар салдан кейин шаҳар бойлигига эга буладилар.

“Шаҳарга ким дахл қилса ўлимга маҳкум, - ўлон қилади жоҳонгир. - У мен учун муқаддас. Новқат халқи менинг ҳимоямда булади”.

Жаҳонгирнинг бу ҳукми атрофдагиларни ҳайратга солади. Йиллар утади. Жаҳонгир Искандар Зулқарнайн уз сузига собит қолади, куплаб шаҳарларни уз тасарруфига киритади, аммо Новқат шаҳрига ҳеч ким дахл қилмайди¹.

¹Соли Пулатов. Искандарни дол қолдирган ҳурлиқо. “Ишонч”, 1996 йил 17 декабр.

Ардахива афсонаси. Агар сиз Хивага бориб қолсангиз, бутунлай бошқача дунёга тушиб қолгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Худди “Минг бир кеча” эртакларида таърифланган сеҳрли олам оғушида нафас олаётгандек бўласиз. Ҳис-ҳаяжонингизнинг ута кучли эканлигини сезган хиваликлар сизга Али Маҳрам ҳовлисидаги қудуқни ҳам қуришни тавсия қиладилар. Шу қудуқ шарофати билан Хива шаҳри бунёдга келганлиги ҳақидаги ҳикояни ҳам эшитасиз. Улар Хива “Хевақ” сўздан олинганини, у “қудуқ” маъносини билдиришини, шаҳар номи ҳам айнан шу сўздан олинганини айтиб сизни ишонтиришади. Республикамизнинг таниқли ёзувчиси файласуф олими, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти Тоҳир Каримов ҳикоя қилади:

Ҳар сафар ушбу қудуқни зиёрат қилишга борсам болалик пайтларимда эшитганим афсоналар, ривоятлар гирдобида қолгандай буламан. Шунда қудуқ, мен учун янада сеҳрлироқ ва сирлироқ бўлиб туюлади.

Шу муносабат билан бир воқеани эслаб утиш мақсадга мувофиқдир. 1957-1958 йилларнинг ёз ойларида Амударё сохилларида қовун экиларди. Отам билан кечаси қовунларни тўнғиз, шақал ва бурсуқлардан қуриқлаб, чайлада ётиб қолардик. Отам саводсиз бўлса-да, халқимиз тарихига оид афсона ва ривоятларни кўп билувчи инсон эди. Унинг гурунғидан баҳраманд бўлиш учун, баъзида кишилар чайлада тонг отгунча суҳбат қуришарди. Айниқса, отамнинг яқин суҳбатдоши Снесарин билан қилган мулоқотлари хотирамда муҳрланиб қолган.

Отам Снесарин деб атайдиган бу киши, кейинчалик билсам, машҳур археолог олим С.Толстов томонидан асос солиниб, 30-йилларнинг охирларидан то 80-йилларнинг бошларигача давом этган Хоразм экспедициясининг аъзоси, таниқли этнограф олим Глеб Снесарёв экан. У киши татар лаҳжасида гапирар, лекин гапини лўнда қилиб баён қилишга уста одам эди. Отам унга Ҳоким ота (Сулаймон Боқирғоний) ва Амбар она туғрисида, уларнинг угли Ҳуббининг аранлар билан қилган жанглари туғрисидаги ривоятларни тулқинланиб гапириб берар, Г.Снесарёв эса чироқ ёруғида эшитганларини эринмасдан қоғозга туширарди. Отамдан қанчадан-қанча ривоятлару афсоналарни ёзиб олганлигининг

гувоҳиман. Буларга Гулдурсин, Дақёнус, Султон Вайс Карроний, Шоббоз бобо, Устақуш, Дравахоним, Султон Санжар каби афсоналарни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лекин Снесарёвнинг узи ҳам куп афсона ва ривоятларни билар, уларни илмий мантиқ асосида шарҳлаб берарди. Унинг айтиб берган ривоятларидан бири - Ардахива афсонаси эсимда қолган. У Зардушт таълимоти ва унинг муқаддас китоби "Авесто"га суяниб, Хива сузининг этимологиясини айнан шу афсона билан боғлаб тушунтирган эди.

Унинг айтишича, вақт ҳамма нарсадан устун ва қудратли булиб, бутун оламнинг яратувчиси Эҳтон¹ ҳам унинг олдида ожиз.

Эҳтондан Ормузд ва Аҳримон исмли ўғиллар дунёга келган. Ормузд одамларга барча ишларни, кишиларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган оловдан фойдаланиш, кийим тикиш, балиқ овлаш, экин экиш, уй қуришларни ўргатиб, уларнинг меҳрини қозонган. Шундан кейин одамлар Эҳтонга эмас, балки Ормузд шарафига ибодатхоналар қуриб, уни мадҳ этиб куйлай бошлаганлар. Одамларнинг акаси Ормуздга бўлган садоқати, меҳри, интилишини кўрган Аҳримон унга ҳасад қилган. Натижада акаси Ормуздга нисбатан одамларнинг муҳаббатини қайтариш учун зулмат кучлари булмиш жин, шайтон, алвасти, дев каби қора кучларни яратган. Улар ёрдамида кишиларнинг муҳаббатини узига қаратиш учун кураш олиб борган. Дунё бу икки қарама-қарши кучнинг кураш майдонига айланган. Эзгулик ишлари худоси Ормузд ўз қўл остидаги фаришталар ёрдамида ер юзидаги ҳаётни бошқариб турган. Қадимги Хоразм давлати сарҳадларини самодан кузатиб туриш, зарур бўлса, зудлик билан ёрдам бериш фаришта Ардахивага юклатилган (Снесарёв-уз асарларида бу номнинг бошқача вариантларини ҳам келтиради. Масалан, Ардисвура-Анахита². Лекин олим бу номнинг қадимги тимсоли Ардахива бўлиб шаклланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмаслигини ҳам уқтиради).

¹ Снесарёв "Авесто"даги Қуёш худоси Митранинг ўрнига қадимги мисрликлар тасаввуридаги Қуёш худоси Эҳтон номини ишлатган.

² Ардисвура - Анахита. Ер, сув, ҳосилдорлик ҳомийси, маъбудаси ҳисобланади.

Хоразм хукмдорларининг, хусусан, Хоразмшоҳлар сулоласининг келиб чиқиши илоҳий Хурмузд (Ормузд) авлодига боғланади, деган фикр уларни илоҳийлаштириш учун зарур тарихий эҳтиёждан келиб чиққан, деб қараш уринлидир. Чунки монотеистик (бир худолик) тасаввурлар, энг аввал, абсолют монархия ҳокимиятининг илоҳий эканлигини исботлаш учун зарур эди. Тарихда хукмдорларни илоҳийлаштириш қадимги мисрликларда фиръавнларни, Хитой хукмдорларининг “Осмон угли” сифатида шарафланганини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бир куни Ардахива самодан Хоразм улкасини кузатаётиб, Хоразмшоҳнинг угли шаҳзоданинг ов билан шуғулланаётганини куриб қолади. Ов жараёни бир неча кун давом этади. Шаҳзоданинг бир кийик изидан от чоптириб бораётиб қум устига йиқилганини курган Ардахива шарақлаб кулиб юборади. Ормузд унга “Намунча тугилишга ва улишга маҳкум этилганлар билан қизиқиб қолдинг?” дея танбеҳ беради. Ардахива қизариб, жим бўлиб қолади, Шаҳзодага нима булганини билиш учун, кечаси мушукка айланиб, у ётган чодирга киради. Унинг соғ-саломатлигини, ширин уйқуда эканлини кўриб, тинчланади. Лекин тонг отгунча шаҳзоданинг гузал чеҳрасидан куз узмайди. Ниҳоят, тонгда кукка кутарилиб кетади.

Уша куни у энди бир чиройли кийик қиёфасида шаҳзодага кўринади ва уни эргаштириб, узоқ-узоқлардаги чакалакзорларга олиб боради. Бутанинг орқасига утиб, гузал кизга айланади. Кийикни қувиб келган шаҳзода ниҳоятда гузал кизга дуч келиб, уни севиб қолади. Бу ҳолатдан хабар топган Ормузд ерга бурон юбориб, Ардахивани самога олиб чиқиб кетади. Ардахива Ормузддан ерга уни қайтаришни ва шаҳзода билан бирга яшашларига, одамларга ухшаб ҳаёт кечиришларига рухсат беришни сураб ялиниб-ёлворади. Шунда Ормузд унга: “Одамлар каби яшамоқчи булсанг, абадий умр курмайсан, яъни одамлар қанча умр курса, сен ҳам шунча умр курасан, улганингдан кейин қилган гуноҳ ишларинг учун жазоланасан, жаҳаннам қаърига улоқтирилсан”, дейди ҳамда уни заминга, одамлар орасига юбормасликка ҳаракат қилади. Ардахива: “Эй, буюк Ормузд, сен одамларга оловдан фойдаланишни, овқат пиширишни,

кийим кийишни, уй қуришни, балиқ овлашни ургатдинг. Бу эзгу ишларни узингга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг жисминигина эмас, қалбини ҳам забт этиш учун қилгансан. Хўш, сен узинг одамларнинг бу меҳри учун нима билан жавоб бера олдинг?!” -деб хитоб қилади.

Ормузд: “Одамлар узларининг тирикликлари учун ҳам мендан миннатдор, шу сабабли, ота ўз фарзандини қандай яхши кўрса, мен ҳам одамларни ана шу туйғу билан яхши кўраман”, - деб жавоб қилади. Ардахива Ормузднинг бу гапларига эътироз билдириб, “Агар одамларни ўз фарзандинг янглиг яхши кўришинг рост бўлса, унда айтчи, нега сенга содиқ хизматкорнинг фарзандларингдан бирига бўлган эҳтиросли туйғусини поймол қилишга ҳаракат қилмоқдасан? Ахир менинг шаҳзодага бўлган утли эҳтиросим, сенинг фарзандларингдан бирига ва шундай мукамал гузалликнинг яратувчисига ҳам бўлган чексиз муҳаббатимдан дарак бермайдими?”

Қудратли Ормузд Ардахиванинг шаҳзодага бўлган муҳаббати олдида ночор қолади. Ормузд ўз отасининг “Борлиқда бизга буйсунмайдиган ва бизнинг устимиздан ҳам ўз ҳукмини утказувчи бир нарса бор, у ҳам бўлса Вақтдир”, деган сўзларини эслайди.

Ормузд Ардахиванинг ерда одамлар каби яшашига рухсат беради. Ардахива шаҳзодага тегиб, бахтли турмуш кечири бошлайди. Бунга у Ормузд туфайли эришганлиги учун унинг шарафига ибодатхона қурдиради. Ормузд номини одамлар орасида янада кенгроқ шарафлайди.

Снесарёв баъзи асарларида шаҳзодани Хоразмшоҳ деб ҳам ёзади.

Ардахива ва шаҳзоданинг Ормузд шарафига тоат-ибодат қилишларини, номини улуғлашларини кўрган Аҳриман севишганларнинг орасига нифоқ солишга уринади. Уларнинг Ормуздга бўлган меҳру муҳаббатини поймол қилиш учун бир иблисни кампир қиёфасида шаҳзода қароргоҳига юборади. Кампир Ардахивага энг яқин хизматкор бўлиб ишга киради. Маликанинг ишонган кишисига айланади. Малика фақат унга ишонади, узоқ тунларда фақат унинг суҳбатидан баҳраманд булади. Шунда кампир узининг қора ниятини амалга оширишга киришади. Шаҳзода шикорда бир неча кун қолиб

кетганда, Ардахива эрини соғиниб, юрак дардини кампирга айтади. Ҳийлагар кампир эса “Мана, сен шаҳзодани соғиниб, фироқида куйиб кул булиб утирибсан, у ҳам сени шунчалик соғинишига ишонасанми? Агар шаҳзоданинг муҳаббати ҳам сенинг муҳаббатингчалик булганида эди, у сени ёлғиз ташлаб, шунча кундан бери шикорда юрмаган буларди”, дея унинг кўнглига ваҳм солишга уринади.

Шу қабилдаги гаплар ҳар куни қайтарилса ҳам Ардахиванинг юрагига гулгула туширолмаётганини сезган кампир, узум шарбатини ачитиб, гулу (шароб) тайёрлайди. Маликани оз-оздан май ичишга ургатади. Сунгра кампир яна уша гапларни такрорлайди. Малика қулоқ соладиган, хатто бу гаплар таъсирида майдан яна ҳам кўпроқ сипқорадиган бўлади. Бир куни кампир маликага “Мана, сен шаҳзодани соғиниб, изтироб чекиб утирибсан, у булса қайси бир гузал қизнинг огушида ором олиб ётибди. Ахир эркак кишининг шунча вақтдан бери ёлғизликда яшашига ким ишонарди? Қисқаси, эркак зотининг ҳаммаси бир гур”, дея унинг юрагига тушган гулгулани баттар авж олдиради, рашқ оловини алангалатади.

Шаҳзода шикордан чарчаб қайтади. Гулунинг таъсирида бўлган Ардахива шаҳзода ётган чодирга киради ва уни қилич билан чопиб ташлайди.

Малика қилган ишидан пушаймон бўлиб, кампирга дард-аламини тўкмоқ ниятида уни излайди, аммо тополмайди. Кайфи тарқаб, нима қилиб қўйганини тушунган Ардахива буюк Ормуздга фарёд уриб нола қилади: “Эй, жумлаи жаҳоннинг ҳукмдори, мен сенинг айтганингни қилмасдан, одамлар орасида ҳаёт кечирдим. Одамлар орасида утган етти йил ичида инсон зоти қилмаган даҳшатли гуноҳ ишга қул урдим. Бу қилган гуноҳимни башарти Сен кечирсанг ҳам, ўзимни-ўзим кечиролмайман. Сендан охирги илтимосим шуки, менга заминнинг энг чуқур ерига жойлашган жаҳаннамга йул очиб бер, жисмим ва руҳим уша даҳшатли жаҳаннам оловида мангу куйиб азобда қолсин. Ва бу қилмишим, токи инсоният тирик экан, барчага ибрат булсин.!” Ормузд унинг бу охирги илтимосини ҳам бажариб, ер қаърининг еттинчи қатида жойлашган жаҳаннамдан Ардахива тиз чуққан ерга қараб йул очиб берибди. Ардахива олдида қудуқ пайдо бўлиб,

унинг оғзидан жаҳаннам алангаси отилиб чиқибди. Ардахива охирги марта буюк Ормузд шарафига ибодат қилиб, сунг узини қудуққа отибди. Олов бироздан кейин пасайиб учибди. Лекин қудуқ тубидан ниҳоятда тотли, шифобахш сув чиқа бошлабди. Кейинчалик бу қудуқ атрофида карвонсаройлар қурилибди, боғлар яратилибди. Одамлар уни “Ардахива қудуғи” деб атай бошлабдилар. Қудуқ, атрофида бунёд бўлган шаҳар эса аввал “Ардахива”, кейинчалик “арда” сўзини тушириб қолдириб, Хива деб юритила бошлабди.

Умуман, бундай ҳолат - сузларнинг қисмлари тушириб қолдирилиши тилимизда кўп учрайди.

Мазкур афсонавий образ Зардушт таълимоти билан боғлиқлигини эътиборга олсак, Хива шаҳрининг ёшини ҳозирги белгиланган сана билан чеклаб қўйишни мантиқан тўғри деб ҳисоблаш ҳам шубҳалидир. Чунки бу ривоятларда Хоразмда милоддан олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган кўп худоликдан (полетеизм) яқка худолик (монетеизм)га ўтиш даври ҳақида ҳикоя қилинади. Зардушт таълимоти, асосан, уша даврда шакллана бошлаган (Митра) диний таълимотнинг систематик баёни эканлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, у вақтда Хива шаҳрининг ёши энг қамида яна олти-етти асрга улғаяди.

Умуман олганда, бирон-бир шаҳарнинг ёши аниқланганда, унга айнан шу шаҳар жойлашган ўлканинг тарихидан ажратиб қарамаслик керак. Негаки, айнан шу шаҳарнинг ёши уша шаҳар жойлашган ўлкада маданий қатлам (цивилизация)нинг бошланиш нуқтаси деб қаралади. Бошқача айтганда, мазкур ўлкада тарихий даврнинг бошланиши ҳам шу шаҳарнинг ёши билан улчанади. Бу борада Абу Райҳон Беруний узининг “Осор-ул воқея” асарида Хоразм давлатчилигининг бошланишини милоддан олдинги 1292 йилга боғлайди. С.Толстов “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” китобида Беруний курсатган бу санага шубҳа билан қараган эди. Кейинги илмий изланишлар, хусусан, мустақилликдан кейинги тадқиқот ишларидан маълум бўлмоқдаки, Хоразмдаги баъзи шаҳар қолдиқларини обдон текшириб қурилганда (масалан, Эллиққалъа тумани худудидаги “Қизил қалъа” шаҳри қолдиқларини), шаҳарсозлик маданияти милоддан олдинги XII-XI асрларга бориб тақалади. Археологларнинг

маълумотларига мувофиқ, Қизил қалъа Хоразмнинг иккинчи пойтахтидир.

Хоразмнинг биринчи пойтахти қачон ва қаерга қурилганлиги эса ҳозирча номаълум. Бундай илмий далиллар Хоразм илмий экспедицияси берган хулосаларга анча зид эди, албатта. Демак, мазкур хулосаларнинг замирида, бизнингча, етарли асосларга эга булмаган тарихий қарашлар мавжуд.

... Мен ҳар сафар Хивага йулим тушганда, Али Маҳрам ҳовлисидаги қудуқни зиёрат қилишга бораман. Қудуққа тикиламан. Гуёки унинг туб-тубидан Ардахиванинг элас-элас инграган товушини эшитгандай буламан. Бу қулоғимга олис тарих садоси булиб эшитилади!¹...

Ҳазорасп қалъаси тўғрисида афсона. Ҳазорасп - Хоразм воҳасининг кўҳна қалъаларидан биридир. Унинг тарихи Шарқнинг мумтоз шаҳарлари Истамбул, Қуддус, Макка, Марв, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари каби қадимий ва ранг-барангдир.

Утмишда уни муаррихлар “Қалъаи Сулаймон”, Атурспанд (муқаддас олов шаҳри ёки минг от қалъаси) деб атаганлар.

Ёши улуг қариялар: “Ҳазорасп - муқаддас қалъа, Сулаймон пайгамбарнинг дуосини олган унга кириб тулмагай, олиб адо булмагай” деб айтганлар. Ҳуш, “Авесто”, “Таврот” ва “Қуръони Карим” сингари муқаддас китоблар билал боғлиқ булган ушбу табаррук қалъага қачон ва ким томонидан асос солинган?

Ўзбекистон “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлимининг раиси Комил Нуржонов шундай ҳикоя қилади:

- Ҳазорасп қалъаси ҳақидаги машҳур афсоналарнинг бири Сулаймон пайгамбар номи билан боғлиқ.

Сулаймон пайгамбар ўзининг “шамол устига қурилган тахти”да Хоразмга учуб келибди ва базму жашид уюштирибди. Зиёфатга меҳмон булиб келган пари қизлар қанотли тулпорларини муқаддас гиёҳ - исириқ томирларига боғлабдилар.

Зиёфат узоқ давом этибди. Натижада отларнинг қорни очиб исириқ гиёҳларни еб маст булишибди ва қанот қоқиб кишнашибди. Буни кўрган Сулаймон пайгамбар дарҳол

¹ Тоҳир Карим. Олис тарих садоси. “Халқ сузи”, 1997 йил 27 июн.

отларни яширишга, пари қизларни эса шу маконда қолдириб эрга беришга ҳамда қалъа қуришга амр этибди. Шу тариқа қалъанинг номи “Сулаймон қурган ёхуд Хазорасп” (минг от) булиб қолган дейишади.

Эътироф этиш жойизки, Сулаймон пайгамбар тарихий шахсдир. У Довуд пайгамбарнинг иккинчи уғли, милоддан аввалги 965 йилдан 928 йилгача Фаластин давлатига подшоҳлик қилган. Уз даврида Эрон мамлакати ҳукмдорлари билан савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар урнатган, лекин унинг Хоразмга келганлиги ҳақида фанда ҳеч қандай маълумот йўқ.

Аммо сеҳрли гиёҳ - исириқ агуспенд масаласига келсак, тарихий ҳақиқатга бироз ёндошиб утган ҳисобланамиз.

Шу уринда Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” си ва қадимий “Авесто” китобларидаги биринчи Хоразмшоҳ Сиёвуш ҳақидаги афсона эса келади. Афсонага қура, Сиёвуш Эрон подшоши Каёнӣй (Кайқовус) нинг Турон маликасидан туғилган уғли.

Сиёвуш Бахш (Аму) дарёси буйида гузал бир қалъа бунёд этади. А.Фирдавсий ёзади:

Энди Ганж қалъадан эшитгил дoston,
Унга ақлинг бовар этганча ишон.
Уни барпо этди одил Сиёвуш
Қургунча чекди у ранж ила ташвиш”.

Ушбу афсонани Беруний “Хоразм эрасининг бошланиши”, деб ҳисоблайди. Хоразм эраси ҳозирги милодий даврдан 13 аср илгари бошланган. Демак, Хоразмнинг ёзма тарихи 33 асрлик (3300 йил) даврни уз ичига олади. Хоразм тарихининг билагонларидан бири С.П.Толстов эса, Хоразм воҳасида инсонлар келиб урнашганига 15 минг йил булган, деб ҳисоблайди. Беруний ва Толстов кўрсатган тарихий саналарни солиштириб кўрсак, ургада 11700 йил фарқ чиқмоқда.

Қуринадики, ота-боболаримиз қарийиб 12 минг йил ертула, чайла, тоғларнинг горларида, қишлоқ ва утлоқларда кучманчилик қилиб яшаганлар. Қалъа ва шаҳарлар қуриш нималигини билмаганлар. Аждодларимиз утган 100 асрлик давр мобайнида қандай ҳаёт билан машқул булганлар?

Бу саволга муқаддас “Авесто” ва “Инжил” китоблари жавоб бера олади. “Инжил” ва “Авесто” китобларида инсониятнинг 9-10 минг йиллик тарихидан дарак берувчи афсона ва ривоятлар келтирилади. Чет эл олимлари ушбу китоблардан “Бутун дунё сув тошқини, Туфон”, ер юзида ҳаётнинг 9 марта бузилиб, 9 марта тикланиши ҳақидаги ривоятлардан огоҳ буладилар. Ушбу ривоятларнинг айримлари дарё оралиги (Месопотамиядаги Бобил (Вавилон) шаҳри (Шумер мамлақати) харобаларини қазिश чоғида топилгани туғри.

XIX асрнинг урталарида инглиз археологлари томонидан Ироқда топилган нодир Бобил маданиятининг Хоразмга дахли борми? Албатта бор!

Қадимги хоразмликлар бизнинг эрадан аввалги X-IX мингинчи йилларда кучманчилик, (асосан чорвачилик) билан ҳаёт кечирганлар ва жануби-ғарбий улкаларгача бориб, Бобил (Вавилон) Суза (Шероз) Персполь (Қуддус-Иерусалим) каби буюк шаҳарлар қурилишида бевосита қатнашганлар. Тарих фанида бу фикр аллақачон исботланган. Хива, Ҳазорасп, Тупроққалъа тағ-заминининг ўрни айни Шумер қалъаси сатҳига тенг. Қолаверса, “Осмон устун” - Бобил шаҳрини қуришда иштирок этган шарқлик кучманчилар қузғолони бунга мисол бўла олади. Яна бир далил шуки, қарийиб 7 минг йил аввал ўтган шумерликлар лексиконида от деган тушунча умуман бўлмаган. Улар отни “Шарқ эшаги” деб атаганлар.

Шумерликлар тилида мавжуд бўлган 500 дан зиёд туркий ва қадимий хоразмча сузлар ҳам юқоридаги фикрларимизни яна бир қарра исботлайди.

“Авесто” китобида “Дахью” - вилоят, “Ардва” - Орол кули, “Азата” - озод киши, “Хасма” - шароб, “Даитиё” - Амударё, “Мазду баст” - Туямўйин дарёси тилга олинади ва унда “Ийрон-Виж” (Хоразм) - мамлакатларнинг аълоси деб талқин этилади. “Авесто”да тилга олинган Мазда - биринчи олов ёқилган макон Хоразмдир.

С.П.Толстов, Я.Ғуломов, А.Асқаров каби олимлар “Бундахишнинг биринчи муқаддас оловни (Адар хурро) Жамшид томонидан Хоразмда ёқилганлиги ҳақидаги афсона ҳақиқатга яқин келади, деб ҳисоблайдилар.

Иккинчидан, Берунийнинг гувоҳлик беришича, Жайхун Мазду-бастдан (Туямуйиндан) Қорақум саҳроси орқали Ҳазор денгизига қараб оққан.

Демак, Ҳазорасп худудларидан кесиб утган Полвон канали (Ҳейканик - анҳорнинг аввалги номи) Жайхуннинг бир тармоғи булган ва унинг буйларида даставвал Адрасп (Ҳазорасп) қалъаи Рам (Хива), Қалажик (кичик қалъа), Гаур қалъа, Шоҳсанам, Урга - Гаурканд (Кухна Урганч) каби антик қалъалар бунёд этилган. Аксарият олимлар ушбу қалъа - қургонларнинг энг ёши улуғи Туркманистон Республикасидаги Гоур қалъа, ундан кейин эса, Хива шаҳри қурилган деб ҳисоблар эдилар. Хоразм археологлари ушбу фикрга тузатиш киритишди.

Зеро Ҳазорасп - оташпарастилик давридан ёдгор булиб қолган қадимий қалъа, тўғрироғи, воҳа шаҳарларининг бобокалонидир. У бизнинг кунлардан 26-27 аср муқаддам пайдо булган, аҳамонийлар, Сосонийлар, Хоразм подшолари Фарасман (Хорасман), Шопур IIлар учун неча юз йиллаб пойтахт булиб турган. Уз бошидан араб, форс, мўғул, қалмиқ, урис босқинларини кечирган Хоразмнинг олтин дарвозаси, мустаҳкам қалъаси булган. Сузимизни Ҳофиз Шерозийнинг Ҳазорасп қалъаси ҳақидаги тўртлиги билан мухтасар этсак уринли булар деб уйлаймиз:

Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Бухоро қуввати Исломи дин аст,
Ҳазорасп қалъаи ҳуб жойи маҳкам,
Хива - Фирдавси раббил оламин аст¹.

¹Комил Нуржонов. Хоразм қалъаларининг бобокалони. "Савдогар", 1997 йил, 28 январ.

СУКУНАТ МИНОРАСИ

Елена Блавацкая 1831 йили Россиянинг Днепропетровск шаҳрида туғилган. Англия, Америкада яшаган. Уни дунёни кезиб, динларни, диний удумларни урганган саёҳатчи олим сифатида китобхонга таништиради, хато булмади. Блавацкаянинг “Тайная доктрина-синтез науки религии и философии” номли 2 жилдик асари дуёга машҳур. Қуйида келтириладиган парча унинг “Из пещер и дебрей Индостана” деб аталмиш Ҳиндистон сафари ҳақидаги очерклари китобидан олинди.

Бомбай шаҳрида Зардушт уғлонларининг сунгги даргоҳи -“Сукунат минораси” мавжуд бўлиб, у Малабар тепалиги чуққисида жойлашган.

“Сукунат минораси” форсийларнинг қабристонини ҳисобланади. Бунда бойу қашшоқ ҳам, нобоб-у арбоб ҳам - аёлми, эркакми, болами -ҳаммаларининг жасади ёнма-ён ётқизиб қўйилади. Ва бир неча дақиқа утар-утмас, бу майитлардан фақат скелет-суякларгина қолади. Биринчи туқнаш келган мусофирда бу”минора”даги асрлар давомида ҳукм суриб келаётган сукунат алақандай оғир ва нохуш таассурот қолдиради. Форсийлар яшаган ҳамма жойда, айниқса, Сурат деган манзилда бундай иншоотларни учратиш мумкин. Бомбайдаги олтига шунақа миноранинг энг каттаси бундан 200 йил бурун қурилган экан, энг кейингисининг қурилганига эса унча кўп вақт булмади. Доира ва айрим ҳолларда тўрт бурчак шаклидаги бу эшиксиз қурилмаларнинг баландлиги 6 метрдан 12 метргача етади. Унинг фақат биттагина қалин темирдан ясалган туйнуксимон эшикчаси бўлиб, у шарқ томонга очиларкан. Бу даҳмага (минорани форсийлар шундай аташади) қўйиладиган биринчи жасад

беғуноҳ гудакнинг майити ва у албатта, қоҳинларнинг боласи булиши шарт. Тепаликдаги боғ ичига қурилган мазкур минорага ҳеч кимнинг, ҳатто нозир ва қоровулнинг ҳам яқинлашишга ҳаққи йўқ. Улар даҳмадан 30 қадам нарида туришлари керак. “Сукунат минораси”га тириклар билан умуман гаплашмайдиган, қулини ҳеч нарсага теккизмайдиган, одамларга ҳатто яқин ҳам йўламайдиган (одамлар билан тиллашишни уларга қонун таъқиқлаган) нассесалар¹ (тобуткашлар)гина кириб чиқадилар. Улар марҳумни, бойми, камбағалми, бари бир, оқ увада матога ураб олиб кирадилар. Кейин уни қип-яланғоч қилиб ечинтирадилар-да, учта айлананинг бирига қуйилар ва бирор суз ҳам айтмай, сукут сақлаганча ташқарига чиқадилар. “Минора” туйнуги то кейинги майит келгунча ёпилади, увада кафан шу заҳотиёқ ёқиб юборилади. Оташпарастларда улик қаддини йўқотади ва улар улик жасаддан жирканадилар. Агар беморнинг яқинлари унинг жон таслим қилиш пайти яқинлашганини сезиб қолишса руҳнинг тандан ажралишига халақит бермаслик ва шунингдек, мурдага тегиб кетиб узини булгамаслик учун ундан йироқлашишади. Биргина қоҳин жони узилаётган кишининг қулогига пичирлаб “Авесто”нинг панд-насиҳатларидан “Ашем Воҳу” ва “Ято ахуваре”ни уқийди ва бемор ҳали жон таслим қилмасдан чиқиб кетади. Кейин итни етаклаб кириб, улаётган кишининг юзига мажбурлаб қаратадилар. Бу удум сак дид (ит қараш) деб аталади. Жасадда жойлашиб олиш учун унинг жони чиқишини пойлаб турган Друкс-Насу (ёвуз жин) тирик мавжудотлар орасида фақат итнинг нигоҳидангина қўрқади...

Бироқ бундай пайтда улик билан ит орасига бирор кимсанинг сояси тушиб қолмаслиги керак, чунки соя ит нигоҳларидаги қувватни кесади ва жин бундай имкониятдан фойдаланиб қолиши мумкин. Форсий банда қаерда қазо қилмасин, то нассесалар келмагунча улган жойида қолаверади. Мурдани қопқоқли темир тобутга (ҳамма учун битта) солиб

¹Бу бахти қаро одамларнинг аҳволи бизнинг жаллодлари-мизникидан-да аянчлироқ. Улар жамиятдан ажралиб яшайдилар, энг аянчлиси, ташқи дунё билан умуман мулоқотда бўлмайдилар. Улар бозордан озиқ-овқат сотиб ололмайдилар, шаҳар кучаларига фақат уликларни олиб кетиш учунгина чиқадилар.

дахмага олиб боришади. Мабодо даҳмага олиб борилган одамнинг ҳали жони чиқмаган булса ҳам (бундай ҳол ҳам учраб туради) бу ёруғ дунёни у бошқа кўрмайди. (Бундай пайтда насесалар уни улдиришади. Сабабки, улган хисобланиб, “минора”га олиб кирилган ва жонсиз танадек булганган одамнинг энди ёруғ оламга қайтиши мумкин эмас; қайтса, бутун жамиятни булгайди¹. Уликнинг қариндош-уруғлари тобутнинг орқасидан юришади ва “минора” га 90 қадам қолганда тўхташади. Туйнук олдида турган насесалар узоқдан эшитилаётган коҳиннинг дуоларига жур буладилар ва ит билан булган удум яна бир бор такрорланади. Бомбайда айнан шу маросим учун ургатилган итни “минора” туйнуги олдида боғланган ҳолда сақлашади. Кейин насесалар тобутни ичкарига олиб кириб, марҳумни жинси ва ёшига қараб, маҳсус уринга ётқизадилар.

Биз икки марта “улиш” ва бир марта “дафн этиш” маросимига қатнашдик. Бундай пайтда форсийлар европаликларга ҳиндийлардан кўра анча марҳаматлироқ буладилар. (ҳиндилар уз диний маросимларида европалик кишиларнинг иштирок этишига монёлик қиладилар).

Қандайдир бой хотинни дафн этиш чоғида, танишимиз “минора” нозири - Н.Байранжи бизни уз уйига таклиф қилди. Шундай қилиб “минора”дан қирқ қадамча нарида - Байранжининг айвонида туриб барча дафн удумларининг шоҳиди бўлдик. Байранжи гарчи бу “минора”да кўп йилдан буён хизмат қилса-да, ҳали бирор марта у ерга кирмаган, ҳатто яқин ҳам бормаган экан. Итнинг марҳумга “Қараш” маросими тугагунча биз даҳма узра чарҳ уриб учиб юрган калхатлар галасини яширин жирканиш сезгиси билан кузатдик. Мурда ичкарига қуйилгач, калхатлар “минора”га ёпирилиб кира ва тумшуқларида одам гўшгининг қонталаш парчаси билан учиб чиқа бошладилар... “Сукунат минораси”ни

¹ Бундай воқеаларнинг такрорланиб туриши оқибатида форсийлар янги бир қонун жорий этилиши лозимлиги ҳақида уйлаб қолдиларки, бундай қонун биринчидан, даҳмада тирилганларнинг тириклар даврасига қайтишига, иккинчидан, “минора”нинг бирдан-бир туйнуги қулфланмай қолдирилиб, собиқ мурданинг қочишига имкон яратиши мумкин эди. Ажабки, уликнинг суякларини бир фурсатда тозалайдиган калхатлар, ҳали олиб улгурмаган одамга тегишмайди ва қичқирганча четга учиб кетишади.

уя қилиб олган бу калхатлар атайлаб шу маросим учун Эрондан келтирилган экан. Хиндистон калхатлари эса зардуштийлик қонунларига мувофиқ тезликда уликнинг гуштини суягидан тозалай олишолмас, яъни етарлича йиртқич эмас ва кучсиз ҳисобланар эканлар. Айтишларича, суякдан гуштни тозалаш жараёни бир неча дақиқадан ошмас экан...

Маросим тугагач, бизни бошқа бинога олиб боришди. Унда унчалик катта булмаган бир стол устида даҳманинг чуплардан ажойиб қилиб ясалган ички қурилмалари тарҳи бор эди. Бу тарҳга қараб биз “Минора” ичида нималар булганлигини энди бемалол куз олдимизга келтирдик. Ер устида қурилган турт бурчакли тутун мурисини тасаввур қилсангиз, буш “минора”нинг қурилиши ҳақида тушунчага эга буласиз. Гранит супанинг уртасидаги чуқур, сувсиз қудуқнинг тарновига ўшаб қурилган, у темир панжара орасидан қорайиб қуринади. Чуқурнинг атрофи девор томон кетган нишаблик булиб, қудуқни ўраб турган учталиқ халқада учта доира уйилган, яъни уларнинг ҳар бирида тобутсимон жойлар бор. Бундай жойлар 365 та. Қудуқ буйидаги биринчи доирага (эни 60 см) болалар жасадлари қуйилади; уртадагиси (эни 1 метр)га - аёллар; учинчи(эни 1,5 метрли) узун доирага эркаклар қуйилади. Ушбу учталиқ доира Зардуштийликдаги асосий уч эзгу иш: “саховатли ишлар, ёқимли сузлар ва покиза фикрлар”га хизмат қилади. Охирги доира болаларга, биринчиси эса эркакларга мулжалланган.

Оч калхатлар галаси сабаб, бир соат утар-утмай суяклар гуштнинг сунги заррасигача тозаланани ва икки-уч ҳафта ичида иссиқ иқлим скелетни шундай қовжиратадики, улар сал тегиниш билан хок-туробга айланади. Шундан кейин уларни қудуққа ташлаб юборишади. Бунда на бир бадбуй ҳид ва на вабонинг ёки бошқа юқумли эпидемияларнинг тарқалишига имкон бор. Бу услуб жасадни ёқишдан кўра ҳам туғрироқ, чунки жасадни ёқиш нағижасида ҳавода кучсиз булсада, ёқимсиз ҳид қолади. Форсийлар “она замин”ни улакса билан боқмасдан, Арманти¹ (Замин)га буткул тозаланган хокни беришади. Зардуштийликда заминга ҳурмат шу даражада юқорики, одамларга “ҳар бир дон дон учун юз мартаба

¹Арманти - “Сигир-энага” (ёки “Боқувчи сигир”). Зардуштларнинг угитича, деҳқончилик энг олийжаноб ва худога сеvimли машгулотдир.

кўпроқ дон ҳадя қилувчи “Сигир-энага” (яъни ер) булганмаслиги керак, Муссон даврида 4 ойлаб тинимсиз ёққан ёмгир скелетлар ёнида калхатлар қолдирган барча ахлатларни ювиб қудуққа туширади ва сув ерга тозаланиб (филтрланиб) сузилади. Бунинг учун қудуқ тубига қуйилган гранит плиталар сувни тозаловчи қумтош ва тошқумир билан қопланган.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мапкамсининг қарори	3
Муқаддима	5
Сипийтмон Зардушт ёхуд “Авесто”нинг инсоният тараққиётидаги урни.....	12
“Авесто”да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар	48
“Авесто” - бутун жаҳон аҳлининг муштарак маданий меъроси	79
“Авесто”да соғлом авлод ва маънавий-ҳуқуқий тарбия масалалари	101
“Авесто”нинг тарихий-маърифий ва адабий қиймати.....	115
“Авесто”даги асотирлар ёхуд шу қадимги ёдгорлик асосида яратилган афсона ва ривоятлар	130
“Сукунат минораси” Е. Блавацкая	152

Ҳалимбой Бобоев
Солижон Ҳасанов

**“Авесто” - маънавиятимиз
сарчашмаси**

Муҳаррир - Қ. Мирмуҳамедов
Рассом - З. Абдурасулов
Тех. муҳаррир - М. Мирилёсова

Теришга берилди 22.01.2001 йил.
Босишга рухсат этилди 22.02.2000 йил.
Бичими 84x108 1/32. Таймс гарнитура. Офсет босма.
Босма табоғи 5,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,0. Адади 1000
нуса. Буюртма №225. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
“Адолат” нашриёти.
Тошкент, 700170. Муҳитдинов кучаси, 26.

ООО “Matbaa tongi” чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Усмана Насира кучаси, 25.

